

ISSN: 3060-4591

MU 2024 TARRIX

ILMIY JURNALI



1-SON
SENTABR

TOSHKENT KIMYO XALQARO
UNIVERSITETI



TAHRIR HAY'ATI

Akbar Zamonov (bosh muharrir)

Nabijon Narziyev (bosh muharrir o'rinbosari, mas'ul kotib)

Anatoliy Sagdullayev

Zamira Ishanxodjayeva

O'ktam Mavlonov

Shodmon Vohidov (Tojikiston)

Adhamjon Ashirov

Azimxo'ja Ataxodjayev

Alisher Xaliyarov (AQSh)

G'aybulla Boboyorov

Seyka Vazaki (Yaponiya)

Bo'ston Tursunov (Tojikiston)

Bobir Aminov

Ruza Ballieva

Sherzod Mahmudov

Oybek Rashidov

Feruz Boboyev

Oybek Klichev

Iroda Shamsiyeva

Ulug'bek Xalmuminov

Mirzohid Askarov

Jurnal O'zbekiston matbot va axborot agentligi tomonidan ro'yxatga olingan
Guvohnoma № 315236

Jurnal
Toshkent Kimyo xalqaro universitetida tayyorlangan

JURNAL HOMIYSI VA MUASSISI
TOSHKENT KIMYO XALQARO UNIVERSITETI

MUNDARIJA

	Kirish soʻzi	5
Bobir Aminov	Eski langar va ishqiya tariqati	6
Azimxoʻja Otaxoʻjayev	Sugʻdning oziq-ovqat mahsulotlari	20
Gulchehra Agzamova	XVI-XIX asrning oʻrtalarida Buxoro xonligi: oziq-ovqatlarga oid ayrim maʼlumotlar	27
Adhamjon Ashirov	Oʻzbek taomlari bilan bogʻliq urf-odat va marosimlar	34
Akbar Zamonov, Shaxzoda Rixsiboyeva	Muhammad Shayboniyxonning nazmdagi faoliyatiga doir mulohazalar	42
Shohista Oʻljayeva	Amir Temur saltanatida diplomatik mehmonnavozlik (Rui Gonzales de Klavixo kundaligi asosida)	57
Nabijon Narziyev	Tarixiy antropologiya va uning etno-tarixiy tadqiqotlarda tutgan oʻrniga doir mulohazalar	63
Oybek Qlichev	Elchilik dasturxonini va diplomatik etiket (XIX asrning ikkinchi yarmi – XX asr boshlari)	71
Ochil Boʻriyev, Fahriddin Samarov	Oʻzbeklarda non bilan bogʻliq qadriyatlar (Qashqadaryo vohasi misolida)	76
Turdali Nuridinov, Alimardon Juliboyev	BXSRning xorijga yuborilgan talabalari haqida baʼzi mulohazalar	90
Ulugʻbek Xalmuminov	VI-VIII asrlarda Fargʻonaning boshqaruv markazlari	98
Akmal Samedjanov	Niyozbek qalʼasi – Toshkent kaliti	111
Akmal Ismoilov	Qadim va ilk oʻrta asrlarda Oʻrta Osiyoga koʻchib kelgan qabilalar va ularning turmush tarzi	132

Nosirjon Doniyorov	Savodsizlik masalalarining Turkiston ASSR, BXSR va XXSRda ko‘tarilishi hamda uning sabablari	142
Xasan Babadjanov	Ikkinchi Jahon urushi davrida AQSHdagi oziq-ovqat taqsimotida kartochka tizimi va uning plakatlarda aks etishi	152
Muhiddinjon Primov	O‘zbekiston hududi va muhim geografik xususiyatlari xarita va atlaslarda aks etishiga doir	162

KIRISH SO‘ZI

Axborotlarni olish, tarqatish tezlashgan bugungi globallashuv davrda tarix, tarixiy haqiqat va uni ilmiy jihatdan xolislik asosida o‘rganish, ayniqsa, uni yosh avlodga yetkazib berish zamonaviy tarix fani oldida turgan eng dolzarb masalalardan biridir. Tarix va tarixiy jarayonlar, siyosiy-tarixiy vaziyat ularning ro‘y berishidagi asosiy sabab va xususiyatlarini ilmiy jihatdan tadqiq etishda har tomonlama tahlil qilish tarixiy haqiqatning yuzaga chiqishida katta omil sanaladi. Ayniqsa, turli davrlarda yaratilgan tarixiy ilmiy asarlarda mualliflarning tadqiqot masalalariga turlicha yondashuvlari va fikrlari, xulosalarning turlichaligi, ularni ilmiy jihatdan chuqur tahlil qilish va tarixiylik, ilmiylik hamda xolislikka asoslanilgan eng to‘g‘ri xulosalarni chiqarish bugungi kun tarixchi mutaxassislari oldida turgan muhim vazifalardan sanaladi.

Globalashgan jamiyatda ilmiy tadqiqotlarning natijalarini e‘lon qilish usul va vositalari ham o‘zgarib bormoqda. Chunki, axborotlashgan jamiyatda ma‘lumot va bilimlar yetkazishning o‘ta tezkor hamda zamonaviy usullar mavjud. Bunda kundankunga ommaviylashib borayotgan ijtimoiy tarmoqlar, turli podkast kanallari, elektron ilmiy bazalarning o‘rni katta. Mazkur talablarni inobatga olgan holda, Toshkent Kimyo xalqaro universiteti “Tarix” kafedrasini tashabbusi va taklifi bilan “Muarrix” ilmiy elektron jurnali ta‘sis etildi. Jurnal 2024-yil 9-iyulda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi ro‘yxatidan o‘tkazildi (№315236-sonli guvohnoma).

“Muarrix” jurnalida O‘zbekiston tarixi, etnologiya, arxeologiya, manbashunoslik, tarixshunoslik va tarixiy tadqiqot usullari, tarix fanini o‘qitish metodikasi yo‘nalishlarida ilmiy maqolalar chop etilishi ko‘zda tutilgan.



<https://doi.org/10.5281/zenodo.13848029>

Бобир Аминов

Тошкент Кимё халқаро
университети “Тарих” кафедраси
проф. в.б., тарих фанлари доктори,
e-mail: sitmih@yahoo.com

ЭСКИ ЛАНГАР ВА ИШҚИЯ ТАРИҚАТИ

Аннотация. Мақолада эпиграфик, генеалогик, археологик ва тарихий методлар асосида илмий ахборот тўпланиши натижасида ишқия тасаввуф марказларидан бири бўлган Эски Лангар комплекси тадқиқ қилинган. Тадқиқот Қашқадарё вилоятининг Чирокчи туманидаги Эски Лангар қишлоғи ҳудудида ўтказилган бўлиб, XV-XX асрларга оид эпиграфик ва меъморий ёдгорликларни қамраб олган. Мазкур тадқиқотда тасаввуф биродарлиги марказлари, уларнинг бу минтақадаги тармоқлари, шунингдек ушбу тасаввуф тариқатининг пирлари, намоёндалари ўрганилган. Тадқиқотда қўлёзма манбалар, эпиграфик ёдгорликлар, архив материаллари ва муаллифнинг дала тадқиқотлари натижасида тўплаган материал ва далилларидан фойдаланилган.

Калит сўзлар. Эски Лангар, Ишқия, тариқат, Тим, Остона Ота, шайх, Абу Таййиб, Шайх Абу-л-Ҳасан Ишқий, Мирим шайх Ишқий, Ҳазрат шайх Мухториддин Хоразмий,

Кириш. Ўрта/Марказий Осиё минтақасида тасаввуф тариқатлари орасида ишқия алоҳида ўрин эгаллайди*. Мазкур тасаввуф биродарлиги, бу ҳақда манбалар озлиги ва камлиги сабабли яхши тадқиқ этилмаган. Шу кунга қадар амалга оширилган изланишлар, асосан эпиграфик ёдгорликлардаги маълумотлар, меъморий ёдгорликлар, ёзма манбалар ва дала тадқиқотлари натижасида йиғилган далилларга асосланган. Кейинги даврларда маҳаллий аҳоли томонидан тақдим этилган турлича қўлёзма манбалар ишқия тариқати тарихи хусусидаги тасаввурларни кенгайтиришга хизмат қилади. Айниқса Эски Лангар қишлоғи ҳудудидан ишқия тариқати пирлари, раҳнамолари насл-насабларини ёритувчи шажаралар, насабномаларнинг топилиши мазкур тариқатнинг шайхлари, уларнинг хонадон вакиллари, уларнинг генеалогияси, қайси даврларда яшаганликлари ва фаолиятлари ҳақида у ёки бу даражада тарихий далиллар тақдим этади.

Ишқия сўфийлик оқимининг пайдо бўлиши ва тарқалиши тўғрисида турли фикрлар ва тахминлар бор. Айрим ишқия шайхлари шажарасида силсила ва насл-насаб Абу Йазид ал-Бистами ат-Тайфури, ёки унинг аждоди Абу Таййиб номлари билан бошланади [1. – С. 40.] Эрон ва Ўрта Осиёда бу тариқатнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши XIII асрда яшаган Абу Йазид ал-Ишқий номи билан боғланади ва шу боисдан ҳам ишқия (ишқиййа) номи билан танилган. Туркияда бу сўфийлик оқимини бистомийа, Ҳиндистонда эса шатторийа деб номлашган [5. – С.166]. Минтақа қабртош ёдгорликларидаги маълумотлар ва тарихий саналар далолат беришича, мазкур ирфоний оқимнинг фаоллиги XIV-XX асрларга мувофиқ келади.

Ишқия шайхлари ва бу оқим аъзолари бутун вужудлари билан ишқий завқ орқали Аллоҳ ишқига эришиш йўлини тутганлар. Бу зикри жаҳрийа ҳамда само

* Ишқия ирфоний марказлари Ўзбекистоннинг алоҳида минтақаларида таниқлидир. Уларга Остона ота (Самарқанд вилояти Нуробод тумани), Катта Лангар (Қамаши тумани) ва Қашқадарё дарёси соҳилидаги Қиём шайх (Шаҳрисабз тумани) киради.

ракси воситаси билан амалга оширилган ва ўша замонда Мовароуннаҳрдаги машҳур нақшбандия принципларига зид келган. Шу сабабдан, улар баъзида нақшбандийлардан ўзларини узоқ тутиб, Аллоҳга бўлган ишқий эҳтирос амалиётини сиёсий-маданий марказлардан чекка ҳудудларда амалга оширганлар.

Ишқия тариқати вакиллари ўз амалиётларида яссавийларга яқин туришган. Уларнинг оддий ва содда ҳаёт тарзи Мовароуннаҳрнинг кўчманчи ва ярим кўчманчи этник гуруҳлари орасида обрў қозонишларига сабаб бўлган. Шу боис улар чорва ва қисман деҳқончилик билан машғул аҳоли орасида танилиб ўша атрофдаги асосан кўчманчи халқни ўзларига мурид тутганлар ва ҳидоят йўлига бошлаганлар. Самарқанд ва Қашқадарёнинг тоғ олди ҳудудларида уларнинг йирик марказлари фаолият юритганлиги хусусида манбаларда маълумотлар учрайди.

Эски Лангар ва ишқия тариқатининг ўрганилиши.

Эски Лангар ва улардаги ёдгорликлар, шунингдек ишқия тариқати тўғрисида дастлабки маълумотлар М.Массон томонидан берилган. КАТЭ*га асос солган ушбу олим Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги Катта Лангар мажмуасини комплекс равишда ўрганиш жараёнида қабртош битиклар ва маҳаллий аҳолидан йиғилган маълумотларга таяниб ишқия тасаввуф тариқати пирлари ҳамда раҳнамоларининг марказларини аниқлашга муваффақ бўлади ва натижада Эски Лангарда фаолият юритган ишқия шайхларининг Катта Лангардаги шайхларга алоқадорлиги ҳақида ўз фикрини илгари суради[7. – С. 69]. Экспедиция тадқиқот ишлари жараёнида Эски Лангардаги хонақо мақбаралар ўрганилган, меъморий ёдгорликлар устида кузатувлар олиб борилган. М.Массон маҳаллий аҳоли орасида сўровлар олиб боради ва ишқия шайхларидан ҳазрат Мирим Шайх ва Абу-л-Ҳасан Ишқий ҳақида

* КАТЭ – Қашқадарё археологик-топографик экспедицияси. Мазкур экспедиция Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг тарих факультети “Ўрта Осиё археологияси” кафедрасида ташкил этилган.

халқ орасида маълум маълумот ва далиллар йиғади [5. – С.70]. Аммо ТошДУ археолог олимларининг изланишлари ишқия тасаввуф тариқати тарихи билан боғлиқ муаммоларни тўлиқ еча олмади. Чунки тарихий манбалар, шажаралар уларга маълум эмас эди. Қабртошдаги битиклар эса тўлиқ таржима қилинмаган. М.Массон тошлардаги битиклардан қабртош соҳиблари бўлган шайхларнинг исми, насл-насаби ва вафот этган йилларини аниқлаш асосида уларнинг ҳаёт ва фаолиятлари хусусида ўз фикр мулоҳазаларини билдирди.

XX асрнинг 90 йилларида амалга оширилган бошқа бир тадқиқотда эса Эски Лангар қишлоғидаги ёдгорликлар ва ишқия тариқати ҳақида эпиграфик ёдгорликлар, аҳоли орасидан йиғилган турли маълумотлар ва далиллар, шунингдек ишқия пирлари авлодлари томонидан тақдим қилинган шажараларга таянилган ҳолда янги маълумотлар тақдим қилинди [6. – Б.78.].

Ишқия тасаввуф тариқати пирлари ва намояндалари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, улар ҳақида дастлабки маълумотлар буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий [2. – Б.424], тарихчи Ҳофиз Таниш Бухорий, тазкиранавис Ҳасанхожа Нисорий, Муҳаммад Боқир асарларида учрайди. Навоий Тим қишлоғи ва унда ҳаёт кечираётган ва фаолият юритаётган тасаввуф шайхлари ҳақида далиллар келтирган. Ушбу муаллифлар ўз асарларида Остона ота ва Катта Лангар ишқия шайхлари ҳақида кўпроқ ёзишган ва уларнинг хат ва фаолиятларини ёритишган. Манбаларда берилишича, Худойқулиннинг ўғли Муҳаммад шайхнинг давлат ҳукмдорлари орасида муридлари бўлган ва у шунингдек *“кароматлари билан ўз даврининг олимларини лол қолдирган”* [8, 268 в.]. Дунёвий илмлар борасида Илёс шайхга тенг келадигани бўлмаган, унинг араб тилида сўзлашув санъати ҳамда араб поэзиясидаги қобилияти аъло даражада эди. Муҳаммад Боқирнинг ёзишига кўра, Илёс шайх тоғли Тим қишлоғида лангар қурган ва унинг муқаддас мозори ўша тоғлар орасида [8, 268 варақ.].

Тарихчи Ҳофиз Таниш Бухорий Муҳаммад Содик Шайх ҳақида ёзиб, улуғ пирлардан бўлган шайх Абу-л-Ҳасан Ишқийнинг авлоди ҳисобланган Худойқули шайх авлодларидан бири сифатида тилга олган [11, – Б. 162-163.].

1988 йили Уз НИПИ реставрация* институтининг археологик-меъморий ва эпиграфик экспедицияси олимларидан иборат бир гуруҳ меъморий ёдгорликларни, шунингдек авлиёлар қадамжойлари билан алоқадор мусулмон мазорларини комплекс ўрганиш ва тадқиқ этиш муносабати билан эпиграфик ёдгорликларни илмий доирага маълум қилишни ҳам амалга оширган. Бунинг натижасида тасаввуф тариқатининг номи, тасаввуф шайхларининг исмлари аниқланиб, бу ерда дафн этилган шайхларнинг вафот саналари ўрганилиб қайта тикланган [3. – С.90].

Тарихий манбалар бўйича йирик мутахассис бўлган Ботурхон Валихўжаев томонидан ёзилган “Ҳожа Аҳрор тарихи: Самарқанд ва самарқандликлар” тарихий-оммабоп бадиҳаларида Самарқанднинг Жарқудуқ қишлоқ кенгашида Остона ота ёки Остона бобо қишлоғидаги ишқия тариқати, бу тариқатнинг пирлари ва раҳнамолари ҳақида қизиқарли фактларни учратамиз. Катта Лангар шайхи Муҳаммад Содик Ишқийнинг аجدодлари Остона отада яшаганликлари ва ўша ердаги мазорда дафн этилганликлари ҳақида ёзган Б.Валихўжаев, уларнинг насл-насаб силсиласи бошида Худойқули Шайх турганлигини ва ундан сўнг бу силсиланинг давомчиси, унинг ўғли шайх Муҳаммад ва невараси Илёс ҳақида далиллар келтириб, уларнинг қабрлари ва қабртошлари Остона ота мақбараси ичида жойлашганлигини ёзади ҳамда шу тошлардаги битикларга таянган ҳолда айрим маълумотларни келтиради [4. – Б. 80-92.].

* ЎзР Маданият вазирлиги ҳузуридаги Ўзбек илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти

Эски Лангар ва ундаги тарихий-меъморий ёдгорликлар.

Эски Лангар Қашқадарё вилоятининг тасаввуфга алоқадор ҳудудларидан бири сифатида танилган. У Чироқчи туманидаги Қалқама қишлоғига яқин ҳамда Лангар номи билан машҳур қишлоқнинг шимолида, Зарафшон тоғ тизмаларининг тоғ олди тепаликларидан бирида жойлашган. Собиқ совет даврида Эски Лангар Қалқама совхози таркибидаги қишлоқ бўлган. Бу ернинг меъморий ёдгорликлари XVI-XIX асрларга оид. Улар сони жиҳатдан учта, қишлоқнинг ўзида масжид, қабристонда икки хонақо мавжуд ва улардан бири – кичик хонақо шарқда, иккинчиси – катта хонақо эса ғарбда жойлашган. Тўртбурчак шаклга эга катта хонақонинг ҳажми 15,4x12,6 м ва у пештоқ-гумбазли иншоот*. Бурчакларида ярим устунлар қилинган. Бинонинг томи тўртта арқда ҳамда қалқонсимон елканларга таянади. Хонақо мақбара 26x26x5, 26x26x6 см ли тўртбурчак пишиқ ғиштдан кўтарилган. Шарқдаги тепалик устида қурилган мақбара эса ҳажмига кўра кичик: 10,9x9 м. Ҳар иккала иморатни қуришда сувоқ сифатида лой сувоқдан фойдаланилган. Обидалар тахминан XVI-XVII асрларда қурилганлиги эҳтимол қилинади. Мақбаралар ва қишлоқ масжиди тарихий-меъморий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлганлиги боисдан ҳам уларнинг ҳолати, таъмирга эҳтиёжи бор йўқлигини аниқлаш мақсадида 1978, 1989, 1990 йй. ўрганилган ва тадқиқ қилинган. Л.Ю.Манъковская қишлоқ ёдгорликларини рўйхатга олиш ва ҳужжатлаштириш мақсадида 1968 йили Лангар қишлоғига ташриф буюрган [9. – С.11].

Хонақолар ичида эса юзаси оқ ганч билан сувалган ёйсимон сағаналар жойлашган. Сағаналар усти ва ён-атрофида қабртошлар йўқ, хонақоҳ деворларида ҳам ёзувлар мавжуд эмас. Аммо хонақоҳдан ташқарида, қабристон ҳудудида турли

* Ҳажм ўлчовлари хонақонинг эски тарихий иншоотига асосланган. Ҳозирги вақтда қадимий бинолар ўрнига айнан ўша ернинг ўзида янгилари қурилган. Улар кенгрок ва баландрок килиб қурилган. Қабрлар ва улардаги сағаналар ўзининг аввалги жойида сақланган.

шакл ва ҳажмдаги сандиқ қабртошлар учрайди ва уларнинг айримларида ёзувлар сақланиб қолган.

Эски Лангар масжиди пишиқ ғиштдан қурилган. Таъмирчи мутахассислар ва меъморлар томонидан текширув ўтказилган пайтда унинг ҳолати яхши бўлмаганлиги қайд этилган [9. – С.11]. Бинонинг ташқи деворлари ва юзаси кузатилганда ҳам унинг таъмирга талаблиги аниқланган. Масжиднинг ички қисмида, унинг шифт ҳамда томи таяниб турган устунларнинг ҳолати яхши. Масжид айвонидаги устунлар катта қисмининг умумий ҳолати яхши. Аммо улардан айримларининг таъмирга муҳтожлиги сезилади. Устунларни алмаштириш ёки реконструкция қилиш керак. Масжид ичкарасидаги шифтларнинг аҳволи қониқарсиз, кўп жойларида ёриқлар мавжудлиги ва ҳатто чириганлиги кузатилган. Ёдгорлик томи кейинги даврга оид бўлиб, у ҳам мутасадди ташкилотлар ва таъмирчи мутахассисларнинг тадқиқотлар олиб борган вақтида таъмир қилиниши лозимлиги аниқланган.

Эски Лангар масжиди* тарҳига кўра тўртбурчак ва унинг ўлчамлари: 7,3x17,3 м, айвоннинг ўлчамлари эса: 12,2x12,2 м дан иборат [9. – Б. 436.]. Мазкур қишлоқ масжиди ўзининг таркибий тузилишига кўра шаҳарнинг гузар масжидларига ўхшайди. Унинг толори 4 устунли, томини болорлар кўтариб туради, жанубий-шарқий тарафдан икки тарафлама айвон қурилган. Айвон бизнинг замонамизга яқин пайтда иншоот этилган ва унинг томи болор (диаметри 22-25 см), вассали конструкцияга эга. Умумий устунлар сони 11 дона. Айвоннинг ҳажми қуйидагича: 17x4 ва 11,50x4 м. Баландлиги ер сатҳидан 7,5 м ни ташкил этади [9. – С.11]. Бинонинг қишки қисми ичкарасида меҳроб ҳам бор ва у умумий тарҳга кирмайди.

* Қишлоқ масжиди капитал таъмирга муҳтож тарихий ёдгорликлардандир. Шакли ва кўринишига кўра у Бухоро амирлиги даврида қурилган айвонли масжидларни эсга туширади.

Турфа рангдаги *ислимий* нақшлар айвон ёғочли шифтини безаб туради. Масжид деворларида ганчкори равоклар қилинган ва улар ичида битиклар мавжуд. Деворида нақшу-нигорлар қилинмаган. Ёғоч устунлардаги саналар масжиднинг қурилган ва таъмирланган йиллари ҳақида маълумот беради.

Эски Лангар ишқия пирлари ва намояндалари

Лангарда ўз вақтида ишқия тариқатининг пирлари, уларнинг хонадони вакиллари, тариқатнинг намоёндалари, муридлари ва мазкур тасаввуф оқимиغا алоқадор шахслар ҳаёт кечирган ва фаолият юритганлар. Катта Лангардан фарқли Эски Лангар қишлоғида ишқия тариқати раҳнамоларининг авлодлари ҳозирги вақтда ҳам истиқомат қилишади ва уларнинг айримлари ота-боболаридан мерос қолган насл-насаб далили, хужжати бўлган шажаралари билан таниқли пирларнинг авлоди эканликларига даъвогарлик қиладилар. Шажаралардаги баъзи исмлар Эски Лангар қабристонидagi айрим қабртош битикларда мавжуд исмлар билан мувофиқлиги аниқланган.

Ишқия тариқати ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари оралиғидаги Зарафшон тоғ тизмалари тоғ олди ҳудудларида XV-XVI ва ҳатто XVIII-XIX асрларда ҳам фаолият юритган тасаввуфнинг таниқли тариқати ҳисобланади. Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Тим қишлоғи яқинида жойлашган Остона ота зиёратгоҳи мазкур тариқатнинг дастлабки асосчилари ва вакиллари яшаган ва фаолият юритган ҳудудлардан бири сифатида эътироф этилади. Насабномалар ва ишқия тариқати билан боғлиқ айрим манбаларда Ҳазрат Шайх Абу Таййиб ва унинг авлодларидан Ҳазрат Шайх Мухториддин Хоразмий, Шайх Боязид Ишқий, Шайх Абу-л Ҳасан Ишқий исмлари тилга олинади. Шайх Абу Таййибнинг мазкур авлодлари ишқия машойихлари дейилади ва бунга сабаб уларнинг [илоҳий] ишқ шароби шавқидан мадхуш ҳолда ойлар, туну-кун [Аллоҳга бўлган ишқу-муҳаббат]ларини изҳор этиб келишлари назарда тутилади.

Эски Лангар ишқия пирлари насл-насаб занжирида Шайх Мухториддин Ишқия (Ишқий), унинг ўғли Боязид Ишқия (Ишқий) ва улардан кейинги авлодлар исмлари берилади. Шажарада ёзилишича, Шайх Мухториддин Саййид Шарофиддиннинг кизига уйланган ва шу никоҳдан Боязид Ишқий туғилган. Шундан сўнг Боязид Ишқий *саййид* унвони соҳиби бўлган. Саййид Боязид Ишқий эса Саййид Баҳо ул-Ҳақ ва-д-дин Мағрибийнинг кизига уйланган ва шу никоҳдан Абу-л Ҳасан Ишқий дунёга келган. Абу-л-Ҳасаннинг бир ўғил фарзанди – Шайхзода Маҳмуд бу наслнинг давомчиси саналади. Шайхзода Маҳмуддан уч ўғил дунёга келган ва улар қуйидагилардир: ҳазрат Шайх Аҳмад, ҳазрат шайх Муҳаммад Амин ва шайх Муҳйиддин. Шайх Аҳмаддан бир муборак ўғил дунёга келган ва унинг исми Зайнулобидийн Ишқий. Зайнулобидийн Ишқийдан 7 фарзанд туғилади: Муҳаммад Боқий Ишқий, Султон Муҳаммад Ишқий, Шайх Абдураззоқ Ишқий, Муҳаммад Ниёз Ишқий, Шайх Поянда Ҳожи, Шайх Қиёмиддин Ишқий, Боқир Муҳаммад Ишқий.

Абдураззоқ Ишқийнинг авлодларига келадиган бўлсак, унинг 3 та ўғли тилга олинади: Муҳаммад Олим Хожа, Шаҳбоз Хожа, Йиғлоқ Хожа. Йиғлоқ Хожадан уч ўғил қолган: Абдулжалил Хожа, Абдулкарим Хожа, Абдурахим Хожа. Абдурахим Хожадан икки ўғил: Обид Хожа ва Довуд Хожа туғилди. Обид Хожанинг бир ўғли бўлган: Сулаймон Хожа.

Мирим шайх ва унинг насабномаси

Ишқия тариқатининг Эски Лангардаги шайхлари асосан Мирим шайх Ишқий номи билан боғлиқ. Мирим шайх Чироқчидаги Лангарга асос солган. У Абу-л-Ҳасан Ишқийнинг ўғли ва муриди шайхзода Маҳмуднинг тўғридан тўғри авлоди. Шайхзода Маҳмуднинг уч ўғли ҳақида “*Мирим шайх шажараси*”да маълумот

берилади*. Улар Муҳаммад Амин шайх, Аҳмад шайх ва Муҳйиддин шайх. Мирим шайх Муҳйиддин шайхнинг ўғли ва давомчиси. Юқоридаги шажарада Мирим шайхнинг эпитетлари ҳамда унвонлари берилган: *“улуғ шайхларнинг энг каттаси, карамлилар қатламининг қаймоғи, олимларнинг раҳнамоси”*.

Шажарага асосан Мирим шайхнинг насабномаси тўғрисида қуйидагилар ёзилган: “Мирим шайхнинг икки ўғли бўлган: Ҳазрат Хожагон шайх ва Нодр шайх азизон; Ҳазрат Хожагонда икки ўғил бор эди ва уларнинг бири Олим Хожам, бошқаси эса Абд ал-Аъло Хожам. Олим Хожамда ҳам икки ўғил фарзанд бўлган: Нодир Мирзом ва Жаҳонгир Хожа. Нодир Мирзомдан Нодир Мирзом и Жаҳонгир Хожалар дунёга келди. Салим Хожанинг ҳам икки ўғли бўлган: Нийоз Муҳаммад Хожа ва Раҳим Хожа. Нийоз Муҳаммад Хожанинг эса беш ўғли бўлган: Хожа Жон Хожа, Пошшо Хожа, Катта Жон Хожа, Аваз Хожа ва Қаландар Хожа. Бу шажара занжиридаги авлод-аждодлар давомийлиги XX аср бошларига қадар давом этган. “Мирим шайх насабномаси” соҳиби ва унинг яқин қариндошлари ўзларини Мирим шайх авлоди ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, Абу-л-Ҳасан Ишқий, Мирим шайх Ишқий ва уларнинг бошқа бобо аждодлари Эски Лангар қабристонини шарқий қисмидаги хонақоҳ мақбаранинг ичида дафн этилган. Кейинги авлодлар эса қабристоннинг ғарбий қисмидаги каттароқ хонақоҳ ичида кўмилган. Ҳар иккала мақбара бир хонадонга тегишли хилхоналар саналади ва уларнинг атрофида, асосан ўзларини Мирим шайх авлоди ҳисоблаган шахслар оламни тарк этган яқин кишиларини дафн этадилар ва бошқа тоифа ва қатламларни бу ерларда кўмилишига рухсат бермайдилар. Хонақоҳлар ичида сағаналар мавжуд бўлиб, сағана устида ёки олдида қабртошлар йўқ. Мақбараларнинг пештоқи, деворларида, сағаналар юзасида ва бошқа жойларда ёзувлар, битиклар мавжуд эмас. Қабристонда шайхлар ва

* Мазкур шажара Мирим шайх авлодларидан бири бўлган марҳум ‘Абдулкаҳҳор хожа ва уларнинг авлодлари қўлида сақланади.

уларнинг авлодлари учун ўрнатилган, қўйилган қабртошларгина манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

Хулоса

Юқорида таъкидланганидек, тасаввуфнинг ишқия тариқати жаҳонда, шу жумладан, мусулмон дунёсида энг оз ўрганилган диний-фалсафий йўналишлардан биридир. Уни ҳар томонлама ўрганиш ва чуқурроқ тадқиқ қилиш учун кўпроқ манбалар жалб қилиниши талаб этилади. Бундан ташқари, ишқия тариқати пирлари, намоёндалари ва уларнинг шажаралари йиғилиб қолган ва уларга асосланган ҳолда янги маълумотларни саралаб тарих тизимига солиш бу тадқиқотни пухтароқ амалга оширишга имкон беради. Ишқия тариқати фаолият юритган ҳудудлардаги аҳоли орасида тариқат пирлари, улар яшаган хонақолар ва улар ҳисобидаги масжидларга маълум мулклар вақф қилинганлиги хусусида вақф ҳужжатлари сақланиб қолган бўлиши мумкин. Агар шундай ҳужжатлар топилиб қолса, тариқатнинг иқтисодий ҳўжалиги ҳақида ҳам тасавурларимиз кенгаяр эди. Ишқияга оид ирфоний манбалар аниқланса, уларнинг тамойили, зикр тажрибаси, умуман олганда мазкур тариқатнинг тарихига ойдинлик киритиш имконияти пайдо бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абд ул-Кадыр ибн Муҳаммад-Амин.Маджма ал-ансаб ва-л –ашдjar / История Казахстана в персидских источниках. Введ., пер., с арабского, персидского и тюркского языков, комментарии, подготовка факсимиле к изданию Ш.Х.Вахидова, А.К.Муминова, Б.Б.Аминова, – С.40.
2. Алишер Навои. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. 17 том. – Тошкент, 2001. – Б. 424.
3. Бабаджанов Б. Эпиграфические памятники мусульманских мазаров как источник по истории суфизма (на примере мазаров Астана ата и Катта Лангар) // Из истории суфизма: источники и социальная практика. – Ташкент: Фан, 1991. – С. 90.

4. Валихўжаев Б. Хожа Ахрор тарихи: Самарканд ва самаркандликлар. – Т.: Ёзувчи, 1994. – Б. 80-92.
5. Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Под редакцией С.М.Прозорова. Том I., Москва: Восточная лит-ра. РАН, 2006. – С.166.
6. Қадимги Кеш – Шахрисабз тарихидан лавҳалар / Масъул муҳаррир А.С.Сагдуллаев. – Тошкент, 1998.
7. Массон М.Е. Катта Лянгар в области средневекового Кеша //Археология Средней Азии, VII. – Ташкент, 1966. – С.70.
8. Муҳаммад Боқир. Тазкирайи Муҳаммад Боқир. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, – № 1846. –168^б варақ
9. Предварительные работы по памятнику архитектуры – мечети в кишлаке Иски Лангар Шахрисабзского района Кашкадарьинской области. – Ташкент, 1978. – С.11.
10. Ўзбекистон обидаларидаги битиклар: Қашқадарё. 2-жилд китоб-альбоми. Битикларнинг ўқилиши, таржима ва изоҳлар, кириш ва хулоса матнлари: Б.Аминов, Ф.Маҳмудов. – Тошкент, 2023. – Б. 436.
11. Хафиз-и Танъиш ибн Мир Муҳаммад Бухари. Шарафнамаи шахи (Книга шахской славы) // перевод с персидского, введение, примечания и указатели М.А.Салахетдиновой. Часть 1. – Москва:Наука, 1983. – С.162-163.

Аннотация. В статье представлены отдельные результаты комплексного исследования суфийского центра ишкия Иски Лангар посредством эпиграфических, генеалогических, археологических и исторических методов получения научной информации. Исследование проводилось на территории кишлака Иски Лангар Чиракчинского района Кашкадарьинской области и охватывало эпиграфические и

архитектурные памятники периода XV-XX вв. Данное исследование выявляет центры братства, её главные ветви в этом регионе, а также имена наставников, представителей этого суфийского тариката. При исследовании использованы рукописные источники, эпиграфические памятники, архивные материалы и информации, собранные в результате полевых исследований автора.

Ключевые слова. Иски Лангар, Ишкия, тарикат, Тим, Остона Ота, шайх, Абу Таййиб, Шайх Абу-л-Хасан Ишкий, Мирим шайх Ишкий, Хазрат шайх Мухториддин Хоразмий,

Annotation. The article presents individual results of a comprehensive study of the Sufi center ishqiya Iski Langar using epigraphic, genealogical, archaeological and historical methods of obtaining scientific information. The study was conducted in the village of Iski Langar in the Chirakchi district of the Kashkadarya region and covered epigraphic and architectural monuments of the period from the 15th to the 20th centuries. This study identifies the centers of the brotherhood, its main branches in this region, as well as the names of mentors and representatives of this Sufi tariqa. The study used manuscript sources, epigraphic monuments, archival materials and information collected as a result of the author's field research.

Keywords. Iski lanrar, ishqiya, tariqat, Tim, Ostona ota, sheikh, Abu Tayyib, Sheikh Abu-l-Hasan Ishqiy, Mirim sheikh Ishkiy, hazrat shaykh Mukhtor ad-din Khorazmiy.

Илова

1-расм. Қабристоннинг шарқий қисмидаги хонақо



2-расм. Қабристоннинг ғарбий қисмидаги хонақо





<https://doi.org/10.5281/zenodo.13847845>

Азимхўжа Отахўжаев
тарих фанлари доктори,
мустақил тадқиқотчи

СУҒДНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ

Аннотация. Мақолада илк ўрта асрларга оид суғдий тилли манбалар таҳлили орқали Суғд тарихий-маданий ўлкаси аҳолисининг ўша даврда истеъмол қилган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Суғд ва унга қўшни воҳалар, дашт кўчманчилари ва қўшни давлатлар хусусан Хитой билан бўлган алоқаларида озиқ-овқат маҳсулотларининг ўзаро интеграцияси таҳил этилган.

Калит сўзлар: Суғд, Марказий Осиё, илк ўрта асрлар, ўтроқ ва кўчманчи аҳоли, суғорма деҳқончилик, яйлов чорвачилиги, донли, дуккакли, полиз экинлари, боғдорчилик, узумчилик, гўшт маҳсулотлари.

Суғд тарихий-маданий ўлкаси (Марказий – Самарқанд Суғди, Ғарбий – Бухоро Суғди, Жанубий – Қашқадарё Суғди) Марказий Осиёнинг географик жихатдан қулай ҳудудида жойлашган. Шарқи ва марказидаги тоғли ва тоғолди зоналари, серсув дарёлари, жануби ва ғарбидаги дашт ва чўллари қадим-қадимдан инсонларни қўним топиб, яшаши учун катта имкониятлар берган. Бу ердан макон топган қабила ва элатлар қадимдан суғорма деҳқончилик, боғдорчилик, хонадон ва

ййлов чорвачилигига асосланган миришкорлар, соҳибкорлар ва чорвадорлар ҳисобланишган. Шу боис ҳам аҳоли озиқ-овқат маҳсулотларини ўз эҳтиёжларидан зиёда даражада етиштириб, уларни сақлаб, ўз бозори ва хориж бозорига чиқара олган [12. – Б. 85-89.].

Суғдда етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини манбалар асосида тасниф қиладиган бўлсак, қуйидаги манзаранинг гувоҳи бўламиз. Суғдда донли ва дуккакли экинлар, полиз, боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотлари, чорвачилик ва ҳатто овчилик (балиқ ва ёввойи ҳайвонларни овлаш) маҳсулотлари етиштирилган ва истеъмол қилинган дейиш мумкин. Уларнинг истеъмол қилиниши ҳам мавсумий кўриниш олган. Баҳорда сумалак, халим, кўкатдан тайёрланган егуликлардан, ёзда енгилроқ суюк таомлардан, кузда мева-чевалардан, қишда кўпроқ гўштли маҳсулотлардан фойдаланилганлигини тасаввур қилиш мумкин. Чунки бу анъаналарнинг шу кунга қадар минтақамиз халқлари турмуш-тарзида сақланиб қолганлиги бунга исботдир.

Суғднинг қадимги ва илк ўрта асрлардаги озиқ-овқат маҳсулотлари таҳлилида деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш, унинг истеъмоли ва савдоси муҳим ўрин тутган. Буни нафақат “Авесто”, суғдий тилли манбалар, хусусан Муғ тоғи архиви ҳужжатлари, балки хитой тилли солномалар ва антик давр муаллифларининг асарлари ҳам тасдиқлайди [11. – С. 35-75.]. Деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик негизда етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларининг салмоғи ва сифатини таҳлил қилиш муҳим ўрин тутади.

“Авеста”нинг “Видевдот” китобида: “... Ҳақ йўлида ким энг кўп мўл-кўл экинлар экса, ерларни парвариш қилса, дон етиштира, ўт-ўланлар ўстирса, мева-чевалар етказса, сувсиз ерни суғорса, захоб ерни қуритса, узоқ муддат ҳайдалмаган ерни қўшчи шудгор қилса, бу ер деҳқондан рози бўлади” [1. – Б. 22.], деб алоҳида

деҳқончилик, чорвачилик ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш рағбатлантирилган.

Авваллари лалми ерларга деҳқончилик қилиш етакчилик қилган бўлса, кейинчалик суғориладиган ерларга экилган дон маҳсулотларининг ҳажми кескин ортган. Тегирмонларда дон унга айлантирилиб, бозорларга чиқарилган. Бундай сердаромад тегирмонларнинг эгалари ҳукмдорларнинг ўзлари бўлишган. Масалан, Муғ архивининг В-4 хужжатида кўра, Панч ҳокими Деваштич Тутискатдаги 3 та тегирмонини Махйон исмли шахсга 460 кафч (3680 кг) ун эвазига ижарага берган [7. – Б. 18-20; 8. – Б.17-24.].

Бундан ташқари, Суғдда озиқ-овқат учун сабзавот, полиз экинлари ҳам кўплаб экилган. Лалми ва сув чиқариш имкони бўлган ерларда боғдорчилик ва узумчилик ривожланган [4. – С. 10-12.]. Ҳатто, араб тилли муаррих ва географлари Суғдни Араб халифалари ноибларининг, яъни “ислом амирининг боғи” – “халифа боғи” деб таъриф беришган [2. – С. 196.]. Хитой тилли манбалар эса бу ҳақда: “(Ўлка – Суғд) иқлими илиқ, ҳар қандай донни етиштира бўлади. Аҳолиси боғдорчилик ва полизчиликка мойил. Дарахтлари сершоха ўсади. Отлари, туялари, эшаклари бор” [3. – С. 281.], деб маълумот беради.

Агар маълумотларга эътибор берилса, биргина Абгор рустоқлигида етиштирилган дон бутун Суғд эҳтиёжи учун етарли бўлган [8. – Б. 62-63.]. Ҳатто Суғдда буғдойнинг 11 нави етиштирилгани диққатни тортади [11. – С. 37.].

Суғдий тилли манбаларда келтирилишича, Суғдда донли ва данакли экинлар, ҳатто чигит (ёғ олиш учун) қолдиқлари топилган [5. – С. 40-45.]. Муғ тоғи архиви хўжалик хужжатларига кўра, экин майдонларига: буғдой, арпа, тарик ва нўхот экилган. Боғдорчилик ва узумчилик ривожланган. Тоғолди зоналарида қорамол, қўй, эчки, от, туя, эшак боқилган [13. – С. 12-20.].

Суғдда узумчилик ўзига хос тармоқ ҳисобланган. Панжикентдан археологлар узум сақланадиган ертўлаларни топишган. Узоқ сақланадиган май (мусаллас)лар тайёрланган. Ҳатто саройларда “соқий” – “зутпат” унвони жорий этилган [14. – С. 140]. Муссалас тайёрлаш технологияси такомиллаштирилиб, бир неча хилдаги май (мусаллас)лар тайёрланган. Муғ архивининг А-16 хужжатида кўра, Панч ҳокими Деваштич, фрамандар Ўтт (Ават)дан “маликалар ичадиган майдан юборишини” сўраган [10. – С. 155-159].

Боғлар масаласида Муғ тоғи архиви маълумотида кўра, Суғднинг шарқидаги Панж вилояти ҳокими Деваштичнинг хос ер майдонлари, яъни экинзорлари, ишлаб чиқариш иншоотлари – тегирмонлари, катта-катта боғлари бўлган. Боғларни парваришлаш учун махсус боғбонлар жалб этилиб, уларнинг раҳбари манбаларда “боғбонлар бошлиғи” - “парадизпат” деб юритилган [14. – С. 184]. Ибн Ҳавқал ҳам “Бухоронинг мевалари Мовароуннаҳрнинг энг яхши меваларидир, таъми ҳам энг шириндир. ...бир кишининг бир жариб ери бўлса, у ўзини ҳам, ўзига тегишли одамларни ва оила аъзоларидан бир нечтасини ҳам маблағ ва озиқ-овқат билан (таъминлаши) мумкин бўлади”, деб қайд этади. Шунингдек, Самарқанднинг Бунжикат, Маймурғ, Шавдор, Абғар, Йоркат каби рустоқликлари ўзаро боғлар ва экинзорлар билан туташиб кетганлигини таъкидлайди. Кеш меваларинг эртапишарлигини ҳамда Насафда лалмикор ерларнинг кўплигини, Суғднинг бозорлари доимо тўкин-сочин эканлигини эътироф этилган [6. – Б. 40-68].

Суғдда махсус озиқ-овқат ва хўжалик (дон, ун, мева, май – вино, гўшт, сут, тери) маҳсулотларини омборларда давлат эҳтиёжи учун захираларда сақлаш йўлга қўйилган [11. – С. 74]. Бунга сарой аъёнларидан бири фрамандар (фармондор) масбул бўлган. Муғ архивида худди шундай фрамандарлардан бири Ўтт (Ават) ва унинг фаолияти ҳақида маълумотлар кўплаб учрайди [10. – С. 146-182]. Айрим озиқ-овқат маҳсулотлари ва чорванинг нарх-наволари ҳақида маълумотлар мавжуд.

Архивнинг А-5 хужжатида келтирилишича, от 200 драхм, ёғнинг бир нави 8 драхм, қорамол 11 драхм каби баҳоланган [8. – Б. 51-55; 10. – С. 213-220.].

Суғдга озиқ-овқат маҳсулотларининг айримлари хориждан келтирилган. Масалан, зиравор маҳсулотлар (мурч, зира, кенза, юлдузли анис (бадьян), долчин, чиннигулли зиравор, заъфарон, занжабил (имбир), қурқума, кардамон, кунжут кабилар) Ҳиндистон, Эрон каби жанубдаги мамлакатлардан Самарқанд ва Бухоро бозорларига олиб келинган [9. – С. 74-81]. Бу ердан бошқа худудларга тарқатилган. Чорва маҳсулотларининг айримлари шимолидаги кўчманчилардан олинган. Шоли ҳам Суғдга кўпроқ Хоразм ва Фарғонадан олинган деб тахмин қилишимиз мумкин.

Айни пайтда Суғднинг ўзи ҳам хорижга озиқ-овқат маҳсулотлари: хўл ва куриқ мевалар (боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотлари), кўй, эчки, от, туя, паранда кабиларни чиқаришган. Бунда Буюк ипак йўлининг тармоқлари муҳим ўрин тутган. Масалан, хитой элчиси Чжанг Чян томонидан юртимиздан Хитойга мош (худоу), седана (хумо), шолғом (хулуобу), ошқовоқ (хугоу), турп (хулуобу), кашнич (хусуй, сянгтсай), бодом (хутао), анжир, анор олиб бориб экилган. Хусусан, ток-узум (путоу) ва ундан тайёрланадиган майиз ҳамда мусаллас мил.олд. 127-126 йилларда Чжанг Чян Хитой императори У-дига тақдим етган ноёб маҳсулот эди. Узум экиб, ундан майиз ва мусаллас (путоу жю)ни Хитойнинг ўзида етиштиришга император шахсан фармон берган. Ҳатто оширилган бўғдой уни хаширдан тайёрланадиган тандир нон (нонг, хубинг – ху(ғарбликлар) нони)ни ҳам Хитойга Марказий Осиё вакиллари олиб боришган [15. – Б. 194-196]. Савдо-сотик ривожланган даврда элчи ва тужжорлар Хитой императорлари саройига “олтин тусли” шафтоли, қизил ва сариқ гилослар олиб боришган [16. – С. 122-123].

Суғдийлар етакчилигидаги колониялар ҳамда Хитой пойтахти Чанъандаги ғарбий бозори (сиши)даги савдо марказларида туронликлар ошхона ва нонвойхоналар очишган. Чанъанда туркистонликларга тегишли “Ўз маликаси

ресторани” (“Хужи жюси”) фаолият олиб борган. Манбаларга кўра, хитойликлар туронликларнинг седона сепилган ва гўштли нони (сомса)ни жуда кадрлашган [15. – Б. 197-198].

Хулоса қилиб айтганда, озикабоп маҳсулотлар етиштириш, ишлаб чиқариш ва савдосида лалми ҳамда суғорма деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик замирида ривожланган Суғд иқтисоди қадимги ва илк ўрта асрларда ўзининг юқори чўққисига чиққан. Кейинги асрларда бу азалий анъаналарни сақлаш ва ривожлантириш йўлидан борди. Натижада бугунги кунга қадар ўзбек, тожик, уйғур халқларнинг таомномаларида қадим Суғдга хос анъаналарни кузатамиз.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Авеста: “Видевдот” китоби / М. Исҳоқов таржимаси. – Тошкент: Тош.ДШИ нашриёти, 2007.
2. Бартольд В.В. Зерафшан: к истории орошения Туркестана. Соч. 3. – Москва: Наука, 1965.
3. Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – Москва – Ленинград: Изд. АН СССР. – том II. – 1950.
4. Гулямов Я.Г. и др. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. – Ташкент: Фан, 1966.
5. Данилевский В.В. и др. Исследования растительных остатков из раскопок согдийского замка на горе Муг Таджикистане // Труды таджикской базы АН СССР. Том VIII.
6. Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-ард. Мовароуннахр. / Ш.Камолиддин таржимаси ва изоҳлари. – Тошкент: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2011.
7. Исҳоқов М. Суғдиёна тарих чоррағасида. – Тошкент: Фан, 1990.
8. Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент: Фан, 1992.
9. Кобзева О.П., Джалилов О.З. Страницы истории Великого шелкового пути: шелк, специи и чай. – Ташкент, 2013.
10. Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – Санкт-Петербург, 2008.

11. Мамарахимова Б. Согдийские документы с горы Муг: как источники хозяйственных отношений раннесредневекового Согда. – Ташкент: TAMADDUN, 2011.
12. Отахўжаев А. Суғдда суғорма деҳқончилик анъаналари // Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача) мавзусидаги халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференция материаллари. 2023 йил-10 июнь. – Бухоро, 2023. –
13. Смирнова О.И. Каталог монет городища Пенджикента. – Москва: Наука, 1963.
14. Согдийские документы с горы Муг. Вып. II: Юридические документы и письма / Чтен., пер. и коммент. В.А. Лившица. – Москва: Изд. Вост. лит-ры, 1962.
15. Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Тошкент: ЎзМЭ, 2007.
16. Шеффер Э. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан. – Москва: Наука, 1981.

ПРОДОВОЛЬСТВЕННЫЕ ПРОДУКТЫ СОГДА

Аннотация. В статье на основе анализа сугдийских источников раннего средневековья приводятся сведения о продуктах питания, потребляемых жителями историко-культурного региона Согдийской области того периода. Согд и соседние с ним оазисы, степные кочевники, их отношения с соседними странами, особенно с Китаем, включали взаимную интеграцию продуктов питания.

Ключевые слова: Согд, Средняя Азия, раннее средневековье, оседлое и кочевое население, орошаемое земледелие, пастбищное животноводство, зерновые, зернобобовые, бобовые культуры, садоводство, виноградарство, мясная продукция.

FOOD PRODUCTS OF SUGDH

Abstract. The article provides information about the food products consumed by the inhabitants of the historical and cultural region of Sughd at that time through the analysis of Sugdian-language sources of the early Middle Ages. Sughd and its neighboring

oases, steppe nomads, and relations with neighboring countries, especially China, included mutual integration of food products.

Keywords: Sughd, Central Asia, the early Middle Ages, settled and nomadic population, irrigated agriculture, pasture livestock, grain, leguminous, pulse crops, horticulture, viticulture, meat products.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13847765>



Гулчехра Агзамова

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти “Ўрта асрлар тарихи” бўлими бош илмий ходими, тарих фанлари доктори, профессор.

XVI-XIX АСРНИНГ ЎРТАЛАРИДА БУХОРО ХОНЛИГИ: ОЗИҚ-ОВҚАТЛАРГА ОИД АЙРИМ МАЪЛУМОТЛАР

Аннотация. Мақолада XVI-XIX асринг ўрталарида Бухоро хонлиги аҳолисининг овқатланиш маданияти масаласига эътибор қаратилган. Унда озиқ-овқатлар турлари, уларни тайёрлашда ишлатилган буғдой, ун, ёғ ва бошқаларни ишлаб чиқариш, улар билан фаол савдо олиб борилган манзиллар ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар. Бухоро хонлиги, Шайбонийлар, Аштахонийлар, Манғитлар, буғдой, ун, ёғ, ёғ жувози, тегирмон, сут маҳсулотлари, мевалар, қандолатчилик маҳсулотлари, овқат бозорлари.

Бухоро хонлигида кечган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларнинг турли жиҳатларини очиб беришга қаратилган кўпгина тадқиқотлар мавжуд. Уларда турли тоифадаги манбалар кўламига таянилган ҳолда тадқиқотчилар хонлик тарихининг кўп масалаларини очиб беришга, хонликни

бошқарган Шайбонийлар, Аштархонийлар ва Манғитлар сулолалари даврида кечган тарихий жараёнларни кўрсатиб бериш, ўзларининг илмий ғоялари ва фаразларини илгари суришга муваффақ бўлганлар. Бироқ, бу тадқиқотларда уч сулола даврида хонлик ҳудудида яшаган аҳолининг, хусусан, шаҳар аҳолисининг кундалик турмушида муҳим ўринга эга бўлган озиқ-овқатлар масалалари тўла талқин этилмаган. Ушбу масалани ўрганиш илмий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг тадқиқи сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тарихнинг кўп масалаларига ойдинлик киритишга имкон беради.

Хонлик аҳолисининг кундалик турмушида озиқ-овқатлар муҳим ўрин тутди. Аҳолининг овқатланиш асосларини табиий маҳаллий маҳсулотлар ташкил қилган. Турли ижтимоий қатламлари вакиллари озиқ-овқат рационини буғдой ва ун, гуруч, жўхори, нўход, мош ва бошқа дуккакли ўсимликлар, гўшт, зиғир ёғи, кунжут ёғи, ҳайвон ёғлари, парранда, балиқ, қўй калла-поччаси, қандолатчилик маҳсулотлари ва бошқалар ташкил қилган. Аҳоли вакиллари ўзларининг иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда улардан турли-туман озиқ-овқат маҳсулоларини тайёрлаганлар ва истеъмол қилганлар. Шоҳидлардан бири, бухороликларнинг овқатланиши ҳақида ёзиб, уларни “жуда оддий” деб таърифлар экан, улар эрталабки намоздан сўнг шўрвага ўхшаган сут ва туз солиб пиширилган чой - ширчой ичишлари, тушликлари қўй гўшти, сабзи ва гуручдан тайёрланган паловдан иборат бўлганлиги, тушликни еб бўлишлари биланоқ кўп чой ичишлари, бу ерда қахва ичилмаслигини қайд этади.

Бухороликларнинг таомланишида буғдойдан тайёрланган озиқ-овқатлар муҳим ўрин. Уларни тайёрлаш учун зарур бўлган ун учун буғдой маҳсус тегирмонларда туюлган. Буғдой янчадиган бундай тегирмонлар “ассий” деб аталган. Бухоро яқинидан XIX асрнинг 30-йилларида ўтган И.В. Виткевич, шаҳардан 3 фарсах нарида “ариқларда кўпгина тегирмонлар қурилганлигидан бу ер

– тегирмон – Ассия деб аталади”, – деб ёзган эди [1]. Сув бўйларида жойлашган тегирмонларидан ташқари қўл тегирмонлари ҳам мавжуд эди. Бу ўринда қайд қилиш лозимки, аҳоли турмушида ундан тайёрланган маҳсулотлар алоҳида ўринга эга бўлган. Уларнинг ичида хонликнинг турли вилоятлари ва марказларида тайёрланган нон муҳим аҳамиятга эга бўлган. Аҳолининг турли ижтимоий қатламлари овқатланиш жараёнида ҳар ҳил усулда пиширилган нонларни истеъмол қилганлар. Турмуш тарзига мувофиқ равишда нон ёпишнинг турли усуллари ва нон турлари шаклланган эди. Йирик марказларда нон тайёрлаш ва ёпишнинг ўзига хос маданияти ривожланган эди. Жумладан, Самарқанд нонлари жуда машҳур бўлган. Самарқанд ҳақида ёзган Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Хўб нонволиклари ва ошпазликлари бордур”, – деб қайд этган эди [2].

“Кулчапаз”лар тайёрлаган нонга талаб катта бўлган. Нонвойлардан бири ҳақида Ҳасанхожа Нисорий (XVI аср): “Мавлоно Ҳайдар Кулuch кучли шоирлардан бўлиб, кулчапазликда ҳам ном қозонган киши эди”, – деб қайд этади [8].

Хонликнинг турли марказлари ва аҳоли яшаш манзилларида ёғ-жувозлар ҳам бўлиб, улар ёрдамида зиғир ва кунжутдан турли ёғ хилларини тайёрлаганлар. Уларни тайёрлашда пахта чигити ҳам қўшилган.

Сут ва сут маҳсулотлари хонлик аҳолиси озиқ-овқатлари ичида муҳим ўрин тутган. Сут, катик, қаймоқ, сузма кенг истеъмол қилинган. Бу маҳсуотлардан тайёрланган таом ва ичимликлар машҳур бўлган. Улар жумласига ширчай, чалоп ва бошқаларни киритиш мумкин. Улар билан кенг савдо амалга оширилган. Манбаларнинг бирида сут ва сут маҳсулотлари билан савдо қилган қаршилик Гули исмли аёл ҳақида хабар берилади. Унда қайд этилишича, XIX аср биринчи чорагида - Амир Ҳайдар ҳукмронлиги даврида шаҳарда “сут сотиш билан шуғулланувчи аёл Гулининг маблағига бир мадраса бунёд этилган эди” [9].

Озиқ-овқатлар орасида қандолатчилик маҳсулотлари ҳам муҳим ўринга эга бўлган. Қандолатчилар турли хил ширинликлар – қанд, ҳолва, новвот, нишолда, пашмак ва бошқаларни тайёрлаганлар ва бозорларда улар билан фаол савдо амалга оширилган. XVI асрга мансуб Бухорога оид хужжатларда “Устод Дўст Ҳолвагарнинг ўғли Турсун Муҳаммад», “Шоҳ Муҳаммад Ҳолвагар”ларнинг номлари келтирилади [3].

Бухоро, Самарқанд қандолатчилари билан биргаликда Қарши қандолатчилари ҳам машҳур эди. XVIII асрнинг биринчи чорагида Бухорода бўлган рус элчиси Флорио Беневени Қарши яқинидаги далада қандга ўхшаш “манна”ни тўплашлари ва ундан ширинликлар тайёрлашда шакар сифатида фойдаланганликлари ҳақида ёзган эди [6]. Қандолатчиларнинг маҳоратидан қуйидаги маълумот ҳам хабар беради. Унга кўра, бу ерда шакар ва қўй ёғи аралашмасидан ўрик, шафтоли, нок, олма, беҳи... шаклидаги маҳаллий конфетлар тайёрланган. Бўёқлар ёрдамида қандолатчилар табиатга тақлид қилишга эришганлар.

Хонлик аҳолисининг озиқ-овқатлари орасида турли хил мевалар - узум, ўрик, шафтоли, олхўри, олма, нок, тут ва бошқалар муҳим ўринга эга бўлган. Аҳоли уларни қуритилган ҳолда ҳам истеъмол қилган. Сабзавотлар ва поллиз экинларини етиштириш ва истеъмол қилишга алоҳида эътибор қаратилган, турли кўкатлар – шивит, райхон, жамбил ва бошқалардан овқатланиш жараёнида кенг фойдаланилган. Озиқ-овқат рационада муҳим аҳамиятга эга боғдорчилик, поллизчилик маҳсулотларини етиштиришга эътибор қаратилиб, улар билан кенг савдо амалга оширилган. Жумладан, XIX асрда Бухоронинг Регистон бозори шаҳарнинг йирик бозорларидан бири сифатида таърифланади. Унга кўра, майдоннинг муайян бир қисми “ўтин, сабзавот, гуруч, жўхори, пахта чигити, кунжут ёғи, ... ва ниҳоят турли мевалар, нон, шам ва кўп сонли аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун керакли ҳамма нарсалар бозори бўлиб хизмат қилган” [4].

Бухороликлар меҳмонга борганида олдига чой, мевалар билан биргаликда албатта ширинликлар қўйилган. Мезбон меҳмонлар қайтаётганида уларни ширинликлар билан жўнатган. Е.К.Мейендорфнинг кўрсатишича, улар ҳар гал қушбегининг уйига борганларида бу амалдор уларни ширинликлар ва калла қанд билан меҳмон қилар, орқаларидан эса бу ширинликларни жўнатар эди. Хоннинг ўзи ҳам бирор шахсга совға берганида бош-оёқ сарпо билан қанд тақдим этган [4].

Аҳоли ичимликлардан чой истеъмол қилган. Шариат томонидан шароб ичиш ман этилган бўлсада, айрим ҳолларда баъзи аслзодалар ва ёшлар яширинча тарзда шароб ичганлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу ўринда қуйидаги маълумот диққатга сазовордир. “Мен, - деб ёзади Е.К.Мейендорф XIX асрнинг 20-йилларида, - очкўзлик билан қадахда шароб ичаётган ва бошини йўқотиб қўяётган биринчи даражали Бухоро амалдорларининг фарзандларини кўрдим. Қушбегининг ўзи бизга очиқчасига ёшлигида ҳозирги олий ҳукмдор билан бирга шароб ичганлигини айтиб берди” [4].

Аҳоли истеъмол қилган таомлар турлича бўлиб, кўп ҳолларда улар жамоат жойларида тайёрлаб, аҳолига сотилган. Буни турли озиқ-овқат турларига бўлган талабини қондиришда уларни тайёрлаш билан машғул кишиларнинг мавжудлиги ҳам тасдиқлайди. Улар жумласига нонвойлар, қўй калла-почасини пиширувчилар, балиқ қовуриб сотувчилар, гўштли таом тури – яхна тайёрловчи яхнипазлар ва бошқаларни киритиш мумкин [3]. Кўп ҳолларда озиқ-овқат билан савдо амалга оширилган махсус бозорлар бўлган. Улар жумласига “овқат бозори” номи билан машҳур бўлиб, Жиззахда фаолият кўрсатган бозорни киритиш мумкин. Бу бозор нафақт шаҳар, балки узоқ-яқин ерлар аҳолиси ҳаётида муҳим роль ўйнаган. У ҳақида XIX асрда “Қўқон бозорида бўлгани каби савдогарлар томонидан бир мамлакат маҳсулотининг бошқа мамлакат маҳсулотига айирбошланиши, албатта

Жиззах бозорида йўқдир. Лекин унинг “овқат бозори” сифатидаги аҳамияти ниҳоятда каттадир”, – деб қайд этилган эди [5].

Шундай қилиб, Бухоро хонлиги тарихига оид айрим манба ва адабиётларда келтирилган баъзи маълумотлар XVI-XIX аср ўрталарида аҳолининг кундалик турмушида муҳим ўрин тутган озиқ-овқатлар турлари, уларни етиштириш ҳамда улар билан аҳолини таъминлаш масалаларига муайян ойдинлик киритади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича). – М.: Наука, 1983. – С.64.
2. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. – Т.: Юлдузча, 1990. – Б. 46.
3. Иванов П.П. Из архива шейхов Джуйбари. Материалы по земельным и торговым отношениям Средней Азии XVI в. – М.-Л., 1938. – С. 97, 100.
4. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М., 1975. – С.101, 144, 145.
5. Петровский Н. Моя поездка в Бухару. Путевые наблюдения и заметки. Ч. 2. – Т., 1872. – С. 213.
6. Посланник Петра I на Востоке. Посольство Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718-1725 годах. – М.: Наука, 1986. – С.85.
7. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (историко-этнографические очерки). – Т.: Фан, 1958.
8. Ҳасанхожа Нисорий. Музаққирӣ аҳбоб (Дўстлар ёдномаси)/Форс тилидан Исмоил Бекжон тарж. – Т.: Мерос, 1993. 111- б.
9. Ханьков Н. Описание Бухарского ханства. – Спб. Тип. Акад. Наук, 1843. – С. 112.

Аннотация. В статье рассматривается культура питания населения Бухарского ханства в середине XVI - XIX вв. В ней прослежены виды продуктов питания, в частности использование пшеницы, муки, масла и других продуктов при приготовлении пищи, а также места, где активно велась торговля этими продуктами.

Ключевые слова. Бухарское ханство, шейбаниды, аштарханиды, мангиты, пшеница, мука, масло, маслобойня, мельница, молочные продукты, фрукты, сладости, продуктовые рынки (базары).

Abstract. The article examines the food culture of the population of the Bukhara Khanate in the middle of the 16th – 19th centuries. It traces types of food products, in particular the use of wheat, flour, oil and other products in food preparation, as well as places where these products were actively sold.

Keywords. Bukhara Khanate, Sheibanids, Ashtarkhanids, Mangits, wheat, flour, butter, creamery, mill, dairy products, fruits, sweets, food markets (bazaars).



<https://doi.org/10.5281/zenodo.13847863>

Адхамжон Аширов

Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Тарих институти
Этнология ва атнопология маркази
бошлиғи, тарих фанлари доктори,
профессор.

e-mail: adhashirov@yandex.ru

ЎЗБЕК ТАОМЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбек халқ таомлари антропологик жиҳатдан ёритилган. Муаллиф ўзбек халқининг миллий таомлар тавсифи ва таснифи билан бирга уларни “иссиқ” ва “совуқ”га бўлинига эътибор қаратган. Қолаверса, мақолада ўзбек таомлари билан боғлиқ урф-одат ва маросимларни таҳлил қилган. Шунингдек, ўзбек миллий таомлари билан боғлиқ анъаналарнинг минтақавий этнолокал хусусиятларини ҳам очиқ беришга ҳаракат қилган.

Калит сўзлар. Ўзбек, халқ, таом, овқат, таомланиш маданияти, маросм, анъана, урф-одат, иссиқлик, совуқлик, сув, чой, маданият, сумалак, ош, шўрва, оила, оилавий маросимлар.

Таомлар турли халқларга дахлдор этномаданиятнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи муҳим элементлардан бири ҳисобланади. Анъанавий таомлар

инсоният кундалик турмуш тарзи ва ҳаёт фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Улар бир неча юз йиллар мобайнида турли халқлар оилавий-маиший ва тақвимий маросимларининг муҳим бўлак (қисм)ларидан бирига айланган [1; 161-б]. Натижада маълум бир анъана ва урф-одат билан боғлиқ тарзда тайёрланадиган махсус маросим таомлари пайдо бўлган. Улар кундалик таомлардан фарқли равишда аста-секинлик билан бажарилаётган урф-одатнинг таркибий қисми умумий овқатланиш ёки афсунгарлик ҳаракати объектига айланиб борган. Айниқса, йил фасллари ўзгаришида, эски йил интиҳоси ва янги йил арафасида, қиш билан баҳор оралиғида ёки деҳқончилик юмушлари бошланиши ҳамда яқунланишида маросимий таомлар мазмун-моҳиятига катта эътибор қаратилган. Шунингдек, анъанавий хўжалик машғулоти, яъни экин ва мева дарахтлари экишда, уларни йиғиштириш ёки чорвачиликда сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлашда ҳам маросимий таомлар алоҳида аҳамият касб этган. Уларни илк марта истеъмол қилиш кўпинча маросимий кўриниш олган. Баъзида эса бунинг акси тарзида уларни истеъмол қилиш тақиқланган ва овқат учун қўйилган табуни бартараф этиш ушбу таомнинг муқаддаслаштирилишига ҳам сабаб бўлган.

Халқ орасида озиқ-овқатларнинг алоҳида турларига, уларнинг магик ҳаракатлардаги ўрнига қараб таомларнинг ҳосилдорлик манбаи, даволовчи, шифобахшлик сингари илоҳий хусусиятлари намоён бўлган. Шу боисдан айрим озиқ-овқатлар баъзи ҳолларда йил мобайнида сақлаб турилган. Улар янги бир амални бошлашдан аввал ёки табиий офатлар юз берганда маросимий таом сифатида истеъмол қилинган. Эътиборли томони шундаки, маросим таомлари кўпинча инсоннинг биологик эҳтиёжини қондириш мақсадида эмас, балки бало-қазолардан асровчи озиқ-овқат ёки маросимий қурбонлик сифатида истеъмол қилинган.

Ўзбекларда моддий олам (жонли ва жонсиз нарсалар) хусусиятига кўра “иссиқ” ва “совуқ” га бўлинган. Чунончи бу борада озиқ-овқатлар ҳам ўзининг таркибига кўра “иссиқлик” ёки “совуқлик”га ажратилган. Масалан, *қовун ва тарвуз, палов ва шўрва, сут ва қатик, қора чой ва кўк чой*. Бу ерда биринчи ўринда турган нарсалар доимо *иссиқлик* деб эътироф этилса, иккинчиси *совуқлик* ҳисобланган. Фарғона водийси ўзбеклари сугир ва эчки гўштани ҳар қандай ҳолатда (қайнатилган, қовурилган, хом, совуқ ёки иссиқ) бўлишидан қатъи назар “*совуқлик*”, кўй гўштани эса “*иссиқлик*” ҳисоблаганлар. Агар мижози иссиқ бўлган одам совуқлик еб қўйса ёки аксинча бўлса, унинг соғлигига ёмонлашар экан. Анъанавий озиқ-овқатларнинг иссиқлик ва совуқликка бўлиниши уларнинг айрим ҳолларда тарқалиш ҳудудларига ҳам маълум маънода таъсир кўрсатар экан. Жумладан, халқимизда кўк чой совуқлик ҳисобланганлиги боис асосан иссиқ минтақаларда жазирама об-ҳавода фойдали ичимлик сифатида, қора чой эса нисбатан иқлими совуқроқ ҳудудларда совуқ ва намгарчиликдан ҳимоялайдиган восита сифатида ичилган. Шу боис қора чойни кўпроқ шимолий ҳудудларда, кўк чойни эса жанубий минтақаларда ичишади. Бу борадаги бошқа бир талқинга кўра қора чойни қора сувдан, яъни ер остидан чиқадиган сувдан, кўк чойни эса “оқ сувдан, яъни тоғлардан оқиб келадиган оқар сувдан тайёрлаб ичилади[2]. Қолаверса, айнан Фарғона водийси ўзбеклари тасавурида “*оқ сув*” эркак сув, “*қора сув*” эса аёл сувга бўлинади [3].

Ўзбекларда нафақат сув, балки айрим ҳолларда бир таом ёки озиқ-овқатлар ҳам ўз таркибига кўра ҳам “иссиқлик” ва “совуқлик”га бўлинган. Жумладан, водий ўзбекларида тухумнинг оқи “совуқлик”, сариғи эса “иссиқлик” ҳисобланган. Халқ табобатида кун (куёш) уриб иссиғи чиққан болаларга совуқлик сифатида тухумнинг оқи, қатик ва аччиқтош бўлаги берилган [4] [5], ёки аксинча “*совуғи*” ошган беморларга тухумнинг сариғини кўрда пишириб ейиш тавсия этилган. Шунингдек, қорни оғриган чақалоқларнинг орқасига илитилган тухум латта ёки пахтанинг

устига қўйилар экан. Биз бунинг натижасини таҳлил қилишимиз орқали ажойиб бир манзаранинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Жумладан, агар чақалокнинг совуқлиги ошган бўлса, бола организми тухумнинг сариғини, иссиғи ошган бўлса оқини тортиб олар экан.

Шубҳасиз, ўзбек халқи озиқ-овқатларнинг анъанавий классификацияси тўғрисида анча батафсил яхши маълумотларга эга бўлганлиги ва ўзига хос халқона диетологияга амал қилганлиги сабабли доимо *“иссиқ-совуқ”* ўртасидаги меъёрни сақлашга ҳаракат қилган. Бунга биз кундалик ҳаётимизда одатий бир ҳолатга айланган палов истеъмол қилингандан кейин кўк чой ичишни оддий бир мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Баъзан мазкур меъёрларнинг бузилиши турли хасталикларга сабаб бўлган.

Фарғона водийси ўзбеклари, тожиклари ва қирғизлари орасида нафақат атрофдаги нарсалар, балки инсоннинг ўзи ҳам иккига бўлинган. Жумладан, улар одатда, доимо эркакларни ўнг, аёлларни чап томонга ажратганликлари боис, ўтов ичида ёки оила даврасида ўтирилганда давранининг ўнг томони доимо эркаклар, чап томони аёллар жойи ҳисобланган. Шунингдек, никоҳнинг биринчи кечасида ёш келин-куёвнинг янгалари куёв доимо ўнг, келин чап томонда ётиши лозимлигини уқтирганлар. Ўрта Осиёдаги бошқа халқларда бўлгани сингари водийда ҳам туғилажак фарзанд жинсини олдиндан аниқлашнинг ўзига хос усуллари мавжуд бўлган. Водий қипчоқларида ҳомила ўнг томонда бўлса ўғил, агар бунинг акси бўлса қиз туғилади деб ҳисобланади. Бу фактнинг биз учун аҳамиятли томони шундаки бу ерда ўғил бола ўнг, қиз бола эса чап томон билан боғланган. Дарвоқе, водийда туғилажак фарзандни хомиладор аёлнинг истеъмол қиладиган овқатлари орқали ҳам аниқлаш мумкин деб ҳисобланган. Бунга кўра хомила ўғил бўлса она доимо совуқлик ёки аксинча, агар у қиз бўлса аёл кўпроқ иссиқ таомлар истеъмол

қилар экан. Бизнингча, иссиқ мижоз бўлган ўғил бола доимо ўзига совуқликни талаб қилган ёки аксинча бўлган.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан Туркистон халқларининг анъанавий дунёқарашида дунёнинг икки субстанцияга бўлиниши тўғрисидаги қарашларга асосланган диний-фалсафий концепциялар билан боғлиқ кўринишлар муҳим аҳамиятга эга эканлигига амин бўлдик. Дуалистик қарашлар кўплаб фаолият турларида, маҳаллий аҳолининг анъанавий турмуш тарзида ёрқин намоён бўлган, Шунингдек, бундай қарашлар халқ таъбиати асосини ташкил этган.

Баҳор фаслидаги Наврўз тантаналари арафасида махсус маросим таоми сифатида сумалак тайёрлаш, чалпак ёпиш каби удумлар кенг тарқалган.

Сумалак тайёрлаш маросими аёллар, айниқса, уй бекаларининг рухий-маънавий эҳтиёжи манбаи бўлган. Улар бу ерда ўз муаммоларига ечим топадилар, ахборот алмашадилар, орзу-умидлари ниятларининг бажо бўлишини тилайдилар. Маълумотларга кўра, сумалак тайёрлаш вақтида ҳам бефарзанд аёллар 3,5,7 донга ёнғоқни “келаси йил янаги сумалакка қадар фарзанд кўрай”, деган ниятда сумалак пишириладиган қозонга ташлаганлар ва сумалак пишгач шу ёнғоқларни олиб чақиб еганлар. Ахборотчиларнинг берган маълумотларига кўра, сумалак бир хонадонда етти марта пиширилса савоби кўп бўлар экан. Шунингдек, сумалакка ташланган тошни хосиятли деб билганлар. Сумалак тошини “серҳосил бўлсин” деб дарахт остига қўнганлар, баъзилар эса тошчаларни ушбу хонадондан қут-барака аримасин деган ниятда сақлаб қўйганлар. Кўриниб турибдики, сумалак пишириш бу аёлларга хос одат бўлиб, уни тайёрлашда ўчоққа ўт ёқишдан ташқари барча ишлар аёллар томонидан бажарилган.

Фарғона водийси аёллари турмуш тарзини ўрганган эр-хотин Наливкинлар сумалак маросимининг келиб чиқишини қуйидагича изоҳлаганлар: қишда дон сақлаш усуллари яхшиланмагунча кишилар буғдой сақлашга қийналганлар, қиш

охирода ўрада сақланган дон нишлаб қолган. Шунда буғдойдан ун ҳосил қилмоққа уринганлар. Натижада ширин бир таом ҳосил бўлган. Бу тўғрида қўшниларга ҳам маълум қилинган. Тайёрланган таом уларга ҳам манзур бўлган. Нон ва дон узилиши пайтида шундай бўлиши табиий эди. Шу тариқа сумалак тайёрлаш маросимга айланиб кетган [6]. Бу қарашдан шундай хулоса қилиш мумкинки, таом тайёрлаш аёллар маросими бўлгани учун ҳам сумалак аёллар маросимига айланиб кетган. Гарчи ҳозирги даврда синфдошлар, курсдошлар, касбдошлар каби бирор умумий жиҳатга эга кишилар гуруҳи томонидан ҳам сумалак пишириш одат тусига кираётган бўлса-да, сумалак аёллар иштирокида ўтказилувчи маросим сифатидаги хусусиятларини тўла тўқис йўқотмаган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўзбек халқининг анъанавий маросим таомлари этнологик тадқиқотлар учун ҳозирда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмаган мавзулардан бири эканлигига амин бўлиш мумкин.

Ўзбек миллий таомлари оилавий-маиший, тақвимий ва диний маросимлар атрибути бўлган. Диний анъаналар билан боғлиқ махсус таомлар (маросимий таомлар) бўлган ҳамда таомлар диний вазифа (табу, магик афсунгарлик функцияси)ни ҳам бажарган. Эътиборли томони шундаки, ўзбеклар орасида нафақат махсус байрам ёки тадбир муносабати билан, балки ҳафтанинг маълум бир кунларига бағишлаб махсус маросимий таомлар пишириш одати ҳам кенг тарқалган. Бундай одатга шубҳасиз, макон ва замон тўғрисидаги тақвимий қарашлар, қадимий эътиқодлар ва аждодлар культига бўлган эътиқодий қараш асос бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Листова Н.М. Пища в обрядах и обычаях // Календарные обряды и обычаи в странах зарубежной Европы. – М., 1983.

2. Абашин С.Н. Чай в Средней Азии: история напитка в XVIII – XIX веках ... – С.46.
3. Басилов В.Н. Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана ... – С. 28.
4. Сухарева О.А. Мать и ребёнок у таджиков // Иран. – Л., 1929. Т. 3. – С. 110
5. Горшунова О.В. Идея двух начал в культуре плодородия у народов Средней Азии ... – С. 221.
6. Наливкин В., Наливкина М. Очерки быта женщин оседлого туземного населения Ферганы. – Казань, 1886, С. 126.

CUSTOMS AND CEREMONIES RELATED TO UZBEK DISHES

Abstract. This article delves into the anthropological aspects of Uzbek national dishes, providing a comprehensive overview. The author meticulously examines and categorizes Uzbek dishes into "hot" and "cold" varieties. Furthermore, the article scrutinizes the customs and ceremonies surrounding Uzbek cuisine. Additionally, the author endeavors to illuminate the regional ethnological nuances of traditions associated with Uzbek national dishes.

Keywords. Uzbek, nation, food, eating culture, ceremony, tradition, customs, warmth, coldness, water, tea, sumak, soup, plov, family rituals.



<https://doi.org/10.5281/zenodo.13847823>

Акбар Замонов

Тошкент Кимё халқаро университети
“Тарих” бўлими мудири, профессор.

e-mail: a.zamonov@kiut.uz



Шахзода Рихсибоева

Тошкент Кимё халқаро университети
Тарих йўналиши талабаси.

МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОННИНГ НАЗМДАГИ ФАОЛИЯТИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация. Мазкур мақолада шайбонийлар сулоласининг йирик вакили, Мовароуннаҳрда шайбонийлар сулоласи ҳукмронлигини ўрнатган давлат арбоби ва маърифатпарвар ҳукмдор Муҳаммад Шайбонийхоннинг адабиёт соҳасига оид фаолияти таҳлил қилинган. Унинг девонидан ўрин олган баъзи шеърлари саралаб олиниб, тарихий манба сифатидаги аҳамияти келтирилган.

Калит сўзлар. Шайбонийлар сулоласи, Муҳаммад Шайбонийхон, шеър, девон, туюқ, асар, рубоий, мисра, манба, тахаллус.

Кириш. Шайбонийхон (1451-1510) ҳаётлиги чоғида ёзилган турли манбаларда, шу қаторда Муҳаммад Солиҳнинг чиғатой-туркий тилидаги “Шайбонийнома”, Фазуллоҳ бин Рўзбехоннинг форсча “Меҳмонномаи Бухоро”, Биноийнинг форсча “Шайбонийнома”, Ҳасанхожа Нисорийнинг форсча “Музаққирӣ аҳбоб” асарларида Шайбонийхон даврида фан ва маданият ривожланганлиги, Шайбонийхон эса фан ва маданиятга ҳомийлик қилгани, ўзи ҳам ўқимишли, ўткир, бадий ва ижодий дид эгаси бўлганлиги кўрсатилади. Шайбонийхон Бухоро ва Самарқандни темурийлардан сўнг фан, маданият ва санъат марказлари сифатида ривожлантирди. Ҳирот ва бошқа жойлардаги олимлар, санъаткорлар, адиб-шоирлар Бухоро, Самарқандга олиб келтирилдилар. Шайбонийхон асосан урушлар билан ўтган 60 йиллик умри давомида юқори савияли бадий асарлар ёзиб, мерос қилиб қолдирган.

Шайбонийхон илмий меросининг ўрганилиши. Кейинги даврларда яратилган тазкираларда ҳам Шайбонийхоннинг туркий ва форсий асарлари ҳақида маълумотлар учрайди. XX аср бошларида Закий Валидий Тўғон Шайбонийхоннинг Туркияда сақланаётган девони, девон мундарижаси, асарларининг айрим бадий хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни мақола тарзида “Янги Туркистон” журналида эълон қилади [7, 8]. 1948 йилда эълон қилинган “Навойӣ замондошлари” тўпламига ҳам Шайбонийнинг асарлари ҳақидаги маълумотлар киритилган. Шоир ижодини ўрганиш бўйича Туркияда ҳам маълум ишлар амалга оширилди. 1989 йили туркиялик олим Яқуб Қорасой Шайбонийхон девони бўйича докторлик диссертациясини ёқлади. Унинг диссертация иши девон матнини ўрганишдан иборат бўлди ҳамда диссертация ишига шоир девонининг лотин ёзувиға ўгирилган нусхасини илова қилди [10]. Яқуб Қорасўй, кейинчалик, Шайбонийхон девонига оид барча тадқиқотларини монография тарзида эълон қилди. Муҳаммад Шабонийнинг Туркияда сақланаётган ва ҳозирға қадар ягона нусха сифатида

қаралаётган девонидан олинган фотонусха Темур Хўжа ўғлининг ташаббуси билан Ўзбекистонга илк бора 1991 йилда келтирилди [7, 9].

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқотларда Муҳаммад Шайбонийхоннинг илмий-ижодий фаолиятида тўрт асар мавжуд бўлганлиги айтилади.

Биринчиси, “Баҳр ул-худо” (“Ҳақиқий ёлнинг денгизи”) рисоласи. Қўлёзма нусхаси Лондоннинг Бритиш музейида, Адд 7914 й, 16 - 22 б рақами билан сақланади [8, 15]. 1508 йилда ёзилган бу диний-ахлоқий мавзудаги маснавий арузнинг фоилотун-фоилотун фоилотун фоилун баҳрида бўлиб, ўғли Темур султон (1486-1514)га атаб ёзган панд-насихатлардан иборат китобдир [7, 18]. Демак, Шайбонийхон ҳаёти бетўхтов жангу жадал ичида кечганига қарамай катта маърифий мерос қолдирган инсон эди.

Иккинчиси фикҳ илмига оид асар бўлиб, бу рисола ҳозирча топилмаган. Турк олими Кўпрули ўзининг Ислом энциклопедиясига ёзган “Чифатой адабиёти” номли мақоласида Шайбонийнинг фикҳ илмига оид бир рисоласи мавжудлигини ва асарнинг ўз кутубхонасида сақланаётганлиги ҳақида хабар беради [7,18]. Бошқа баъзи тадқиқотларда ҳам бу рисола хусусида фикрлар мавжуд аммо унинг аниқ манзили ҳақида маълумот берилмаган. Шайбонийхоннинг шундай асари мавжудлиги ҳақида Нисорий “Музаккири аҳбоб” асарида ҳам маълумот берган [9, 19-20].

Учинчиси, Туркий тил қонун-қоидалари ҳақидаги асар. Бу ҳақда Ҳасанхожа Нисорий Шайбонийхоннинг туркий тил қоидаларига бағишланган бир рисоласи ҳам борлигини эслатади (Лекин бу рисола ҳозирча топилиб, тадқиқ этилмаган). “...Дейдиларки, хон Ҳазора қалъаси фатҳига отланганда, бир ғазал битиб, Ҳири (Ҳирот) шайхул-исломи ва Қози Ихтиёрга юборибди. Мана бу бир неча байт ўша ғазалдан битилаётир.

Байт:

Мандан салом ул шайху Ихтиёрға,
 На Ихтиёрким, ул чуғул, ришвахорға,

Қози Ихтиёр туркий тилни билмас экан, унинг учун “Туркий тил қонун-қоидалари” китобини битиб юборибди” [9, 21].

Тўртинчи асар - Шайбонийхон “Девон”идир. Муҳаммад Шабоний лирик меросининг мажмуаси бўлмиш Шабоний девони (Истанбулдаги Тўпқопи саройи музейида инв.2436 рақами билан сақланади) унинг ҳаётлик чоғида тартиб қилина бошланган, бироқ ҳалок бўлганидан сўнг охирига етказилмай қолган [7, 19].

Шоир девонида шеърятнинг тавҳид, наът, ғазал, рубоий, туюқ, муаммо, таърих каби жанрларида ёзилган 416 та шеър мавжуд (Адабиётшунос олим Мусо Тожибоев мазкур шеърларнинг бадиий тил хусусиятларини ўрганиб, махсус диссертация ҳам ёзган эди). Турли манбалар ва тадқиқотларда Шабонийхоннинг исми ва таҳаллуси турли шаклларда айтилиб келинмоқда. Шабоний, Шибон, Шибоний, Шайбоҳ, Шайбек, Шоҳибек, Шоҳбахтхон ва ҳ.к. [7, 9]. Аслида “Шабон” номи туркий “шўбон” сўзидан алинган. Шўбонни подшоҳ, эл-юртни бошқарувчи инсон сифатида қўллаш Навоий асарларида ҳам бор.

Адабиётшунос олим Мусо Тожибоев Шабонийхоннинг девонида таҳаллусларнинг қўлланиш ҳолатини қуйидагича таҳлил қилади: девондаги 266 та шеърга Шабоний, 65 таси Шабон, 7 тасига Шоҳбахтхон ва 1 дона шеърга Шоҳбахт деб таҳаллус қўйилган [7, 19]. Демак, шоирнинг девони “Девони Шабоний” деб аталиши ва таҳаллуси Шабон ёки Шабоний тарзида қўлланиши тўғридир. Аммо унинг номи анъанага мувофиқ ҳукмдор сифатида “Муҳаммад Шайбонийхон” тарзида қўлланилиши оммалашган.

Муҳаммад Шайбонийхон сарой шоири Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”сида ҳам етук шоир сифатида таърифланган:

Шеърни хўб танир завқ била,

Ўзи ҳам хўб айтур шавқ била.

Турки абъёти эрур шарбати ноб,

Форсий шеърлари ҳам сероб.

Борча серобу салису дилкаш,

Таъб аҳлиға жалису дилкаш [5, 29].

Бироқ, Бобур “Бобурнома”да Шайбонийхон шеърларига салбий баҳо берган:

“Яна қози Ихтиёр билан Ҳиротнинг машҳур ва қобилиятли муллаларидан Муҳаммад Мир Юсуфга, ўзи оми бўлишига қарамай, тафсирдан сабоқ айтди. Яна Мулло Султон Али Машҳадий билан Беҳзод мусаввирнинг тасвир ва хатига калам тегизиб, ислоҳ қилди. Яна ҳар неча кунда бир бемаза байт ёзар ва минбарда ўқитиб, чорсуга ошириб, шаҳар элидан ҳадя оларди” [3, 156-157]. Ҳерман Вамбери “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” асарида Бобур Шайбонийхоннинг шоирлиги ҳақидаги фикрларига шундай муносабат билдиради: “Бобур Шайбонийнинг маъносиз ва лаззатсиз шеърлар ёзганини, уларни (Ҳиротда) минбардан ўқишга амр этганини истехзо билан баён қилади. Аслида эса, бу уруш одами маориф ва маданият ҳақида ўз даврининг руҳидан тўла хабардор ва замонасидаги тенгдош шоирларнинг аксариятидан ортиқ даражада калам соҳиби бўлган. Чунки унинг шеърлари, душманлари фикридан тескари ўлароқ, буюк бир иқтидор ва гўзал табиатга молик эканини, у ҳам туркий, ҳам форсий, ҳам арабий тиллардан асосли суратда воқиф эканини кўрсатмоқда” [2, 70]. Шунингдек, Бобурдан фарқли ўлароқ, Ҳасанхожа Нисорий “Музаккири аҳбоб”да шоирлар даврасида мушоиралар ўтказадиган шоир ҳукмдорни ижобий тавсифлаган: “Соҳибқирон хон (Шайбонийхон) илму фазилатлардан хабардор, аниқроғи, уларни тўла эгаллаган киши эди. Шеърият соҳаси ва шоирларга эътиқод эътибори катта бўлган. Мудом олиму фозилларни ўзига ҳамсуҳбат қилган. Яхши шеърлари бор. Ҳазрати Нажмиддин Кубро (Унга тангри раҳмати бўлсин)нинг вафоти таъриҳини яхши айтган.

Таърих:

Онинг таърихидур шахи шуҳадо,
 Яна бир алиф бирла бўлур адо [9, 20].

Бу ерда шоир абжад усулида Нажиддин Кубронинг ҳижрий 553 йилда туғилганлигига ишора қилган.

Муҳаммад Шайбоний адабий меросининг асосий қисмини уруш тафсилотлари, ҳаётий муаммолар, дарвишлик кечинмаларини ўз ичига олган диний-тасаввуфий қарашлар акс этган ғазаллар ташкил этади. Шайбонийхон Саккокий, Атоий, Навоий анъанасидаги чиғатой-туркий шеърятини давом эттирди. Унинг ижодиётига хос бўлган хусусият шундаки, Шайбонийхон ўз шеърларида ўз давлатининг дастлабки маркази бўлган Туркистонни, кейинчалик, ўзи тузган давлатининг муҳим маданий марказлари бўлган Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарларини зўр эҳтиром билан куйлади [4, 280]. Буни биз шоирнинг куйидаги сатрларида яққол кўрамиз:

Жаннати маъво деган боғи Самарқанд эмиш,
 Кавсари аъло деган оби Самарқанд эмиш.
 Ҳар нечаким ўтсалар Хулд тоғи тошини,
 Ўхшар анга дунёда тоғи Самарқанд эмиш.
 Жилваи ҳуру кусур ҳар нечаким қилсалар,
 Наргиси мастоналари бори Самарқанд эмиш.
 Билки ато қилади Ҳақ ҳар ёнда Жўйбор,
 Тўрт ориғи ҳар тараф ори Самарқанд эмиш.
 Ҳар тараф баргзор боғлари эрди беҳишт.
 Неча десам васфини кони Самарқанд эмиш,
 Суйидур оби ҳаёт, эли турур жонфизо.
 Нуч дори изласанг қори Самарқанд эмиш,

Ўла ёзиб Балхда бад йилидан истаб.

Тегма Шайбонийга сен, шоҳи Самарқанд эмиш [10, 159].

Шайбонийхон Самарқандни ўз асарларида жаннат макон деб қуйласа,
Бухорони Каъба даражасида улуғлаб:

Бир хаёлим бор кўнгулким пир вафий айлайн,

Ул Бухоро шаҳрида Каъба тавофин айлайн [6, 15].

Шайбонийхон бошқа юртлар, шаҳарларда юрган кезларда ҳам Самарқанд,
Бухоро, Туркистонни соғинади. У Мовароуннаҳрдек гўзал юртни бизга Худонинг
ўзи қимматбаҳо совға сифатида ҳадя қилган деб айтади.

Авлиёлар сарвари ул шоҳи Туркистон эмиш.

Ер юзини моҳи тутган ул моҳи Туркистон эмиш.

Йўл янгилганларга дермен, боболнинг Саброн сари,

Қилма умрунг эмди зое, роҳ Туркистон эмиш [10, 157].

Ўзбек мумтоз адабнетида кенг қўлланувчи туёқ¹ сўзлардаги шаклдошликка асосланган жанрдир. Муҳаммад Шайбонийхон томонидан ёзилган туёқлар ҳам жарангли ва бетакрор [1, 541]. Шайбоний бу жанрда ҳам муваффақиятли ижод қилади, сўзлардаги шаклдошлик асосида гўзал туёқлар яратади: Масалан, Шайбонийхон 1500 йилда Самарқандни илк бор эгаллаш учун юриш қилганида, қалъа ташқарисидан туриб қуйидаги туёқни ёзган эди:

Сўғд ичида ўлтурурлар ёбулар,

Ёбуларнинг минган оти ёбулар.

Ёбуларнинг илгидан эл тинмади,

Ё булар бўлсин бу ерда ё булар [9, 20].

¹ Туёқ сўз ўйини асосида тажнис қофиясида берилади. Туёқда қофия бўлиб келадиган шакли бир хил сўзлар турли маънони англатиши керак бўлади.

Биринчи сатрда келган ёбу – ўзбек уруғларидан бири. Иккинчи сатрда эса насли унча яхши бўлмаган, асосан қишлоқ хўжалигида ишлатилган, баҳайбат от тури. Тўртинчи қаторда шоир “ё булар” деб ўз аскарларини кўрсатган ҳолда, олмошни қўлламоқда.

Шайбоний туюқларидан бирида Хуросонга юриши олдидан Амударёнинг чап соҳилида яшовчи ҳазора номли қавмга таҳдид қилиб шундай мисраларни келтиради:

Тангри инояти била қавми ҳазорани,

Андоғ этайки, тажриба бўлсун ҳазораға [9, 21].

Бу сатрларнинг биринчисидаги “ҳазора” афғон қабилаларидан бирининг номи. Иккинчи “ҳазора” форсийда “минг” сўзини ифодалаган.

Анқонинг юзин кўрарсиз кулменгиз –

Оқ соқолидур юзинда гулменгиз.

Ул қариликдин тили кўп қисқадур,

Ким анинг юзин кўрарсиз кулменгиз [10, 298].

Биринчи мисрада кулмангиз "оқ юз" маъносида. Менг "хол" маъносида. Гулменгиз "гулюзли" маъносини ташимокда. Сўнгги мисрада кулманг “мазах қилманг” маъносида.

“Ёқадур” сўзининг уч маъноси асосида ёзилган туюқ:

Неча дилбар жонима ўт ёқадур.

Жонимунг дардина дармон ёқадур.

Оқ тўнунг кўрганда ёнмоқ хуштурур.

Хошиясинда билмадим не ёқадур [10, 292].

Туюқнинг биринчи мисрасидаги ёқадур – “ўт ёқади”, “олов қалайди”, “жонимни ёндиради” маъноларида. Иккинчи ёқади – “хуш ёқади”, “завқлантиради” ва сўнгги мисрадаги ёқадур “ёқа”, “кийимнинг ёқаси” маъносида.

Шайбонийхон бошқаларда учрамайдиган туюқнинг олти мисралик шаклини ҳам қўллайди. Мазкур шеърда “кеч” сўзи тўрт марта — биринчи, иккинчи, тўртинчи ва олтинчи мисраларда келтирилади:

Эй Бинойи бу китобинг, бўлди кеч

(Китобинг кеч ёзилди, иш кеч битди).

Бир сенингтеқ қайда бўлғай қўлн кеч

(Сен каби кечиккан, секин иш қиладиган одам қайда бор).

Бизга Урганч юрушида ярамай

Сен фароғатда бўлупсан қули кеч

(Уруш вақтида бажармадинг, яъни китобни кеч ёздинг).

Кетдн ўш молинг, қароқчи қўлидин,

Не турусен энди анда қўлн кеч [10, 294]

(Қароқчи молингни олиб кетди, энди сен ҳам унинг ортидан қўлни кечиб ўт).

Шайбонийхон “Девон”и бир пайтнинг ўзида тарихий манба ҳамдир. XVI аср манбаларида учрамайдиган баъзи маълумотлар унинг шеърларида ўз ифодасини топган. “Девон”да зикр этилишича, “Самарқандни олганда бaсе Кўксаройда тўй қилиб, валадимни тахтга миндуруб, ул мажлисда зебо санамларни келтируб, ўғлум Муҳаммад Темур Баҳодирни сандалда ўлтуртиб, бу ғазални айттим:

Эй манга саждагоҳи ол қошларинг меҳробидур,

Бу кўнгил қушин тутарға шул кўзинг саййодидур.

Новакинг ўқлари жоним кўз ёшимдин сусади,

Ваҳ бағир қонидин ичкан кирпугинг пайконидаур.

Ғунча лаълин кўргали бу лаълу маржонлар тўқуп,

Инглари олинда ё Раб кўзларим намнокидаур.

Оташин ёқут лабиндин ёқилиб ишқинг оти,

Май ичиб ким маст бўлса шул гўйинг чавгонидур.

Муҳтасиб манъ этмагил маъшук куйиндин ҳар заман,
 Кўз ёшима ваҳ отиндин ҳар замон ғамнокидур.
 Ул парини Кўксарой ичинда ҳар дам кўргали,
 Зулфи анбар-бўйу мушкин васфида девонидур.
 Эй Шабоний, шул санам жавринда новмид ўлмағил,
 Бас кўнгил ораста қилғил дилбаринг сандолидур [10, 136].

Ҳукмдор шоирнинг “Баҳр ул-худо” номли қасидасида шоирнинг диний-тасаввуфий қарашлари бадий ифодаланиб, ўзбек хонининг бошидан ўтган воқеалар унинг ички кечинмаларини билан уйғунлашиб кетган. Ушбу қасида тасаввуф шайхлари Абулҳасан Харрақоний ва Боязид Бастомий мақбараси зиёратида ёзилган:

Эрди тўккуз юз тақи ўн тўрт ҳижрат вақтидин,
 Ким, бу гулшан ичра топти булбули табъим наво.
 Манзилим ул вақт эди Бастом била Домғонда,
 Ким, менга қилди мадад арвоҳи поки анбиё.
 Пири Хароқоний – тариқатнинг имоми Булҳасан,
 Барча орифларға султон Боязид ул муқтадо [8, 14].

Бу асарнинг (“Баҳр ул-худо”) сўфий руҳдаги қасида эканлигини куйидаги байтдан ҳам англаб олиш мумкин:

Подшолиғда Шайбоний фақирдан айрилмагил,
 Фақр шоҳи икки олам ичра бўлур подшо.
 Тангри гар берди сенга Эрону Турон,
 Бандалик таврин Шайбоний бермагил элдан даҳо... [8, 15]
 Шайбонийхоннинг форсий тилда ҳам бир қатор назм намуналари мавжуд эди.

Унинг мана бу форсий матлаъси ҳам машҳурдир.

Булбулони ту ки жонам булбулон оварди,

Булбулони шаккарин то булбулон оварди [8, 18].

(Мазмуни: *Жонимга булбулларни келтирган сенинг булбулинг, Шакар (сўзли) булбуллар булбул келтирди*).

Хулоса. Муҳаммад Шайбонийхон заифлашиб бораётган темурийлар сулоласини ҳокимиятдан афдариб, ўз сулоласига асос солиш, парчаланаётган Туронни бирлаштириш йўлида тинимсиз ҳарбий-сиёсий курашда бўлса-да, илм-фан ва адабиёт билан салмоқли даражада шуғулланган. У тузган “девон”даги шеърлар ўша давр тарихи учун ҳам ноёб манба бўлиб хизмат қилади. Чунки, муаррихлар қаламидан тушиб қолган баъзи воқеа ёки жараёнлар ҳукмдор шоирнинг кечинмалари, кўнгил истаклари, қайғу ва хурсандчиликлари орқали шеърларига кўчиб ўтган. Бу эса, Муҳаммад Шайбонийхон тарихини тадқиқ этиш учун муҳим манбалардан бири сифатида хизмат қилиши лозим.

Ғазаллар.

ЁР ДАРДИНГҒА

Дарду ғам бечора кўнглум сори оқилди яна,
Мени кўруб ишқ ўти боштин яна келди яна.

Ғунчадек кўнглум ғам ҳижронидин қон боғлоди,
Муждаи васлин² эшитиб, кўнглум очилди яна.

Ҳажр ўгинда нотавон жисмим фироқинг кечаси,
Шамъдек боштин-аёқ фурқат³да ёқилди яна.

Қезлоб эрдим ишқини элдину лекин найлайн,
Ҳолатим Мажнун киби оламға ёйилди яна.

Фирқат отидин йиқилдим, ёр келди сўрғоли,
Эй Шабоний, ёр дардингға даво қилди яна.

² Муждаи васл – висолнинг ёқимли хабари.

³ Фурқат – айрилиқ.

* * *

ИЧИНДА [10, 94-95]

Юзунгни кўрдум ул чортоқ⁴ ичинда,
Очилмиш тоза гул ёпроқ ичинда.

Табассум қилсанг ул ғунча лабингдин,
Дегайсен бол томор қаймоқ ичинда.

Неча кўзлодинг, эй раъно ғизолим⁵,
Мени ёндурмоғил авлоқ ичинда.

Карам⁶ қилғил, кел эмди, эй азизим,
Утурғил дидаи му штоқ⁷ ичинда.

Жаҳоннинг кўзи ҳаргиз кўрмиши йўқ
На қилди лабларинг сўрмоқ ичинда.

Кел эй соқий⁸, юкунуб бир аёқ⁹ тут,
Манго дилбар била қишлоқ ичинда.

Манго жавр айладинг, эй бағри тошим,
Кўнгулни соқломай дил тоқ¹⁰ ичинда.

Мухолиф¹¹ Вахш¹²ни қишлаб турурда,
Туруш бермай турур турмоқ ичинда.

⁴ Тўртбурчак.

⁵ Нафис гўзал; чиройли кийик.

⁶ Меҳрибонлик, илтифот.

⁷ Муштоқ кўз.

⁸ Соқий, май узатувчи.

⁹ Қадаҳ маъносида келган. Кўш аёқ – икки шахснинг қадаё уриштириши.

¹⁰ Берк бурчак.

¹¹ Қарши чиқувчи.

¹² Йиртқич; вахший. Вахш дарёсининг қишда тез оқар ҳолатда бўлмаслиги маъносида ҳам келган бўлиши мумкин.

Черикнинг¹³ гардини кўрмой қочиптур
Масалдур: – Кул қочор ўрмоқ ичинда.

Шабонийға берибтур нусратин¹⁴ қақ¹⁵,
Ковуб мен хусрав(ни)¹⁶ чақмоқ ичинда.

* * *

ТАРК ЭТ

Эй оқилон, эй оқилон, тарк эт, сен эмди бу жаҳон,
Жон булбули парвоз этар манзилгоҳидур осмон.

Бутхонани вайрон қилиб, майхона ободон қилиб,
Гулхан эмасдур манзилинг, гулшан ҳавас қилғил равон

Барҳам уройин ақлу ҳуш, вайрон қилойин нафси ҳуш,
Бегонани ошно қилиб, туну-қун кузайгил бахти хон.

Кўнглум ғамин беғам қилиб, ҳақ дардини маҳрам қилиб,
Бўлса жароҳат эм қилиб, бўлғил табиби меҳрибон.

Тортиб Самарқанд лашқарин, юруб мўғул устига мен,
Ислон тигин тез этиб, барҳам уройин қолмоқон.

Ислон мен-ислом мен, куффору куфри найласун,
Куффор беҳин¹⁷ кесойин, қолмосун андин ҳеч нишон.

Шаҳбоз¹⁸ бўлди чингизи, семурғу анқо қойдадур.
Мен-мен муҳитнинг жавҳари-жавҳарни билмас инсужон

¹³ Аскар, сипоҳий, ҳарбий маъносида.

¹⁴ Ғалабасини.

¹⁵ Ғалабасини муҳрла маъносида келган.

¹⁶ Подшоҳни.

¹⁷ Илдиз.

¹⁸ Лочин, ов қуши.

Эй қаҳрабо, маъмур¹⁹ этай кўп дурру маржонлар тўкуб.
Эй дилбарнинг дарди била ўтқа ёнар мен ҳар замон.

Шайбоний, сўзинг қисқа қил, юрур йўлингни рост қил,
Тўти сўзи шаккар турур, мурдор²⁰ қарға нокасон.

РУБОИЙ

Гар бўлса киши қоши қароси бирла,
Сўз яхши турур жигар яроси бирла,
Зулфу юзи васфини битурман туну кун,
Олтун варақ ичра кўз қароси бирла.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдулқодир Мажид. Шайбонийлар давлати / Турк тилидан Иқболжон Усмон таржимаси. Истамбул: Nasim Kutub nashriyoti, 2022.
2. Армений Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. / Сирожиддин Аҳмад таҳрири остида. – Т.: Info capital group, 2019.
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. / Ваҳоб Раҳмонов, Каромат Муллажонов табдили. Т.: Ўқитувчи, 2008.
4. Маънавият юлдузлари. Тўпловчи ва масъул муҳаррир: М.М.Хайруллаев. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001.
5. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Эргашали Шодиев. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.
6. Муқимов З. Қилич ва қалам соҳиблари. Самарқанд, 2008.
7. Тожибоев М. Муҳаммад Шайбоний лирикасида бадий тил муаммолари. Т.: Университет, 2006.

¹⁹ Обод, ҳаёт мавжуд бўлган.

²⁰ Ўлаксахўр, ифлос.

8. Қораев Ш. Шайбоний султонлар тазкираси. Қарши: Интеллект, 2023.
9. Ҳасанхожа Нисорий. Музакир ал-аҳбоб. / Форс тилидан Исмоил Бекжон таржимаси. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
10. Yakub Karasoy. Siban Han Divani. Konya, 1989.

Комментарии к поэтическому творчеству Мухаммада Шайбани-хана

Аннотация. В данной статье анализируется деятельность великого представителя династии Шайбани, государственного деятеля и просвещенного правителя Мухаммада Шайбани-хана, установившего власть династии Шайбани в Моваруннахре. Выбраны некоторые из его стихов, внесенных в диван, и указано их значение как исторического источника.

Ключевые слова. Династия Шайбани, Мухаммад Шайбани-хан, поэма, диван, туюк, произведение, рубай, мисра, источник, псевдоним.

Comments on Muhammad Shaibani Khan's work in poetry

Abstract. This article analyzes the activities of the great representative of the Shaybani dynasty, the statesman and enlightened ruler Muhammad Shaybani Khan, who established the rule of the Shaybani dynasty in Movarounnahr. Some of his poems from his divan have been selected and their importance as a historical source is given.

Keywords. Shaibani dynasty, Muhammad Shaibani Khan, poem, divan, tuyuq, work, rubai, misra, source, pseudonym.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13847495>



Шоҳиста Ўлжаева

ТИҚХММИ Миллий тадқиқот
университети профессори, тарих фанлари
доктори.

**АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИДА ДИПЛОМАТИК
МЕҲМОННАВОЗЛИК
(РУИ ГОНЗАЛЕС ДЕ КЛАВИХО КУНДАЛИГИ АСОСИДА)**

Аннотация. Ушбу мақолада Амир Темурнинг элчиларни қабул қилишда кутиб олиш, элчиларга таом тортиш тартибларига доир маълумотлар берилган. Ушбу маълумотлар Испания элчиси Руи Гонзалес де Клавихо кундалиги асосида ёзилган.

Соҳибқирон Амир Темур қисқа муддат ичида тарқоқлик ҳукм сурган, урушлар авжига олган, халқи хўрланган Мовароуннаҳрни бирлаштириб уни йигирма етти давлатни ўз ичига олган улкан салтанатга айлантира олди. У том маънода Евросиё қитъасида ягона макон яратди ва турли миллатлар, кўчманчи ва ўтроқ аҳоли ўртасида кўприк ўрнатди.

Амир Темур қонун қоидаларга ва ўз даври таомилига асосланган давлат курди. Давлатнинг маҳобати нафақат давлат бошқаруви, сиёсат, ижтимоий,

иктисодий, меъморчилик ва маънавий соҳада, балки дипломатик протокол қоидаларида ҳам яққол намоён бўлди.

Дипломатик протокол тизими испан элчиси Руи Гонзалес де Клавихонинг “Самарқандга-Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар)” номли китобида анча батафсил тавсифлаб берилди. Клавихо Амир Темурнинг дипломатик қабул маросимлари дабдабали ва улуғвор бўлганини таъкидлаб ўтган. У дабдабали зиёфатлар, боғлардаги санъат асарлари, ноёб дурдоналар ҳақида хабар берган. Амир Темур салтанатининг қудрати ва шуқуҳи дипломатик қабул маросимларида ҳам сезилиб турган. Амир Темур томонидан барпо этилган афсонавий гўзал боғларда дипломатик учрашувлар ўтказилган. Унда 104 мезана ва унинг атрофида безатилган улкан ҳудудлардаги турли ҳунар эгалари, санъаткорларнинг ўз асарларини намоёйиш этганлари, катта парадлар ва томошаларни тасвирлаб берди. Амир Темур ўзининг дабдабали зиёфатлари билан машҳур бўлиб, ўша даврдаги қудрати ва мавқеини намоён этган.

Расмий қабул маросимларида олий мартабали меҳмонларни таомлантириш, дастурхон тузашда протокол қоидаларга амал қилинган. Дастурхонлар қайнатилган, тузланган, қовурилган қўй гўштлари билан мўл-кўл тузалган. Қовурилган от гўшти ҳам истеъмол қилинган. Хил-хил пиширилган гўштлар доира шаклидаги гардиши зарҳалланган чарм дастурхон устига қўйилган, ошпазлар дастурхон четидаги балдоқлардан ушлаб, Амир Темур ва элчилар ўтирган томонга кўтариб келганлар [1; 158-б] Ўша тадбирда чарм дастурхонда гўшт шу қадар кўп эдики, дастурхон йиртилиб кетмаслиги учун подшоҳ олдида судраб олиб келишган.

Гўшт келтирган хизматкорлар подшоҳдан йигирма қадамча нарида тўхтагандан сўнг, уларнинг ўрнида гўшт майдаловчилар ҳозир бўлган [1; 158-б] Мазкур кишилар санитария-гигиена қоидаларига тўла амал қилган, олдиларига пешбанд тутишган, қўлларига чарм қўлқоп кийиб олишган, тиз чўкиб ўтириб

гўшти майдалаганлар. Гўшлар олтин, кумуш, сопол лаганларга ва бошқа қимматбаҳо чинни идишларга бўлаклаб солинган. От гўшти ҳам олтин ва кумуш идишларга сузилган. Қўйнинг сон гўшти, от буйраги, қўй каллалари ҳам алоҳида идишларда солиниб, безатилиб меҳмонларга тақдим этилган. Бошқа кўпдан-кўп идишларга ҳам мўл-кўл гўшлар солинган. Шундан сўнг шўрва тўлдирилган тоғоралар келтирилган, улар гўшлар устига қайла сифатида қўйилган.

Ўша даврда ҳам бу овқатлар учун юпка пиширилган лочира нони тўрт букланиб гўшлар устига қўйиб чиқилган. Шундан кейин бу таомларни подшоҳ аъёнлари, мирзо ва аслзодалардан иборат икки-уч киши кўтариб, подшоҳ, элчилар ва мулозимларнинг олдига қўйган.

Чунки гўшлар кўплигидан дастурхон оғирлашиб кетган бўлиб, бунча кўп гўшни бир киши кўтара олмас эди. Амир Темур тангилик билан ўз олдига қўйган икки бўлак гўшни ўзи тановул қилмасдан испан элчилари олдига қўйиб ўзининг меҳмонга бўлган ҳурбат-иззатини кўрсатди.

Клавихонинг айтишича, ҳали гўшлар тамом бўлиб улгурмасдан олиб чиқиб кетилиб янгилари олиб келинади[1; 159-б]. Ўша давр удумига асосан ҳар бир кишига тортилган таомлар уйларига бериб юборилган. Клавихо ўзларига берилган гўшларни жуда кўплигини айтиб, мабодо уйларига олиб кетмоқчи бўлса нақд ярим йилга етиши мумкинлигини айтиб ўтган.

Пиширилган ва қовурилган таомлар олингандан кейин уларнинг ўрнига дастурхонга қўй гўшти, ҳасип ва бошқа таомлар тортилган. Дастурхонда мевачевалар, қовун-тарвуз қўйилган. Олтин ва кумуш қувачаларда бия сугидан ширинлик аралаштирилиб тайёрланган қимиз тортилган. Ўша даврда шарбатдорларнинг қўлида ҳам сочиққа ўхшаш оқ мато бўлиб, олтин, кумуш пиёлаларни улар қўл билан ушламасдан ўша оқ матолар орқали тақдим этишган.

Испан элчиси ва сайёҳи тўққиз-тўққиз идишларда аёнлари ҳам ўз ҳукмдорига совға тайёрлашгани, танга сочди маросимлари ўтказилгани ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтган. Совғалар Шоҳмалик Мирзо, Шайх Нуриддин томонидан тайёрланган бўлиб, тўққизта кумуш идишларга қанд, майиз, бодом, писта ва бошқа ширинликлар солинган, устига бир парча шойи мато ташланган. Биз ушбу тантаналарни кузатиб, ўша даврдаги миллий урф-одатларни ҳам тавсифлашимиз мумкин.

Зиёфатдан кейин турли мамлакатлардан келган элчилар олиб келган совғатухфалар намойиш этилган. Клавиҳо подшоҳи олийларига уч юзта от ҳадя қилингани ва бошқа кўплаб совғалар топширилганининг шохиди бўлган. Элчиларнинг кўнглини олиш ўша даврда бошқа давлат раҳбарининг кўнглига йўл топиш билан баробар бўлган экан, қабул маросимларида элчилар ўз даврининг энг қимматбаҳо, нодир ва камёб молларини, от-улов, хачир, туя, ажойиб қушлар, олтин, кумуш тангалар ва бошқаларни ҳадя совға қилганлар. Испан қироли юборган ҳадялар орасида ҳукмдорга кўпроқ қизил мовут маъкул бўлган.

У бу матоларни Сароймулкхоним ва бошқа маликаларга бўлиб берган. Тўхтамишхон элчилари сувсар, ошланмаган оқ тулки, суғур мўйналари, ҳамда лочинлардан иборат бўлган совғаларни тақдим этишган. Тантанали маросимдан кейин элчиларга ҳукмдор томонидан тайинланган махсус мулозим ғамхўрлик қилган. Унга элчиларга зарур бўлган ҳамма нарсаларни мухайё этиш вазифаси тайинланган. Бу мулозим бош дарвозабон бўлиб, элчиларни подшоҳнинг турар жойидан унча узоқ бўлмаган махсус бинога жойлаштирган. Бу ерлар жуда сўлим, сувга сероб боғ эди.

Қабул маросимларида ҳар бир кишининг кийимларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Аёллар Кичик Осиёнинг қимматли жавоҳирию, Исфаҳон, Мўлтон, Ганжа, Дамашқ, Бурса, Венеция заргарларининг нафис зеби-зийнатлари билан

ўзларига оро берсалар, эркаклар ноёб тошлар билан безатилган қуроллар ва камарлар тақиб юрганлар. Конирилда қарийб 20000 чодир ўрнатилган бўлиб, тўй маросимда сарой аҳли, вазир-визаролардан ташқари, аҳолини турли табақа вакиллари қатнашган. Клавиҳо чодиргоҳда мансабдор шахсларнинг лавозими бўйича чодирларнинг жойлаштирилиш тартиби, жиҳози, ҳатто уларнинг безакларига катта эътибор берилган эди, -деб ёзган [2].

Қадимий анъаналарга кўра, юртимизга ташриф буюрган элчиларга зарбоф тўнлар, камар, вассал ҳокимлар ва подшоҳларга олтин тож ва бошқа қимматбаҳо совға-саломлар ҳадя этилган. Мисрлик тадқиқотчи олим Фатҳи ал-Гувейли ҳам ҳақли равишда «Амир Темур томонидан бошқа давлатлар арбоблари билан бўлган муносабатларда қўлланган дипломатик усуллар ва уларнинг айрим нозик жиҳатлари назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганишга арзигуликдир», - деб таъкидлаган.

Фатҳи ал-Гувейли “Амир Темурга теран ақл-фаросат ва зийраклик хос бўлиб, бу сифатлар дипломат шахснинг энг муҳим жиҳатини ва асосини ташкил этади. Амир Темур у ёки бу мамлакатга ўз элчиларини юбориб, бошқа давлатлар элчиларини қабул қилиб, қирол ва амирлар билан дипломатик ёзишмалар ўрнатиб, бу соҳанинг шакл мазмунларини яна-да бойитди” [3], - деб ёзади.

Хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки, давлат сиёсати барча соҳаларда бир хил юқори савияда олиб борилган.

Дипломатик қабул маросимлари ҳам ўз даврида юқори савияда ташкиллаштирилган бўлиб бугунги Янги Ўзбекистонни барпо этишда Амир Темур салтанатида яратилган боғчилик анъаналари ва дипломатик қабул маросимларидан ижодий фойдаланиш мумкин.

Зеро Амир Темур ва Темурийлар салтанатида иккинчи Ренессанс шаклланган ва ривожланган бўлиб ўрта асрлардаги ушбу ноёб меросимиз ва тажрибалар Учинчи Ренессансга пойдеворлардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Клавихо Самарқандга-Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
2. Мухаммаджонов А.Р. Темур ва Темурийлар салтанати. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 34.
3. Фатхи ал –Гувейли. Амир Темур дипломатияси // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Ҳалқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 108.

Аннотация. В этой статье представлена информация о процедурах Амира Темура по приему и подаче еды послам. Эта информация написана на основе дневника Руи Гонсалеса де Клавихо, испанского посла.

Abstract. This article provides information on Amir Temur's procedures for welcoming and serving food to ambassadors. This information was written based on the diary of Rui Gonzalez de Clavijo, the Spanish ambassador.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13847978>



Nabijon Narziyev

Toshkent Kimyo xalqaro universiteti

Tarix kafedrası dotsenti,

Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori.

e-mail: nabinarziev04@gmail.com

TARIXIY ANTROPOLOGIYA VA UNING ETNO-TARIXIY TADQIQOTLARDA TUTGAN O'RNIGA DOIR MULOHAZALAR

Annotatsiya. Ushbu maqolada tarixiy tadqiqotlarda yangi yo'nalishlarning paydo bo'lishi, siyosiy tarixdan qochish va etnomadaniy jarayonlarni o'rganishda tarixiy antropologiyaning amaliy ahamiyati haqida fikrlar keltiriladi. Shuningdek, O'zbekistonda tarixiy antropologiyaga oid tadqiqotlar yuzasidan tavsiyalar berilgan.

Kalit so'zlar: antropologiya, tarixiy antropologiya, yangi tarix, Anallar maktabi, mikrotarix, determinizm, evolyutsionizm

Insonlar tarixi, turmush tarzini o'rganish masalasi qadimdan ko'pchilikni qiziqtirib kelgan. Qadimgi tarixchilarni harbiy tarixiy voqealar bilan birgalikda xalqlarning urf-odatları, an'analari, ijtimoiy-iqtisodiy, ma'naviy va diniy munosabatlari ham qiziqtirib kelgan. Yunon tarixchisi Geradotning "Tarix" asarida keltirilgan voqealar tavsilotida ham buni kuzatish mumkin. Antik davrda antropologik bilimlarning shu yo'nalishlarda taraqqiy eta boshlashi kuzatiladi. Shu o'rinda "antropologiya" atamasining lug'aviy ma'nosiga to'xtaladigan bo'lsak yunoncha so'z bo'lib «άνθρωπος» – inson, «λόγος» – fan degan ma'nolarni anglatadi. "Antropologiya" atamasining kelib chiqishi antik davr falsafasidan boshlanadi. Qadimgi yunon faylasufi Aristotel (miloddan avvalgi

384-322) birinchi bo‘lib ushbu atamani inson tabiatining ma’naviy tomonlarini o‘rganadigan bilim sohasini belgilashda foydalangan. Ushbu atama ko‘plab klassik va klassik bo‘lmagan mutafakkirlar tomonidan ishlatilganiga qaramay (Kant, Feyerbax va boshqalar), maxsus falsafiy intizom va maktab faqat XX asrning boshlarida “falsafiy antropologiya” nomi ostida shakllangan. “Antropologiya” atamasi asl ma’nosida ko‘plab gumanitar fanlar (san’atshunoslik, psixologiya va boshqalar) va ilohiyotshunoslik (dinshunoslik, teologiya), diniy falsafada shu kungacha qo‘llanilib kelinmoqda. XVI asrda Yevropada antropologiya tushunchasiga ko‘proq “*jismoniy*” va “*fiziologik antropologiya*” sifatida qarashgan. XVII–XVIII asrlarga kelib Yevropa atamashunosligida antropologiya atamasi inson faoliyatining barcha jihatlarini o‘z ichiga qamrab oluvchi tushuncha sifatida shakllana boshlagan.

Antropologiyaning fan sifatida shakllanishining dastlabki bosqichida (XVIII – XIX asr o‘rtalari) insonning tabiat tarixi, jismoniy tuzilishi, psixologiyasi, madaniyati va tilini o‘z ichiga olgan universal fan sifatida keng tushunish hukmronlik qilgan. Inson tabiati va inson jamiyati haqidagi dastlabki umumiy tushunchalar geografik determinizm va evolyutsionizm nazariyasini oldindan belgilab bergan.

XIX asrning birinchi yarmida gumanitar fanlardagi ilmiy kashfiyotlar, masalan, qiyosiy tarixiy tilshunoslik va ibtidoiylikning arxeologik kashfiyotlari sabab bo‘ldi. XIX asrning o‘rtalaridan boshlab antropologik ilmiy jamiyatlar tashkil topdi. 1855 yilda Parijdagi Tabiat tarixi muzeyida antropologiya bo‘limi ochildi. Fransiyada birinchi Antropologik jamiyat 1859 yilda Pol Broka tomonidan ilgari mavjud bo‘lgan Etnologik jamiyat asosida tuzilgan. Xuddi shunday jamiyatlar boshqa mamlakatlarda ham paydo bo‘lgan. Keyinchalik Fransiya va Rossiyada antropologiya asosan biologiya (jismoniy yoki biologik, antropologiya) fanlari sifatida tushunila boshlandi, ingliz tilida so‘zlashadigan mamlakatlarda u insonning ijtimoiy va madaniy faoliyatini (ijtimoiy yoki madaniy antropologiya) o‘rganishni ham o‘z ichiga oladi.

Sobiq Sovet Ittifoqi mamlakatlarida antropologiya ko‘pincha inson va uning irqalarining kelib chiqishi va evolyutsiyasi haqidagi fan, ya’ni jismoniy antropologiya deb tushunilgan. Antropologiyadagi izlanishlar fanning keng tarmoqlarda rivolanishiga olib kelgan. XX asrning 1990-yillardan boshlab Rossiya universitetlarida ijtimoiy, madaniy, siyosiy va falsafiy antropologiya bo‘limlari paydo bo‘la boshladi.

Shuni ta’kidlash keraki, totalitar tuzum davrida O‘zbekistonda antropologiya fani deganda bir yoqlama qarash shakllangan bo‘lib, fanning asosiy o‘rganilish obekti sifatida insonning fiziologik (inson tanasining tashqi tuzilishi va ulardagi o‘zgarishlarga oid) xususiyatlari o‘rganilgan. XX asrning ikkinchi yarimida totalitar tuzumga asoslangan mamlakatlarda tarixiy antropologiya deganda ibtidoiy davr odamlari hayoti, turmush tarzi, moddiy va ma’naviy madaniyatiga doir bilimlar beruvchi fan sifatida qaralgan. Fanning davriy chegarasi qadimgi davlatlar vujudga kelishi bilan nihoyasiga yetgan [1]. Aslida bu fanga nisbatan bir yoqlama qarash edi. XX asr o‘rtalariga kelib, G‘arbiy Yevropa va AQShda antropologiya atamasi inson faoliyatining barcha sohalarini o‘rganishga nisbatan qo‘llanila boshlangan. Masalan, madaniy antropologiya, ijtimoiy antropologiya, siyosiy antropologiya, diniy antropologiya, tarixiy antropologiya kabi tarmoqlarda antropologiya fani rivojlangan.

XX asr ikkinchi yarimida antropologiya keng tarmoqli fanga aylanib, turli darajalarda bir-biridan ajratilgan va o‘zaro bog‘liq bo‘lgan bir nechta fanlar shakllangan.

XX asrning 20-yillarida Fransiyada shakllangan Annallar maktabi namoyonlari (M.Blok, L.Fevr) tanqidiy g‘oyalari asosida tarixiy antropologiyaning o‘rganish obekti kengayib, qadimgi va o‘rta asrlar davri insonlar ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy hayot tarzini o‘rganish g‘oyasini ko‘tarib chiqdilar va an’anaviy tarixda qo‘llanib kelinayotgan metodlarga qarshi bo‘lishgan. Bu esa Tarixiy antropologiyaning yangi ko‘rinishda rivojlanishiga olib kelgan.

XX asrda tarix fanini tadqiq etishda Germaniyalik K. Lamprext, Fransiyalik L. Fevr va M. Blok, Angliyalik L. N. Emir va R. Touni kabi olimlar eski voqeanavis tarixchilarga qarshi kurash olib bora boshladilar. XX asrning 50-yillariga kelib esa, “yangi tarix” deb atala boshlagan tarixiy antropologik tadqiqot usullaridan foydalanib tarixiy voqeliklarni yoritish ustun mavqega ega bo‘la boshladi. Unda voqeanavislik emas, balki struktura ustunlik qila boshlaydi. Tarixiy antropologiyada iqtisodiy tarix va ijtimoiy tarixning asosiy yo‘nalishi o‘rganish muammosiga aylana boshlandi. Tarixiy antropologiya fani turli davlatlarda turlicha nomlar asosida rivojlangan. Jumladan, Fransiyada “Annallar maktabi”, Italiyada “Mikrotarix”, AQShda “Madaniy antropologiya”, Angliyada “Ijtimoiy antropologiya” va boshqalar. Ularda tarix fanini tadqiq etishda ham o‘ziga xos metodologik yondashuvlar ko‘zga tashlanadi.

XX asr 80-yillaridan boshlab Yevropada ijtimoiy antropologiya assotsiatsiyalari tashkil topa boshlagan. XX asrning 2-yarimida Yevropa etno-tarixiy tadqiqotlarida quyidagi mavzular:

- ❖ O‘rta asrlar saroy ayonlari tili;
- ❖ O‘rta asrlar dehqonlar hayoti;
- ❖ Iqtisodiy tarix;
- ❖ O‘rta asrlar tabiblar kundaliklari;
- ❖ O‘rta asrlar odamlarining ovqatlanish tarixi;
- ❖ Muz (qor)ning insonlar hayotidagi ta’siri;
- ❖ O‘rta asrlar insonlar hayotida seherga munosabat;
- ❖ O‘rta asrlar qishloqlarida ijtimoiy hayot kabi mavzular doirasida tadqiqotlar olib

borilishi tarixiy antropologiyaga oid yangi yshnalishlarni boshlab berdi.

Tarixchilarning madaniyatlararo masalalarga bo‘lgan qarashlari iqtisod, siyosat, psixologiya, san’at, musiqa va adabiyot kabi sohalarda ham o‘z ifodasini topadi.

Antropolog va tarixchilar tarixiy hamda madaniy hodisalarga tarixiy va madaniy jihatdan to‘g‘ri baho berishda hamkorlik qilib kelmoqdalar[2].

XIX asr ikkinchi yarimida kolonial mamlakatlarda ma‘muriyat va mahalliy aholi o‘rtasidagi aloqalar yangicha ruhda rivojlanib bordi. Quldorlikka qarshi yurishlar ijtimoiy hayotda yangi to‘lqinlarni yuzaga kelishiga sabab bo‘la boshladi.

1830-yillarda Britaniya va Fransiya mustamlakachiligida quldorlik bekor qilindi. XIX asr mafkurasi bilan bir davrda shakllangan irqchilik ham yuqoridagi jarayonlarda o‘zining asl mohiyatini yoqota boshladi. XX asrda bu jarayonlar yanada jadallashdi. Tarixchilar bu kabi o‘zgarishning ham kichik ham yirik ko‘rinishlarini o‘rgana boshlaganlar. Shu o‘rinda insoniyatning ijtimoiy va madaniy hayoti borasidagi fikrlari bir jamoa yoki bir jamiyat turigagina asoslanib o‘rganilishi yoki xulosa qilinishi noto‘g‘ri ekanligi ta’kidlandi[3].

Avvalgi totalitar tuzum davrida tarixiy antropologiya fani asosan Yevropa va AQSH hududlarida paydo bo‘lib rivojlanganligi uchun bu fan targ‘ib qilgan g‘oyalar bizda tanqid qilindi. Bu fanni o‘rganish usullari, ular olgan xulosalar “biz uchun mutlaqo yot g‘oya, noto‘g‘ri talqin, noto‘g‘ri xulosa” deb tushuntirildi, ularning o‘rganish usullari ham e’tirof etilmadi. Ularda tarixiy antropologiya fani tarixni o‘rganishning juda ko‘plab usullarini qo‘llagan bir paytda O‘zbekiston hududida hamon tarixni tushunish, o‘rganishning markscha usullari hukmronlik qilgan davr edi. Shu bois tarixiy antropologiya fani hozirgi mustaqillik sharofati tufayli O‘zbekiston hududiga yangicha talqinda kirib keldi.

Ushbu fanning vujudga kelishida tarixiy bilimlarni yangilash, tarixni faqat siyosiy va harbiy mazmundagi ma’lumotlar bilan yozmaslik, tarixni o‘rganishda iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy turmushdagi voqeiliklarni o‘rganish, tanqidiy yondoshuvni ko‘proq qo‘llash Mark Blok va Lyusen Fevrlar asosiy maqsadlari ekanligini tushunish mumkin [4]. Buning asosiy sababi etib an’anaviy tarix XIX asrning oxiri – XX asrning boshlarida jamiyat uning oldiga qo‘ygan muammolarga javob bera olmay qolganligida deb

ko'rsatilgan [5]. Bu esa tarixiy antropologiyaning vujudga kelishining asosiy sabablaridan biri bo'ldi. Aniq va tabiiy fanlar taraqqiy etayotgan bir paytda, tarix fani an'anaviy ravishda davlatlar tarixi, yirik urushlar, davlat, siyosat, jamiyat arboblari tarixini o'rgangan holda tarixiy jarayonlardagi mayda, kichik detallar va voqeiklarga, aholining iqtisodiy va ijtimoiy hayoti to'g'risida deyarli e'tibor qaratmasdan qolgan edi. Tarixiy antropologiya evolyutsionizm g'oyalari asosida insoniyatning ibtidoiy hayoti va madaniyatini o'rganish bo'yicha ancha ishlar qilingan edi.

XX asrning birinchi yarimida antropologiya namoyondalari hikoya qilinadigan tarixdan muammoli va munozarali tarixga, yozishdan tushuntirishga o'tishni maqsad qilib qo'ygan edilar. Dastlabki davrlarda tarixiy antropologiyada quyidagi masalalarga e'tibor qaratildi:

- tarixda kichik voqeilikka tanqidiy yondashish
- tarixiy xulosalar berishda har bir davr odamlarning psixologik o'ziga xosligini inobatga olish, buning uchun umumiylikdan qochish va xususiylikka e'tibor qaratish;
- insonning dunyoqarashi va fikrlashining tarixiy jarayonlarda o'zgarishi mumkinligini o'rganish;
- insonni vaqt oralig'ida o'rganilishi tarixda aniq faktlarni berishini, ya'ni tarixni bayon etishda siyosiy va harbiy voqialar uzoq davrlarni qamrab olishi bilan xarakterlanishi, oqibatda xalqning ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy hayotidagi kichik davrlar o'rganilmasdan kelinganligi tanqid ostiga olina boshlangan [6].

Birgina Mark Blok izlanishlarida yuqoridagi jihatlarga alohida e'tibor qaratiladi. M. Blok insonni vaqt oralig'ida o'rganilishini fanga ilk bora kiritgan shaxs hisoblanadi [7].

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash kerakki, G'arb tarixnavisligi tahlili shuni ko'rsatadiki, yangi konsepsiya va oqimlari doirasida faoliyat olib borgan tadqiqotchilar ishlarida aniqlangan yangiliklar va chop etilgan maqolalar tarixiy antropologiyaga mos ekanligini ko'rsatadi. So'ngi o'n yilliklarda tarixiy antropologiya faniga qiziqish butun

dunyoda bo'lgani kabi O'zbekistonda ham keng yoyilib bormoqda. Etnologiyada olib borilayotgan tadqiqotlarning aksariyati etnografik dala tadqiqotlari asosida yaqin o'tmish tarixini yoritishga qaratilganligi sir emas. O'zbek davlatchilik tarixida muhim o'rin olgan yozma manbalar asosan siyosiy, harbiy tarixga oid qarashlarni asoslashga xizmat qilib kelgan. Lekin, bu manbalardagi ijtimoiy munosabatlar, ma'naviy hayot masalalarining ilmiy tahlili qolib ketmoqda. O'ylaymizki, tarixiy manbalarni etno-tarixiy o'rganishda tarixiy antropologiya fani ilgari surayotgan g'oyalar, uslubiy yondoshuvlar yangicha tadqiqotlarni olib borish imkoniyatini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1. Алексеев В.П. Историческая антропология и этногенез. – М.: Наука, 1989. 448 с.
2. Kottak C.Ph. Anthropology: the exploration of human diversity. 12 th ed. – New York: Mc.Graw-Hill Inc., 2008. – P 7.
3. Barnard A. History and Theory in Anthropology. Cambridge University Press. 2004. – P.4
4. Марк Блок и «Апология Истории». Биография ученого — в его идеях, открытиях, книгах ... Марк Блок и «Апология истории». 234 страницы
5. Кром. М.М. Историческая антропология. Пособие к лекционному курсу. 1-е изд. СП б: 2000; 2-е изд. СП б-2004; 3-е изд. – СП б 2010.
6. Жак Ле Гофф Средневековье и деньги. Очерк исторической антропологии 2010 г. Пер. с франц. М. Ю. Некрасова. – Санкт Перербург. Евразия. 2010г. 224 с.
7. Марк Блок. Апология истории, или Ремесло историка. Перевод Е.М. Лысенко. – М.: Издательство «Наука», 1973. – 234 с.

CONSIDERATIONS ABOUT HISTORICAL ANTHROPOLOGY AND ITS PLACE IN ETHNOHISTORICAL RESEARCH

Abstract

This article discusses the emergence of new trends in historical research, the avoidance of political history, and the practical importance of historical anthropology in the study of ethnocultural processes. Recommendations are also given regarding historical anthropology research in Uzbekistan.

Keywords: anthropology, historical anthropology, new history, School of Annals, Microhistory, determinism, evolutionism

СООБРАЖЕНИЯ ОБ ИСТОРИЧЕСКОЙ АНТРОПОЛОГИИ И ЕЕ МЕСТО В ЭТНОИСТОРИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ

Аннотация

В данной статье рассматривается возникновение новых направлений в исторических исследованиях, уход от политической истории, а также практическое значение исторической антропологии в изучении этнокультурных процессов. Также были даны рекомендации относительно исследований в области исторической антропологии в Узбекистане.

Ключевые слова: антропология, историческая антропология, новая история, школа Аннолов, микроистория, детерминизм, эволюционизм

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13847937>



Oybek Klichev

tarix fanlari doktori (DSc)

Buxoro davlat universiteti.

e-mail: klichev_oybek@mail.ru

ELCHILIK DASTURXONI VA DIPLOMATIK ETIKET (XIX ASRNING IKKINCHI YARMI – XX ASR BOSHLARI)

Annotatsiya. Mazkur izlanishimiz Buxoro amirligida elchilik qabullari dasturining ajralmas qismi hisoblangan elchilik ta'minoti masalasiga bag'ishlanadi. XIX asrning ikkinchi yarmiga doir elchilar xotiralariga tayanib, amirlikda elchilarni kutib olish, ular sharafiga dasturxon tuzatish bilan bog'liq masalalarda ayrim o'zgarish va yangilanishlar sodir bo'lganini ta'kidlash joiz. Ushbu masalaning ba'zi jihatlari ushbu maqolada o'z aksini topgan.

XIX asrning ikkinchi yarmidagi murakkab siyosiy jarayonlar natijasida amirlikning tashqi diplomatik munosabatlari Rossiya imperiyasi diqqat e'tiborida edi. Tahlillar, rasman elchi yoki missiya maqomida amirlikka tashrif buyurgan Rossiya imperiyasi amaldorlari xotira va hisobotlarida amirlikda elchilik qabullari va diplomatik etiket xususida birlamchi ma'lumotlar bayon etganligini ko'rsatadi.

Xususan, Buxoroga kelgan elchilar o'z "Xotiralar"ida mahalliy an'ana va udumlar to'g'risida ham muhim ma'lumotlarni yozib qoldirganlar. Amirlikda rioya etilgan an'ana va

tartiblar elchilarning e'tirofiga, ayrimlari esa e'tirozlarga sabab bo'lgan. O'rganishlarimiz davomida elchilarning poytaxt Buxoroga kirib kelganidan boshlab ularning qabullari tizimli o'tkazilishi belgilanganligini tasdiqlaydi.

Amirlikda elchilik qabuli dasturi doirasida bir nechta udumlar amal qilinganligini ta'kidlash joiz. Ulardan biri *“Chang bosan”* (“Chang bosgan”) udumi hisoblanadi. Bu udum elchilarni uzoq masofani bosib o'tib, sog'-salomat ko'zlangan manzilga etib kelganliklari munosabati bilan amalga oshirilgan. Udumga binoan, ular uchun 95 xildagi sharbat, meva va noz-ne'matlar tortilgan, ipak matolar hamda ot sovg'a qilingan.

Buxoro amirligi hududiga tashrif buyurgan elchilarning oziq-ovqat ta'minoti muhim ahamiyatga ega bo'lgan. Elchilarga hudud bekliliklari yoxud amirlik poytaxtida joylashgan uylarda doimo sharqona noz-ne'matlar hamda evropacha usulda tayyorlangan dasturxon hozirlangan. Uzoq yo'ldan etib kelgan elchilar uchun dasturxon tayyorlash hamda unda sharq va g'arb mamlakatlarida iste'mol qilinadigan mahsulotlarni qo'yish mezbonlarning mehmonlarga bo'lgan munosabatini bildirgan. Turli xildagi sharqona holva va shirinliklar hamda choy iste'moli mehmonlarning charchog'ini chiqarishga ko'maklashgan. Ba'zi hollarda amir qabuliga tashrif buyurgan mehmonlarga rasmiy qabuldan oldin va qabul yakunida shirinlik va noz-ne'matlardan tatib ko'rish taklif etilgan [*Игнатъев Н. – С.223.*]. Bu ham o'z navbatida muhim masalalarni ikkala tomon ijobiy va ko'tarinki kayfiyatda hal etishini osonlashtirishga xizmat qilgan.

Amirlik hududida kutib olingan elchilarning ovqatlanishi bekliliklar va bevosita amir amaldori xonadonida amalga oshirilar edi. Elchilik vakillari uchun tayyorlangan dasturxon xususida A.V.Nechayev quyidagilarni yozadi:

“Mehmon maxsus bek hovlisida qabul qilingan. Dasturxonga dastlab Rossiya shirinlik fabrikalari va mahalliy oshpazlar tomonidan tayyorlangan qizil, sariq va oq holvalar, pechenye kabi shirinliklar qo'yilgan. Dasturxonga tortilgan barcha narsalardan tatib ko'rish kerak. Mezbon, ya'ni bek mehmonlardan barcha narsalarni iste'mol qilishni

so‘raydi. Birinchi ovqat sifatida dastlab qovurdoq – kichik qo‘y go‘shti, non va kartoshka aralashmasi, ikkinchisiga pomidor aralashirilgan tovuq sho‘rva, uchinchisiga chuchvara, to‘rtinchisiga osh, oxirida qovun, uzum va shirinliklar tortilgan” [Нечаев А.В. – С.62.]. Sharq xalqlari ovqatlari orasida osh amirlikda asosan peshovar guruchidan tayyorlangan.

XIX asrning birinchi yarmiga qadar amirlik hukumati vakillari barcha mehmonlarni erga to‘shalgan dasturxonida kutib olishgan. Buni Solovyev xotiralaridagi ma‘lumotlar ham isbotlaydi: *“Qabuldan so‘ng biz uyga qaytdik. Bu erda bizga dasturxon hozirlangan ekan. Ammo tantanalar uchun mo‘ljallab kiyingan kishiga gilam ustida to‘shalgan dasturxon oldida oyoqlarni chordona qilib o‘tirish noqulaylik tug‘diradi. Sal vaqt o‘tib ipak choponlar kiygan saroy xizmatkorlari xonaga kirib kelishdi. Ularning biri mis laganlarda qovun, uzum, shaftoli, non, suv va muz, birlari esa choy va piyolalar olib kelishdi. Shunda elchilik a‘zolarining har biriga bir boshdan qand ham taqdim etildi”* [Соловьев М.М. – С.67.]. Ammo, keyingi davrlarda amirlikka tashrif buyurgan missiya vakillari asarlarining tahlilidan, keyinchalik, amirlik hukumati ham elchilar uchun qulaylik yaratish maqsadida mehmondorchilik dasturxonini stolda tayyorlashni ma‘qul ko‘rganligini bilish mumkin.

Amirlik hukumati vakillari yo‘l davomida elchilarning dam olishlari uchun maxsus kigizlar tayyorlaganlar. Elchilik vakillarining yo‘l davomidagi nonushta dasturxoniga dastlab kunjutli va pistali holva, undan keyin idishlarda sho‘rva, piyoz bilan qovurilgan qo‘y go‘shti va non bo‘laklari hamda shirguruch, oxirida choy tortilgan [Крестовский В.В. – С.93.]. Garchi ushbu dasturxon alohida ajratilgan uy yoki xonada to‘shalmagan bo‘lsa-da, unda qoshiq, sanchqilar kabi ovqatlanishda ishlatiladigan buyumlar mavjud edi. Sharq mamlakatlarida dasturxon boshida sekinlik bilan ovqatlanish qadrlangan. Tez ovqatlanish baland ovozda so‘zlash bilan baholanganligi xususida kelgan mehmonlar xabardor bo‘lishgan va ushbu tamoyilga rioya qilishga intilishganligi xususida esdaliklarda alohida qaydlar mavjud.

Amirlik ma'murlari elchilik dasturxonini bezatishda oshxona jihozlariga alohida e'tibor qaratgan. Jumladan, N.A.Mayev ushbu manzarani quyidagicha tasvirlaydi: *“Biz uchun tayyorlangan rangli matodagi dasturxon erda emas, balki stol ustiga to'shalgan edi. Uning atrofida stullar joylashtirilgan. Shunda choy shisha idishlarda tortildi. Har birimizning oldimizga: farfor tarelka, sanchqi va qoshiq qo'yilgan edi. Suhbat chog'ida bek amir unga doimo rus elchilarini qabul qilishni ishonib topshirishini bildirdi”*[Маев Н.А.–С.14-15.]. N.A.Mayev tasvirlagan dasturxon Shaxrisabz begi Abduljalilbek ko'rsatmasi asosida tayyorlangan edi. Bu amirlik beklari elchi va mehmonlarni kutib olish tajribasiga ega ekanligidan dalolat beradi.

Davriy matbuot xabarlarida orasida amir qabuliga tashrif buyurgan mehmonlar nonushtadan oldin amir va to'rajon muhr(faksimile)lari tushirilgan ovqatlar ro'yxati(menyu)ni olganliklari xususida ma'lumotlar mavjud[6]. Taomnoma ro'yxatining tarqatilishi amirlikdagi diplomatik qabul jarayonlari evropacha uslubda kechganligini anglatadi.

Amirlik hukumati vakillarining evropacha uslubda hozirlangan dasturxonini I.L.Yarovskiy e'tiboridan ham chetda qolmagan. U o'z xotiralarida shunday yozadi:

“Albatta, dasturxonga qo'yilgan noz-ne'matlarning miqdori va xili meni hayratlantirmadi, chunki men buxorocho mehmondo'stlikdan xabardor edim. Hayratlantirgan tomoni shundaki, dasturxon evropacha uslubda bezatilgan. Unda to'shama dasturxon (skatert), oshxona jihozlari, rus buyumlaridan qoshiq va sanchqilar deysizmi, rus farforidan tayyorlangan idishlar ham bor edi. Bundan tashqari nonushtaga tashrif buyurgan buxorolik amaldorlarning bu kabi oshxona jihozlarini mohirona ishlatishlari mening hayratimni oshirdi” [И.Л.Яровскаго– С.37.].

Bu kabi ma'lumotlar amirlik hukumati vakillari bir tomondan, elchilarni mehmondo'stlik va sharqona noz-ne'matlariga boy dasturxon bilan kutib olganligini

ko'rsatsa, ikkinchi tomondan, amirlikdagi an'anaviy mehmon kutish tartibida transformatsiya jarayonlari sodir bo'lganligini anglatadi.

Foydalanilgan adabiyot va manbalar ro'yxati

1. Игнатъев Н. Миссия в Хиву и Бухару в 1858 году. – Санкт-Петербург: Государственная типография, 1897. – 280 с.
2. Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского. – Санкт-Петербург: Издание А.С. Суворина, 1887. – 156 с.
3. Маев Н.А. Очерки Бухарского ханства. – Ташкент, 1875. – 82 с.
4. Нечаев А.В. По горной Бухаре (путевые очерки). – Санкт-Петербург: Типография М.М.Стасюлевича, 1914. – 108 с.
5. Новая Бухара // Туркестанские ведомости. 1908 год 28 ноябрь, – №256.
6. Путешествие Русского посольства по Авганистану и Бухарскому ханству в 1878-1879 гг (из дневника члена посольства Д-ра И.Л.Яровского) в двух томах. – Санкт-Петербург.Типография д-ра М.А.Хана, – Т.1. 1882. – 384 с.
7. Соловьев М.М. Экспедиция в Бухару в 1841-1842 гг. при участии натуралиста А.Лемана. – Москва-Ленинград.: Издательство АН СССР, 1936. – 210 с.



<https://doi.org/10.5281/zenodo.13847705>

Очил Бўриев

Қарши давлат университети
профессори, тарих фанлари номзоди



Фахриддин Самаров

Қарши давлат университети
тадқиқотчиси

ЎЗБЕКЛАРДА НОН БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАДРИЯТЛАР (ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ МИСОЛИДА)

Кундалик дастурхонимиз безаги ва табаррук неъмат ҳисобланган нонга бўлган муносабат қадимдан буюк аждодларимиздан қолган эзгу қадрият сифатида ҳозиргача ардоқланади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қайд этилганидек: “Нон (ф.) – нон, озик-овқат. 1. Хамирдан тайёрланиб, тандир ўчоқ, това ва шу кабиларда пишириладиган егулик, буғдой нон, зоғора нон, ширмой нон, булка нон. 2. Умуман,

егулик – ичгулик, яшаш, тирикчилик учун зарур нарса[1.57]. Ва ушбу луғатда яна шундай сўзларга ҳам таъриф берилган: “Новвой (нонвой) (ф.-т.) - нон пиширувчи ва сотувчи. Нон ёпиш, пишириш, сотиш билан шуғулланувчи шахс; новвой-нон ёпиш касби, нон ёпиш билан шуғулланувчи; новвойхона - нон ёпиладиган, пишириладиган жой” [2.46].

Халқимиз ўртасида “нон гадойи”, “нон синдириш” (нон ушатиш), “нони бутун”, “нони яримта”, нон емас, “нонни туя қилмоқ”, “нондон” (нон товоқ), “нонкўр” (яхшиликка ёмонлик), “нон-намаки”, “нон-насиба”, “нон-тепки”, “нон топар”, “нонушта”, “нонхўр”, “нонхўрак”, “нон-қатик” (ош-қатик) каби иборалар ҳам кенг тарқалган [3.57-58].

Шунингдек, “Маънолар махзани” китобида ҳам нон билан боғлиқ иборалар мавжуд: “Бели оғримаганнинг нон ейишига қара”, “Нон-асли дон”, “Нон ҳам нон, ушоғи ҳам нон”, “Нон боласи - нон ушоқ”, “Нон пишгунча кулча(тўқоч) куяди. ”, “Нон тикилса сувга бор, сув тикилса гўрга бор”, “Нон чайналмагунча ютилмас”, “Нон кўрга берган эсиз ошим, бевафога тўккан эсиз ёшим”, “Нонни катта тишласанг ҳам, гапни катта гапирма”, “Улуғ сўзлама, улуғ парча нон ерсан”, “Нонни икки кунлигини е, гўштнинг - бир кунлигини”, “Нон емаснинг ишини кўр”[4.234-235].

Энг олий меҳмондўстлик ва муқаддаслик рамзи кундалик дастурхонимиз безаги ва табаррук неъмат ҳисобланган нонга бўлган муносабат қадимдан аждоқларимиздан қолган эзгу қадрият сифатида ҳозиргача эъзозланиб келинмоқда. Аждоқларимиз буғдойни тоғ олди ҳудудларда лалми усулида етиштиришган бўлсалар, дарё бўйларида ва унга туташ водийларда эса суғорма усулида парвариш қилишган. Барча даврларда ҳам дон ва донли маҳсулотлардан нон ва турли таомлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этган. Ярим ўтроқ чорвадор аҳоли ун ва ёрмаларни ёрғучоқларда тортишган бўлишса, ўтроқ аҳоли эса сув ҳамда ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтириладиган тегирмонлардан фойдаланганлар.

Ўзбек халқи энг табаррук деб эъзозлаган нон билан боғлиқ қадриятлар бўйича маълумотлар этнографик ва илмий-оммабоп асарларда ҳам учрайди [5.271]. Шунингдек, Шаниязов К, Исмаилов Х. “Этнографические очерки материальной культуры узбеков конца XIX-начале XX в.”, М.Б. Курбонова “Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларининг анъанавий таомлари” (XIX аср охири - XX аср бошлари. Номз. дисс... Т., 1994; А.Аширов. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. М. Файзуллаева. Ўзбек таомлари билан боғлиқ анъаналар (Сурхон воҳаси мисолида). – Т., 2010; Шу муаллиф. Ўзбек тановул маданияти. Монография. –Т., 2022; К. Маҳмудов. Нон ризқ-рўзимиз. Г.Маҳкамов ва бошқ. Ўзбек нонлари. О. Худойшукуров ва бошқ. Ўзбек миллий таомлари. -Т., 1995; О. Бўриев. Нон билан боғлиқ эътиқодлар қадимий манбаларда. “Турон тарихи”, 2017; 2-3 сонлар 54-57 бетлар; Шу муаллиф. Нон муқаддас ва табаррук неъмат. “Бойсун баҳори” миллий маданиятимиз дурдонаси, -Термиз, “Сурхон-ношр”, 2017, 37-39 бетлар; Шу муаллиф. Муқаддам манбаларда ноннинг эъзозланиши. ҚарДу хабарлари. -2022, 4/2, 4-8 бетлар.) каби асарларида ҳам нон боғлиқ бўлган қимматли маълумотларни учратиш мумкин бўлади.

Кексаларимиз кичикларга доимо “Нонни оёқости қилма, нонни босган хору зор, кўр бўлади”, деб таъкидлашади. Нонни тескари қўймаслик, чап томондан тишламаслик, чап қўл билан тескари узатмаслик, узоқ сафарга кетаётганда нон тишлатиш, келин ва куёвларга нон, туз тутиш, узоқ сафарда нон олиб юриш, ёмон туш кўрганларга, инсу жинслар зиён етказмасин, деб чақалоқ ёстиғи остига нон қўйиш, қорни оғриганни нон билан силаш каби ирим-сиримлар қадимдан сақланмоқда [6.10-11].

Тилшунос олим Н.Мирзаевнинг ёзишича, Қашқадарё воҳасида нон билан боғлиқ қуйидаги урф-одат ва тушунчалар учрайди: “нондон”-нонни сақлаш учун тайёрланган уй-рўзғор буюми бўлиб, шолдан тўқилган ва “нон қоп” деб ҳам

юритилган. “Нон ёпти”-(нон ёпар) - тўйдан бир неча кун илгари зиёфат учун нон тайёрлаш. Бу маросимда, асосан аёллар қатнашиб, тўйда ишлатиладиган нон миқдори келишиб олинади. Нон тўйхонада ёки яқин қўни-қўшниларнинг уйларида тайёрланган. “Нон кетти” (Китоб), “нон тишлади” (Яккабоғ)-болани бешикка белашда онасига нон тишлатиш. Бу одатга кўра, онага бир бутун нон тишлатилади. Бу нон теварак атрофдаги гўдакларга берилиб, улар ўша нонни ўзаро таллашиб ейишади; “нон синдириш” (Косон, Бешкент), “нон шиконан” – йигит ва қизни ўзаро унаштирилганликнинг нишонаси сифатида тўртта ёки олти нонни синдириб, даврадошларига улашиб бериш. Бу маросимда йигит ва қиз томондан тайёрланган нону патирлар, дастурхондаги бошқа ширинликлар маросим қатнашчилари томонидан бўлиб олинади; “нон тишлатди” - узоқ сафарга ёки аскарликка жўнаш олтидан йигитга бутун нонни бир тишлатиб олинган. Нонни қолган қисми йигит қайтгунга қадар хона деворига осиб турган: “нону шарват” (Косон)-хатна тўйга келган меҳмонларга берилладиган чой ва бошқа ширинликлар.

Шунингдек, воҳа аҳолиси ўртасида “нон халта”, “нон сандиқ”, “нонни увол қилиш”, “бир тишлам нон”, “нон урган нонкўр” каби иборалар ҳам учрайди. Ва “Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр”, “Бутун нон балойи жон-яримта нон роҳати жон”, “Уйингда ҳеч нарсанг бўлмаса ҳам бир бурда ноннинг бўлсин”, “Арпа-буғдой ош, метин-кумуш тош” каби калималар ҳам мавжуд. Воҳа аҳолиси маросимларида ҳам нонуштада, “кулча синдирди”, “нон ёпиш”, “нон кетти”, “нон тишлади”, “нону шарват”, “нон ишканон” каби расм-русумлар ҳам сақланган [7.58-59].

Ғалла маҳсулотлари буғдой, арпа, маккажўхори ва оқ жўхори тортилиб, ун тайёрланади. Нон товада, тандирда ва газ печда пиширилади. Нонни тайёрлаш технологиясига қараб оби, нон, гижда патир, ширмойи (ширмон), лочира кабиларга бўлинади.

Республикамизнинг турли ҳудудларида нон қуйидагича номланади: Тошкент шаҳрида ўзига хос обинон, жайдари нон, седанали нон, Тошкент патири, юлдузча патир, гижда патир, гўштли нон, ёғли патир, жиззали патир, пиёзли патир, кабилар ёпилади. Шунингдек, Чирчиқ водийсида оби нон, ёнғоқ майизли нон, лочира нон, хоразмликларнинг саватли нонлари, патирлари, гўштли нон, чурраги, қорақалпоқларнинг нонлари ўзига хос шакл ва таъмга эгадир.

Фарғона водийсида - оби (сувли), оби жимжима, уй нон, кулча нон, жиззали нон, гўштли нон, ёғли нон, чап-чап нон, гижда нон, оддий патир, ёғли патир, кашқар патир, ёғсиз патир, қатлама патир, тўй патири, лўла патир, қўшалок ширмой, пайванд, оби хол олча гули, ширмой кулча, ширмон патир, кунгирали ширмой, кунжутли бозор нони, седанали бозор нони, байрам безакли нон.

Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё воҳасидаги нонлар: оби, яққаро тахсаки нони заргарон, хиндуги, фатири кашқари, ширмолиду жуфт тафтон, тафтури дубез, нони тароқи, осий пўлодий, жеззалиник, кулчайи равганин, оби жимжима, турфон, нони ҳаман, қўлободи, забони гов, сохта ширмол, ширмоли седана пайванд, ширмоли оби холи олчагули, нони саланг, лаваш, чуррак, давра, совғатин нақшин, уй нонни қўшалок барака кулча, куёв ширмойи нон, паркун нон, кунжутли оби нон, седанали оби нон, кунжутли патир нон ва бошқалар[8.386].

Нонсиз инсон ҳаётини асло тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳар қандай таом қанчалик мазали бўлмасин 2-3 кунда инсон меъдасига тегиши мумкин. Лекин нон одам меъдасига асло тегмаслиги билан алоҳида ажралиб турадиган илоҳий неъматдир. Шу боисдан ҳам нон ризқ-рўз манбаи сифатда халқимизда ғоятда қадрланиб, у билан боғлиқ турфа эзгу удумлар, расм-русумлар ва таомиллар мавжуд.

Қашқадарё воҳаси ўзбеклари маросимий таомларининг энг муҳим компонентларидан бири нон ҳисобланган. Нон қадимдан инсонлар учун асосий озиқ-

овқат маҳсулоти бўлганлиги учун, айниқса Марказий Осиёнинг аҳолисида қадимдан ўзига хос эъзозлаш анъаналари шаклланган. Воҳа ўзбекларида ўтказиладиган тақвимий байрамлар, сайиллар ва оилавий маросимларда аксарият ҳолларда нон билан боғлиқ қатор урф-одат ва расм-русумлар амалга оширилган. Масалан, Фарғона водийси қипчоқларида келинни куёвниқига кузатишда унинг бошига нон қўйиб, локи боғлаш одати маросими мавжуд бўлган [9.204]. Хоразмда нон бўлаклари тумор қилиб тақилган ва нон учун хамир тайёрлаб қўйилган. Тандир олдида жин парилар яқинлашмайди, деб қаралган [10.225].

Халқимиз тасавурича, нон бор жойга турли инсу жинслар яқинлашмайди. Шу боис ёмон кўздан, ёвуз кучлардан асровчи, восита сифатида, чақалоқ ёки хатна қилинган гўдакнинг ёстиғи остига нон ҳам қўйилган. Хоразмда нон ёпиш учун қурилган янги тандирни қиздириш учун дастлаб сигирнинг тезаги ёқилган, чунки, сигир тезаги ёқилса ушбу уйда нон анча мўл, тўкинчилик бўлади, деган қарашлар мавжуд эди [11.31]. Фарғона водийси қипчоқларда ётоқхонада нонни еб бўлмайди. Агар бу жойда нон ейилса, киши ёмон туш кўриб, алахсираши мумкин, деб ҳисоблашган [12.215].

Кўринадикки, нон ўзбеклар орасида энг тансиқ ва калорияли егулик тарзида ҳамда энг муқаддас илоҳий неъмат сифатида эъзозланган. Аҳоли орасида нон турли бало қазоларни, ёмон кўзларни олдини олувчи магик қудратга эга дейилган ва бу билан боғлиқ расм-русумлар бажарилган. Қашқадарё воҳасида кенг тарқалган одатга кўра, қизнинг ота онасидан розилик олинган, йигит томон бир неча кундан сўнг, кўпинча совчиларнинг учинчи келишларда алоҳида дастурхон ва совға саломлар қилиб келадилар.

Дастурхон атрофида ҳар икки томон тўйни маслаҳатлашадилар. Сўнгра даврадагилар орасидан кекса, ували-жували, серфарзанд, бир никоҳли киши йигит ва қиз тақдирини мустаҳкам боғланиши ҳақида дуойи фотиҳа ўқиб, қўлига қиз

томондан дастурхонга қўйилган ва йигит томонидан олиб келинган нонлардан биттадан олиб жуфт қилади ва нонларни юз тарафига қаратиб, тенг қилиб синдиради. Ушбу удум “нон синдириш” деб номланади.

Қарияларнинг таъкидлашича, нон тирикчиликнинг энг буюк неъматини ҳисобланади. Унаштирилаётган ёшларнинг нондек азиз бўлиб, ўз қадр-қимматларини йўқотмасин, деган эзгу ниятни ушбу “нон синдириш” удумида ҳам кўриш мумкин. Нонни жуфт синдиришда эса келин куёвнинг ували жували бўлиши ҳақидаги орзу истаклар мужассамдир. Мазкур удумда серпуштлик ғояси ҳам мужассамдир. Рус олими Р.Я.Штернберг эса “нон синдириш” удумини афсунгарлик кўринишлари билан боғлайди [13.123]. Ушбу удум ҳар икки томон ўртасидаги қариндошлик ришталари боғланганлик рамзи ҳисобланган.

Кексаларимиз кичикларга доимо “Нонни оёқости қилма, нонни босган хору зор, кўр бўлади”, деб таъкидлашади. Нонни тескари қўймаслик, чап томондан тишламаслик, чап қўл билан тескари узатмаслик, узоқ сафарга кетаётганда нон тишлатиш, келин ва куёвларга нон, туз тутиш, узоқ сафарда нон олиб юриш, ёмон туш кўрганларга, инсу жинслар зиён етказмасин, деб чақалоқ ёстиғи остига нон қўйиш, қорни оғриганни нон билан силаш каби ирим-сиримлар қадимдан сақланмоқда [14.10-11].

Таниқли этнолог А.Ашировнинг ёзишича, Наманган вилояти Косонсой тумани аҳолиси орасида оилада бирон бир нотинчлик содир бўлса Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳаққига деб етти дона кулча пиширилади ва девоналарга садақа қилиб берилади. Чунки Ҳазрат Баҳоуддин 7 рақамини табаррук ҳисоблаган. Ўзлари ҳам еттинчи ойда таваллуд топиб, етти ёшида Қуронни ёдлаган ва етмиш ёшида вафот этган[15.216]. Манбаларга кўра, Шайх Мир Саййид Кулол Баҳовуддин 7 ёшли Темурбекка ҳам етти иқлимга эга бўлгин, деб яхши ният билан етти дона кулча ҳамда майизлар берган.

Қашқадарё воҳасининг баъзи ҳудудларда тушликни “нон хўрак” ҳам дейишади. Баъзан меҳмонга “Чой ичиб кетинг” дейиш ўрнига “Нон еб кетинг”, деб ҳам манзират қилишади. Меҳмоннинг имкони бўлмаса дарвоза олдида дастурхон чиқарилиб, меҳмон дастурхондан бир бурда нон олиб еган ва ўз йўлига равона бўлган. Воҳа аҳолиси ўртасида нонни эъзозлаш билан қатор расм-русумлар ҳам мавжуд. Масалан, дастурхондаги нонни даврадаги ували-жували ёки кекса киши тўғрайди ва тановулни ўзи бошлаб беради. Ҳар бир киши ўзининг олдидаги синдирилган нон бўлаги(тўғрами)ни олади.

Дастлаб тўғралган нон ейилгач, етишмаса яна синдирилади. Ерга тушган нон бурдаси ёки ушоғи кўзга суртилиб, тоза жойга қўйилади. Ичбуруғ ва бошқа санчиқлар турганга бемор нон бурдаси билан силаниб, сўнгра нон итларга берилади. Суннат қилинаётган ўғил бола оғзига ҳам нон тишлатилади. Кишилар бир бирларини ҳурмат қилишиб, “Нондек азиз бўлинг!” деб, эзгу тилаклар билдиришади.

Кексалар ёшларга дастурхон атрофида доимо одоб сақлаб, бош кийим кийиб, тўғри ўтиришни, кўп гаплашмасликни, нонни тез емаслик ва роса чайнаб, охиригача тановул қилишини ўргатиб боришган. Одатда тишланган нон ризқи дастурхонда қолади, деб охиригача истеъмол қилинган. Рўзғорда барака бўлсин, деб супрада доимо хамиртуруш ва дастурхонда нон сақланган. Эркак кишилар сафарда хуржунига ёки белбоғига доимо нон олиб юришган. Меҳмондорчиликка ҳам жуфт нон олиб борилган. Воҳада зикна, ишёқмас, данкаса, бирор ишни удалай олмайдиган кишиларни “Нон емас” дейишади. Воҳа ўзбек қўнғиротларининг ҳам “Нон жемас” шаҳобчаси ҳам мавжуд. Меҳнаткаш инсонни “Нони бутун”, ризқидан масуво бўлганларни “Нони яримта” дейилади.

Ўзбекларда бурунги даврда буғдой ўрими сўнгида охириги буғдой тутамини олиб кетишган, бу “она буғдой” деб аталган. “Она буғдой” илк баҳоргача сақланган.

Ерга дон уруғи сепиладиган куни “она буғдой” бошқа уруғлик донларга кўшиб юборилган. Бир қисми эса пишириладиган нон ёки патирга кўшиб, атрофдагиларга бир тўғрамдан улашилган.

Даврадагилар нон, патирни тановул қилар эканлар, “Бу йил ҳам ҳосил мўл бўлсин, “она буғдой” ўзи қўлласин, Бободекон ҳам мадаккор бўлсин!”, деб дуо қилишган. Сўнгра эса уруғлик дони сепилган. Она буғдой унидан нон патир ёпиш ва уни ейиш, уруғликка аралаштириб сепиш каби расм русумлар кишиларнинг магик қарашларга алоқадордир. Дарҳақиқат, табаррук нондан тановул қилиш орқали бу йилги ҳосилдан ҳам мана шу тарзда нон ейлик, деган эзгу ният ётади [16.54-56].

Қашқадарё воҳаси кўйчивонлари одатича, сурувларда чўпон нон бериб қўлга ўргатган кўй “нончи кўй” деб аталган. Чўпон кечаси сурув атрофида ухлаганда нончи кўйни ўз қўли ёки кўпинча оёғига чилвир ип (“чипчирға”) билан боғлаб ётган. Агар сурув кўзгалса нончи кўй ҳам ипни тортиб, чўпонни албатта уйғотган.

Шунингдек, нон инсу жинсларни, зиён захматларни даф этишнинг ҳам воситаси ҳисобланган. Юқорида таъкидлаганимиздек, бешикдаги гўдак бошига нон кўйилган, оғриқ турса ҳам бир бурда нон билан силаниб, итга ташланган.

Қашқадарё воҳасида “Ноннинг ушоғи ҳам нон” деган одатга риоя қилинади. Дастурхонга нон тўғрамлари тўғри, унғариб жуфт ҳолда кўйилади, чап кўйилмайди. Гудакларга ерга тушган нон ушоғини олиб кўзга суртиб четга кўйиш ўргатилади. Дастурхон четга тоза жойга қоқилади.

Удумга кўра, хонадонда нон ёпилса кўшниларга чиқарилган. Йўловчига манзират қилиб нон берилган. Нонга кўйиб кичкинтойлар учун кулчалар ҳам қилинган. Узоқ сафарга отланаётганларга ҳам кулча нон пишириб берилган.

Нақл қилишларича, кунлардан бир куни буюк аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек аркони давлати билан йўлда кетаётиб, нигоҳи ногоҳон ерда ётган бир нонга

тушган. Ул зот ўша заҳоти отидан тушиб нонни олган ва юз кўзига суртиб қўйнига солган. Ҳайрон бўлиб кузатиб турган аёнларига деган: “Нон олдида ҳаммамиз тенгмиз, ҳеч биримиз нондан устун бўлмаймиз, нон олдида менинг подшолигим ҳам, олимлигим ҳам ҳеч нарса эмас [17.22].

Жаҳонда барча неъматлар султони бўлган нондан улўроқ ҳеч нарса йўқ. Шукурки, халқимиз азалдан нонни ниҳоятда эъзозлайди, тўтиёдек кўзига суртади ва ҳеч қачон увол қилмайди. “Нон ҳам нон, ноннинг ушоғи ҳам нон”, дея дастурхонга ва атрофига сепилган ушоқларни ҳам териб эринмасдан олади.

Аждодларимиз кимки тишлаган нонни қолдирса ёки нон ушоғини ерга тўкса, у бола ноннинг уволига қолади, у бу одобсизлик бўлади, дейишган. Ҳаттоки, низолашиб қолинади, деб дастурхонида тишланган бурда нонни бошқа киши асло емаган.

Қиз узатишда ҳам турли бало–қазолардан сақловчи восита сифатида келин белига нон боғлаб юборилган. Масалан, Наманган вилоятида келин бошига “локи боғлаш” одатига кўра, кекса момо ёки серфарзанд аёллардан бири келининг бошига бир жуфт нон ва пахта қўйиб, оқ рўмол билан боғлаган. Баъзи қишлоқларда ёшлар ризқли бўлсин, деб никоҳ кечаси келин ва куёв бошига жуфт нон қўйилган. Тўйдан кейин бу нонлар келин ва куёвларга едирилган.

Чақалок қоронғи уйдан олиб чиқарилаётганда йўргакка кулча ёки бир тўғрам нон қўйилган, ёш она қўлтиғига нон қистирилган. Она нонни итга ташлаган. Чақалокни бешикка белаётганда онага жуфт нон тишлатилган. Бешик бошига ҳам жуфт кулча қўйилган. Халқимиз орасида нонни турли ёмон кўзлар ва бало қазолардан асровчи магик қудратга эга восита деб қаралган. Нон ҳосилдорлик рамзи сифатида Наврўз тантаналарида экин-тикин билан боғлиқ маросимларда дастурхонга қўйилган.

Инсон туғилганда ҳам, вафотида ҳам нон билан боғлиқ баъзи удумлар бажарилган. Чақалоқ туғилса кўни-кўшниларга бўғирсоқ ва ширинликлар улашилган, айниқса кулчалар берилган. Майит тобути олдида тоқ нон тарқатилган. Баъзи ҳудудларда таъзияли хонадонга тоқ нон олиб борилган. Ёмон туш кўрилганда ҳам нон садақа қилинган.

Янги ҳовлига кўчишда нондек бутун бўлиб юрайлик, деб дастурхонга жуфт нон ўраб, ўнг оёқ билан кирилган. Нон тескари қўйилмаган, бир қўллаб ёки чап қўл билан синдирилмаган. Ҳар ким дастурхондаги ўзига тегишли нон бурдасини охиргача еган. Чақалоқ ризқли бўлсин, деб оғзига нон ушоғи солиб қўйилган. Ёшларга келажакда кўшиқчи бўласан, деб тандирда қизариб пиширилган нонлар ҳам едирилган.

Кўпни кўрган кишилар ўзларини нон билан даволашган. Уч бўлак (бурда) нон ўтов устига қўйилиб, юлдуз ва ой нурларни кўргач, беморга едирилган. Хоразмда нон бурдаларидан тумор қилиб тақилган. Чақалоқ ёки ёш гўдак касалланса патир, нон ва кулчадан иборат “болали патир” пиширилган. Ёшларни турли боло қазолардан ҳимоя қилиш учун етти кулча пиширилган.

Бешик, соч, суннат тўйлари ва бошқа тантаналар арафасида ҳам тандирда нон пиширилиб, “нон ёпти” маросими ўтказилган. Олис сафарга кетаётганларга ҳам кулча пишириб берилган. Шунингдек, кулчадан никоҳ тўйи маросимларида ҳам фойдаланилган. Халқимиз тантанали маросимларда ҳам ширмой нон, қайирма нон, зоғора нон, патир, қатлама, кўмма(кўмоч), бўғирсоқ, юпка, ғилминди, сомса, чучвара, бичак(пичак) кабилар пиширишган.

Ўзбеклар хонадонларида кўшни қардош халқларга нисбатан нонни кўпроқ истеъмол қилишлигини кузатиш мумкин. Тарихдан маълумки, собиқ Иттифоқнинг бошқа минтақаларига нисбатан Ўзбекистоннинг инсонлар яшаши учун иқлимнинг қулайлиги ва ўзбек халқидаги меҳмондўстлик фазилатларининг анча сақланганлиги

боис кўплаб одамлар четдан юртимизга келиб қолишган. Халқимизда нонни ўзи емаса ҳам меҳмонни сийлаш эзгу одати мавжуд. Шу боисдан ҳам “Тошкент - нон шаҳри” деб аталганлиги бежиз эмас албатта.

Маълумки, Советлар ҳокимияти даврида нон ва нон маҳсулотларини исроф қилиш роса авж олган эди. Ун ва нон маҳсулотлари молларга бериларди ёки ахлатхоналарга ташланарди. Буханка нонининг мағзи олиниб, ичига кабоб солиб сотиларди. Ўша пайтда кенг тарқалган одат бўйича аэропорт, вокзал ва бошқа жамоат жойларида ёзнинг иссиғи, қишнинг қаҳратонига ҳам қарамасдан нон, туз билан 1-2 нафар фахрий, 3-4 нафар илғорлар, раққосалар иштирокида меҳмонларни тантанали кутиб олиш маросими халқимизнинг менталитетига асло тўғри келмас эди. Ҳозирги даврда ҳам тўй-маракаларда нонни роса увол бўлаётганлигини кўриш мумкин. Ёки нон сотувчилари томонидан йўлларда очиқ ҳавода нон қўйилганига нима дейсиз? Нон деб аталган муқаддас неъматнинг увол қилишша ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, албатта.

Манбаларга кўра, XIX аср 60-70 йилларида Россия босқини даврида истилочилар Туркистон ўлкаси маҳаллий аҳолисини ўзларини нон, туз билан марҳамат дея лутф билан кутиб олишини мажбур этишганки, буни истилочи рус генералга менгзаб “Кауфманча одат” дейилган. Бундай номиллий хунук ҳолат ҳозир баъзан ҳам кўзга ташланади.

Айни даврда ҳам нонга бўлган муносабат билан боғлиқ баъзи нохуш ҳолатлар учрайди. Масалан, тўй-маъракаларда, меҳмондорчиликда дастурхонда ушатишган нон бўла туриб, янги меҳмон келса албатта яна нон синдирилиб, қўйилади. Бу кўплаб нонни исрофланишига сабаб бўлмоқда.

Аксариятимиз Хоразм воҳасида ёки қўшни қардош туркманлардаги меҳмон нонни тановул қилиб бўлгандан кейингина ўзи ҳоҳласа яна нон синдириб қўйилиши

одатини яхши биламиз. Лекин худа беҳудага ҳам ҳадеб нонни синдириб ташлайверамиз. Ахир бу исрофгарчилик, нонга бўлган нописандлик эмасми?.

Мукаддас ҳадисларда ҳам даъват қилинганидек: “Нонни эъзозланглар!”, Дастурхонга тўкилган таом ва ушоқларни териб ейдиган одамнинг гуноҳи тўкилади” [18.146].

Озиқ овқат ва қишлоқ хўжалиги БМТ ташкилотлари 16 октябрь кунини – Бутун жаҳон нон куни деб эълон қилинган. Бу ғоя БМТнинг 1979 йилдаги мажлисида қабул қилинган

Зеро, аждодларимизнинг ризқ-рўзимиз нонни эъзозлаб асраш, тежаш каби эзгу фазилатларини ва қадриятларини ёшлар онгига кўпроқ сингдирсак уларни келажакда комил инсон бўлиб етишишига яқиндан ёрдам бериб, аҳоли тўкин-сочин яшайди. Бу ҳозирги миллий юксалиш даврининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. III-ж., – Т.:ЎзМЭ ДИН, 2007, – Б.57
2. Кўрсатилган манба. – Б.46
3. Кўрсатилган манба. – Б.57-58
4. Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедов. Маънолар маҳзани. – Т.:ЎзМЭ ДИН, 2001, – Б. 234-235
5. Шаниязов К.Ш. 1. Узбеки-карлуки. – Т., 1964, – Б. 271
6. Ғ.Соатов. зардуштийлик маданияти ва маънавияти. Қарши, “Насаф”,2004,Б.10-11).
7. Н.Мирзаев. Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли луғати. – Т.: “Фан”, 1991. – Б.58-59
8. ЎзМЭ, VI-ж., – Т.: ЎзМЭ ДИН, 2000. – Б.386

9. А.Аширов. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т., 2007. – Б.204
10. Г.П.Снесарев. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М., 1960. – С.225
11. Г.П.Снесарев. Кўрсатилган манба. – Б.35
12. А.Аширов. Кўрсатилган манба. – Б.215
13. Р.Я.Штернберг. Новые материалы по свадьбе. – Л., 1926. – С.123
14. Ғ.Соатов. Зардуштийлик маданияти ва маънавияти. – Қарши: “Насаф”, 2004. Б.10-11
15. А.Аширов. Кўрсатилган манба. Б.216
16. Б.Саримсоқов. Ўзбек маросим фольклори. – Т.: “Фан”, 1986. – Б.54-56
17. Ю.Зиёдов, Р.Зиёдова. Ноннинг ушоғи ҳам нон. -Имом-Бухорий сабоқлари, 2014 йил. – Б. 22
18. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. –Т.: “Фан”, 1990. – Б.146



<https://doi.org/10.5281/zenodo.13847898>

Turdali Nuridinov

Qo‘qon DPI Tarix kafedrası mudiri (PhD)



Alimardon Juliboyev

QDPI Tarix fakulteti Tarix yo‘nalishi talabasi

e-mail: alimardonjuliboyev727@gmail.com

BXSRning XORIJGA YUBORILGAN TALABALARI HAQIDA BA‘ZI MULOHAZALAR

Annotatsiya. Ushbu maqolada XX asr boshlarida Buxorodan xorijga - Turkiya va Germaniyaga tahsil olish uchun yuborilgan talabalar bilan bog‘liq masalalar yoritilgan. Mazkur jarayon BXSR mavjud bo‘lgan 1920-1924 yillarda hukumat darajasida amalga oshirildi. Murakkab davrga qaramasdan F.Xo‘jayev boshchiligidagi hukumat tomonidan amalga oshirilgan talabalarni xorijga yuborish masalasi davriy matbuot va arxiv materiallari asosida yoritilgan.

Kalit so‘zlar: Germaniya, Fitrat, Buxoro, yosh talabalar, F.Xo‘jayev, maorif, gazetalar, qatag‘on siyosati.

Kirish. Bugungi kunda jahonda yuz berayotgan global siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy jarayonlar, xalqlar o‘rtasidagi tinchlikni saqlash va barqarorlikni ta’minlash insoniyat oldidagi muhim masalalardan biridir. Dunyo xalqlarining siyosiy, iqtisodiy, madaniy sohalardagi hamkorligi xalqaro o‘rtasidagi tinchlik, iqtisodiy va madaniy taraqqiyotga hal qiluvchi ta’sir ko‘rsatib, bugun global dunyoning ajralmas xususiyatiga aylandi. Shu nuqtai nazardan xalqimizning turli davlatlar bilan olib borgan madaniy aloqalari tarixini o‘rganish dolzarb masalalardan biri bo‘lib qolmoqda. Ayniqsa, sovet davrida buzib talqin qilingan tarix sahifalarini ilmiy asosda yoritish dolzarb masalalardan biri bo‘lib qolmoqda. Jumladan, mazkur masalalar doirasida sovet hokimiyati yillarida Buxoro XSRda yuz bergan ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, madaniy hayotdagi o‘zgarishlar, bolsheviklarga qarshi kurash masalalari tadqiq etilgan. Biroq, BXSРning sovet respublikalari, Sharq va G‘arb davlatlari bilan olib borgan madaniy aloqalari, ularning natijalari, ahamiyati kabi masalalarga etarli e’tibor qaratilmagan. Ayni shu holat masalani yaxlit tarzda, maxsus tadqiqot ob’yekti sifatida o‘rganish naqadar muhim ekanligini ko‘rsatadi.

Adabiyotlar tahlili. XX asr boshlarida Buxoroning ijtimoiy-siyosiy hayotida katta o‘zgarishlar ro‘y berdi. Iqtisodiy jixatdan kuchaygan yirik savdogar-sanoatchilarining ilg‘or namoyondalari orasida dunyoviy bilimlarni egallash, jamiyatni isloh qilish harakati vujudga keldi. Turkiston o‘lkasidan farqli ravishda Buxoro jadidlari nafaqat rus mustamlakachiligiga, balki o‘rta asr boshqaruvini amalga oshirayotgan amir istibdodiga ham qarshi edilar. Sovet hokimiyati yillarida O‘zbekiston va uning hududida mavjud bo‘lgan respublikalarning xorijiy mamlakatlar bilan olib borgan aloqalari, jumladan, ta’lim sohasidagi hamkorlik masalalari etarlicha o‘rganilmagan yoki bir tomonlama talqin etilgan. Tadqiqot davomida bir qancha arxiv manbalariga murojat etildi. Bugungi kunda O‘zbekiston hayotidagi ulkan o‘zgarishlar xalqimiz tarixining yuqoridagi masalalar bilan bog‘liq sahifalarini ilmiy asosda chuqur o‘rganishni dolzarb masala sifatida kun tartibiga

qo‘ymoqda. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyev ta’kidlaganidek, “Buyuk tarixda hech narsa izsiz ketmaydi. U xalqlarning qonida, tarixiy xotirasida saqlanadi va amaliy ishlarida namoyon bo‘ladi. Shuning uchun ham u qudratlidir. Tarixiy merosni asrab avaylash, o‘rganish va avlodlardan avlodlarga qoldirish davlatimiz siyosatining eng muhim ustuvor yo‘nalishlaridan biridir” [1. - B. 29].

Tadqiqot metodologiyasi. Chunonchi, ko‘plab tadqiqotchilar bu davrni quyidagi jihatlariga e‘tiborlarini qaratadilar: siyosiy masalalar, Buxoro talabalarini ijtimoiy ahvoli, Sovet davridagi Buxoroning yuritgan siyosati, yosh talabalarni repressiyaga uchrashi. Tadqiqotlarni shu yo‘nalishlar jihatidan ko‘rib chiqish, tahlil qilish va amalga oshirilishi kerak bo‘lgan jihatlarni ilgari surish maqsadga muvofiqdir. Shu jihatdan maqolada qiyosiy tahlil usulidan foydalanildi.

Tahlil va natijalar. XX asr boshida Buxoro amirligi iqtisodiy hayotining Rossiya kapitaliga qaramligining kuchayishi, Sharq mamlakatlaridan Eron va Turkiyada ro‘y bergan ijtimoiy - siyosiy jarayonlar Buxoroning ichki hayotiga o‘zining ta’sirini ko‘rsatmasdan qolmadi. Buxoroning ilg‘or jamoatchiligi vakillari mamlakatni iqtisodiy qoloqlik va siyosiy qaramlikdan qutqarish yo‘llarini topishga harakat qildilar. Mavjud vaziyatni teran his qilgan Buxoro jadidlari jamiyat oldidagi muammolarni hal etishning eng to‘g‘ri yo‘li ilm- ma’rifat ekanligini angladilar va 1910-yilda iqtidorli yoshlarni chet elda tahsil olishlarini tashkil qilish maqsadida “Tarbiyai atfol” jamiyatini tuzdilar [2. -B. 84]. Mazkur jamiyat garchi 1917-yil fevraliga qadar yashirin ravishda ish olib borgan bo‘lsada, Buxoro yoshlarini xorijga tahsil olish uchun yuborishda muhim ahamiyatga ega bo‘ldi. Buxoro yoshlarini asosan, Turkiyaga o‘qishga yuborish Buxoro jadidlari faoliyatining eng muhim yo‘nalishlaridan hisoblangan. Buxoro jadidlari xorijga yoshlarni tahsil olishga yuborish orqali mamlakatni iqtisodiy qoloqlik va siyosiy qaramlikdan xalos qilishni mo‘ljallagan edilar. Arxiv hujjatlarida saqlangan ma’lumotlarga ko‘ra, 1910-yilda Istanbulda 50 nafar Buxoro yoshlari tahsil olgan edi [3. 4-varaq]. S. Ayniyning

ma'lumotlariga ko'ra 1912-yilda Buxoro yoshlarining 30 nafari Turkiyada tahsil olgan bo'lib, ularning orasida U. Po'latxo'jayev, O. Po'latxo'jayev, A. Fitrat kabi yosh buxoroliklarning bo'lg'usi arboblari ham bor edi [2. -B. 88]. Birinchi jahon urushi va undan keyingi davrda Buxoro va Rossiyada yuz bergan tarixiy jarayonlar yosh buxoroliklarning yoshlarni xorijga yuborish tadbirlariga salbiy ta'sir ko'rsatdi.

1920-1924 yillarda mavjud bo'lgan Buxoro Xalq Sovet Respublikasi (BXSR) hukumati a'zolarining asosiy qismi yosh buxoroliklar bo'lib, ularning bir qator namoyondalari Turkiyada tahsil olgan edilar. Mavjud murakkab vaziyatga qaramasdan ular Buxoroning iste'dodli yoshlarini chet mamlakatlarga tahsil olish uchun yuborish ishlarini olib bordilar va bu masalada muayyan yutuqlarga erishdilar. Yangi jamiyat qurayotgan Buxoro respublikasi uchun kadrlar tayyorlash masalasi dolzarb masalalardan bo'lib, bu masalada Turkiya alohida o'ringa ega bo'lgan. 1922-yil 7-oktyabrda Buxorodan 25 nafar talaba BXSR maorif nozirligi tomonidan nozir muovini Ismoil Sadir rahbarligida tahsil olish uchun Turkiyaga yuborildi [4. 89-varaq]. Buxoro talabalari Boku orqali Tiflis-Botumi yo'nalishida BXSR vakillari Sulaymon va Ibrohimlar rahbarligida Turkiyaning Samsun shahriga etib bordilar [5. № 76, 1922-yil, 27-mart].

Buxorodan Turkiyaga yuborilgan talabalarning moddiy ta'minoti masalasi doimiy ravishda BXSR hukumati, xususan, maorif nozirligining doimiy nazoratida bo'lgan. Lekin pul mablag'lari Buxorodan to'g'ridan-to'g'ri jo'natilmasdan, Rossiya orqali Turkiyaga yuborilishi muayyan qiyinchiliklarni keltirib chiqargan.

Ozarbayjon respublikasi ham Buxoroning yosh talabalarini tayyorlash ishida baholi qudrat o'z yordamini ko'rsatdi. BXSR hukumatining nashri bo'lgan "Buxoro axbori" gazetasining Bokudagi vakili Muhiddin Rafiq boshchiligida 5 nafar talaba 1922-yil mayning boshlarida Bokuga yuborildi [5. № 82, 1922-yil, 4 may]. 1921-yil 23-aprelda O'zbek ilmiy komissiyasi yig'ilishida "Turkiston yoshlaridan eng qobiliyatlarini zudlik bilan xorijga yuborib, u erdan eng taraqqiy etgan va eng qudratli bo'lgan o'rta va oliy

tahsil olish imkoniyatini berishdir”, - deb ta’kidlangan edi [5. № 89, 1922-yil, 8 iyul]. Bu davrda Germaniyaning turli doiralarida Buxoroga, uning xo’jaligi, tarixi, madaniyati va xo’jaligiga qiziqish ortib bordi. Nemis gazetalaridan birida “Buxoro o’quvchilari Germaniyada” deb nomlangan maqola e’lon qilindi. Mazkur maqolada Buxorodan bir necha yuz bola tashrif buyurgani, ularning Germaniya universitetlari, maktablari, hunarmandchilik o’quv yurtlariga ma’lumot olish uchun kelganliklari “Sharq uyg’onishi” deya baholanadi [6. 34-varaq].

1922-yilda Buxorodan Germaniyaga jo’natiladigan 46 nafar o’quvchi tanlab olindi. Ular 10 yoshdan 24 yoshgacha bo’lgan 46 kishini tashkil qilgan. Buxoro yoshlaridan 45 kishi Abdulvohid Burxonov (Munzim) hamrohligida Germaniyaga jo’natilishi belgilandi. Yakuniy ro’yxatda o’quvchilar soni 42 tani tashkil etib, ularga hamrox qilib, Abdulvoxid Burxonov, Fyodor Kemnis, Mirzaabduvoxid Mirzaburxon, Olimjon Idris tayinlanadi [7. 26-27-varaqlar]. F. Xo’jayev boshchiligidagi hukumat Germaniyaga tahsil olish yuborilgan talabalarning moddiy ta’minoti masalasiga doimiy ravishda katta ahamiyat qaratib kelgan. Madaniyat delegatsiyasi 1922-yil sentyabr oyidan 1923-yil avgustgacha yoshi katta o’quvchilarga oyiga 35 oltin rubl miqdorda nafaqa to’lagan bo’lsa, 1923-yilning avgust-dekabr oylarida 50 so’mdan, dekabr oyidan boshlab 75 oltin rubl miqdorda nafaqa ola boshladi [8. 159-varaq]. Germaniyaga o’qishga yuborilgan buxorolik talabalar ustidan mazkur mamlakatda faoliyat olib borgan sovet davlat idoralari nazorati o’rnatilgan bo’lib, belgilangan qoidalarining bajarilishini nazorat qilish sovet davlatining Germaniyadagi muxtor vakili Krestinskiy tomonidan amalga oshirilgan [9. 26-varaq].

SSSR davlat muassasalarining Buxoro talabalari ustidan nazoratini o’rnatish masalasi kun tartibidagi dolzarb masala bo’lib, sovet organlari barcha choralar bilan uni doimiy ravishda kuchaytirib bordilar. 1923-yil 10-sentyabrda Berlindagi Buxoro talabalari ustidan RSFSRning Germaniyadagi elchisi tomonidan nazorat o’rnatishga qaror qilinadi [10. 117-varaq]. Sovet davlat muassasalari Buxoro yoshlari ustidan nazoratni

kuchaytirish maqsadida 1923-yil 19-sentyabrda Berlinda tahsil olayotgan BXSР o‘quvchilarining ahvolini o‘rganib chiqish masalasini ko‘rib chiqdi [11. 2-varvq]. Shu bilan birga bolsheviklar hukumati BXSРning Germaniya bilan iqtisodiy hamkorligini tugatish yo‘lini olib bordi va 1923-yil 17-dekabrda BXSРning Berlindagi savdo vakolatxonasini tugatish haqida qaror qabul qilindi [12. 3-varaq]. Natijada Germaniyada tahsil olayotgan Buxoro talabalari moddiy ta‘minotsiz qoldirildi. Shuningdek, sovet davlat muassasalari Buxoro hukumatining Germaniya banklariga qo‘yilgan 26 ming funt sterling mablag‘ini 1923-yil 19-noyabrda tortib oldi va u sovet moliya tashkilotlari hisobiga o‘tkazildi [13. 21-varaq]. 1924-yilning o‘rtalariga kelganda Germaniyaga yuborilgan buxorolik talabalar hayoti ustidan bolsheviklarning to‘liq nazoratini o‘rnatish va ularni ortga qaytarish ishlari boshlandi. 1924-yil 20-iyunda BXSРning Moskvadagi vakolatxonasida BXSР Nozirlar Sho‘rosi raisi F. Xo‘jayev va uning o‘rinbosari K. Otabekovlar qatnashgan qo‘shma yig‘ilishda O‘rta Osiyo kommunistik universiteti rektori G. Meyerzon Berlindagi Buxoro talabalari ustidan rahbar etib tayinlandi. 1924-yil 24-iyunda esa Buxoro yoshlarini Germaniyadan qaytarish maqsadida Berlinga yuborildi [8. 246-varaq].

Xulosa. Germaniyadan qaytarilgan Buxoro talabalarining taqdiri fojiali tugadi. Ular 1937-yilgi katta terror qurboniga aylandi, bir qismi esa muxojirlikni tanladi. Sovet totalitar tuzumi ma‘rifat izlagan xalqimizning bir guruh yoshlarini qatag‘on mashinasining qurboniga aylantirdi. Vatanimiz istiqbolga erishgandan keyingi davrda ularning pok nomi oqlandi, ularning ma‘naviy merosini o‘rganish va xalqimiz orasida targ‘ib qilish bugungi kunda ziyolilarning muhim vazifalaridan biri sifatida kun tartibiga qo‘yilmoqda. Yuqoridagi faktlar xalqimiz har qanday qiyinchiliklarga qaramasdan ilm-ma‘rifatga intilganini, o‘z davrida ta‘lim sohasi rivojlangan davlatlar bilan keng hamkorlik olib borganligi bugungi kunda uchinchi renesans asoslarini barpo etish yo‘lidan borayotgan

yangi O‘zbekiston ta’lim tizimining buyuk an’analari, mustahkam asoslari borligini yana bir bor ko‘rsatib turibdi.

Foydalanilgan manba va adabiyotlar:

1. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018.
2. Айний. С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлари Марказий давлат нашриёти, 1926.
3. Ўзбекистон Миллий Архиви (ЎзМА), 3-фонд, 1-рўйхат, 155-иш.
4. Ўзбекистон МА, 56-фонд, 1-рўйхат, 38-иш.
5. “Бухоро ахбори”.
6. Ўзбекистон МА, 56-фонд, 1-рўйхат, 52-иш.
7. Ўзбекистон МА, 56-фонд, 1-рўйхат, 35-иш.
8. Ўзбекистон МА, 48-фонд, 1-рўйхат, 239-иш.
9. Ўзбекистон МА, 48-фонд, 1-рўйхат, 194 иш.
10. Ўзбекистон МА, 47-фонд, 1-рўйхат, 196-иш.
11. Ўзбекистон МА, 47-фонд, 1-рўйхат, 425-иш.
12. Ўзбекистон МА, 47-фонд, 1-рўйхат, 445-иш.
13. Ўзбекистон МА, 47-фонд, 1-рўйхат, 458-иш.

Abstract: This article highlights the issues of youth sent to Turkey and Germany from Bukhara at the beginning of the twentieth century. This process was carried out in 1920-1924 at the state level. The deportation of youth by the government of F. Khojaev was carried out in difficult conditions. This issue is covered on the basis of sources of periodicals and archival materials.

Key words: Germany, Fitrat, Bukhara, students, F. Khojaev, education, newspapers, policy of repression.

Аннотация: В данной статье освещаются вопросы отправленных молодежи для учебы в Турцию и Германию из Бухары в начале XX века. Данный процесс осуществлялся в 1920-1924 годах на государственном уровне. Отправление молодежи правительством Ф. Ходжаева проводилось в трудных условиях. Данный вопрос освещается на основе источников периодической печати и архивных материалов.

Ключевые слова: Германия, Фитрат, Бухара, студенчество, Ф. Ходжаев, образование, газеты, политика репрессий.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13847597>



Улуғбек Халмуинов

Тошкент Кимё ҳалқаро университети
“Тарих” кафедраси доцент в.б., PhD.

VI-VIII АСРЛАРДА ФАРҒОНАНИНГ БОШҚАРУВ МАРКАЗЛАРИ

Аннотация. Илк ўрта асрлардаги Фарғона водийсида бир неча ҳукмдорлик бўлиб, Ахсикент, Косон, Кува, Узганд, Исфара шаҳарлари бошқарув маркази вазифасини бажарган. Уларнинг катта бир қисмида ўзининг алоҳида бошқарувига эга маҳаллий сулолалар мавжуд бўлиб, ўз ҳудуди, ҳукмдори, унинг унвони, бошқарув аппарати, қароргоҳи, кўшини, ҳокимият рамзлари ва ҳоказо каби давлатчилик анъаналарига эга бўлишган. Бу даврда водийда қадимий сулола ўрнини Фарбий Турк хоқонлигининг бир тармоғи бўлмиш Фарғона Ашина сулоласи эгаллаб, Косон шаҳрини ўз бошқарув марказига айлантиради.

Калит сўзлар. бошқарув маркази, пойтахт, ҳукмдорлик, Ахсикент, Косон, Кува, Узганд, Исфара.

Илк ўрта асрлар шартли равишда асосан милодий V-IX асрларни ўз ичига олиб, бу давр Марказий Осиё тарихида ўзига хос ўрин тутади. Бу даврда минтақа тарихида Эфталитлар (420-565) ва Турк хоқонлиги (552-744) сингари йирик салтанатларнинг ўртага чиқиши ва араб истилоси каби марказий осийлик этнослар ижтимоий-маданий ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган воқеликларга бойлиги

билан ажралиб туради. Марказий Осиё, хусусан, унинг ўтроқ қисми бўлмиш Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ ҳудудларда жойлашган Чоч, Ўтрор, Фарғона, Уструшона, Суғд, Бухоро, Хоразм, Тўхористон сингари воҳа ҳукмдорликларида юз берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ушбу учала салтанат билан боғлиқ кечди. Бу ҳукмдорликлардаги ўнлаб бошқарув марказлари кўплаб воқеликлар фаол кечган ҳудудлар сифатида тарихда ўзига хос ўрин эгаллади. Айниқса, бу ҳолат Фарғона водийсидаги бошқарув марказлари мисолида ўз ифода топди.

Милоддан олдинги сўнги бир мингйилликнинг охири чорагида бўлганидек, милодий бир мингйилликнинг илк ярмида ҳам Фарғона ўнлаб шаҳарлар ва уларнинг бошини бириктирган бир қатор сиёсий-маъмурий марказлардан иборат эди. Хитой, араб-форс тилидаги ёзма манбалар ва археологик қазилмаларда кўлга киритилган маълумотлардан аён бўлишича, илк ўрта асрларда Фарғона водийсида Ахсикент, Косон, Қува, Узганд каби шаҳарлар мавжуд бўлиб, улар водийдаги ўнлаб шаҳар ва йирик аҳоли масканларини ўз ичига олувчи алоҳида-алоҳида сиёсий-маъмурий марказ, яъни бошқарув вазифасини бажаришган. Улар орасида қайси бирининг пойтахт ёки қароргоҳ мақомида бўлганини аниқлаш бугунги кун тарихшунослигининг долзарб масалаларидан биридир. Бироз қуйида тўхталиб ўтадиганимиздек, Ахсикент водийнинг асосий бошқарув маркази, қолганлари эса унга бўйсунувчи маъмурий бирликлар сифатидаги сиёсий-маъмурий бирликлар бўлгани маълум бўлса-да, бироқ ёзма манбаларда баъзан Косоннинг ёки Куванинг, баъзан эса Узганднинг бошқарув маркази сифатида эслатилиши [1, 13-25 б] бу масалани чуқурроқ ўрганишни талаб қилади.

Аввало, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, айрим пайтларни ҳисобга олмаганда, қадимги даврларда бўлганидек бу даврда ҳам Фарғона водийси ягона бир давлат ёки ҳукмдорлик бўлмай, бир неча катта-кичик ҳукмдорликлардан иборат эди.

Фарғона водийсининг географик жойлашувидан келиб чиқиб, водийнинг текислик ва тоғлик қисмларида ёки марказий ва чекка қисмларидаги шаҳар ёки вилоятлар ўз бошқарувида эркин бўлишга ҳаракат қилар, улардан бирортаси ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий жиҳатдан кучайса бошқаларига нисбатан етакчилик қилиш сиёсатини юритар эди. Масалан, водийнинг ўрта қисмида жойлашган Ахсикент ўзининг географик жойлашуви ва иқтисодий қудратидан келиб чиқиб, кўпинча етакчи куч сифатида майдонга чиққан бўлса, водийнинг тоққа яқин ва нисбатан шимолда ўрин олган Косон ҳам шунга ўхшаш даъвода бўлгани пайқалади. Нисбатан чеккароқда жойлашган Узганд эса ўзининг географик хусусиятларидан келиб чиқиб, мустақил сиёсатини юритишга тиришгани кўзга ташланади. Демак, Сирдарё дарёсининг водийни иккига бўлиб туриши, теварак-атрофининг тоғлар билан қуршалгани ёки чўл, қир-адирларнинг бўлиши водийда бир вақтнинг ўзида бир-биридан нисбатан мустақил ҳукмдорликлар ва уларнинг бошқарув марказлари бўлишига замин яратган эди. Уларни қуйидагича тартибда кўриб чиқамиз:

Ахсикент. Хитой манбаларида *Сигян* (бугунги Эски Ахсикент ёдгорлиги) пойтахт деб кўрсатилади [2, 529 б]. Шунингдек, ёзма манбаларда қадимги “Фарғона шаҳри” ҳам қайд этилиб, А.А. Анорбоев, А.А. Асқаров каби олимлар уни Ахсикат харобалари билан боғлайдилар [3, 110-113 б]. IX-XII аср араб-форс географлари асарларида Фарғона водийсида 40 та шаҳар бўлгани, унинг пойтахти Сирдарё бўйидаги Ахсикат экани, унинг айланаси 3 фарсахдан (18 км) кам эмаслиги эслаб ўтилади [4, 29-40 б].

Фарғонанинг бошқарув марказлари айнан қайси шаҳарлар бўлгани масаласида ҳам тадқиқотчилар бир қатор фикрларни ўртага ташлаганлар. Айниқса, улар “Син Тан-шу” (“Янги Тан сулоласи тарихи”) номли хитой йилномасида Фарғона ҳукмдори *Чжэнчжу-хэ* (Сирдарё) шимолидаги *Сигян* (Ахсикент) шаҳрида ўтириши, ҳукмдорлари Вэй ва Жин сулолалари давридан бери авлоддан-авлодга бу

ерни бошқариб келишгани, *Чжэн-гуан* даври (627-649 йиллар)да Ғарбий турклардан *Кан Мохэду* (Баҳодур) ҳукмдор *Кибини* ўлдириб, *Ашина Шуни* унинг шаҳрини қўлга киритгани, Шуни ўлгандан сўнг унинг ўғли *Эбочжи* (марҳум) Кибининг укасига ҳукмдор унвонини бериб, уни *Хумин* (Қува?) шаҳрида бошқарувга тайинлагани, Эбочжининг ўзи эса *Кэсай* (Косон) шаҳрида туриб ҳукм юрита бошлагани қайд этилади [5, 27-28 б].

Бундан кўринадики, VII асрнинг илк чорагигача Ахсикент Фарғона водийсининг асосий бошқарув маркази - пойтахт бўлиб келган, Ғарбий турк хоқонлари фаолияти натижасида бир муддат ўз мавқеини сақлаб, хоқонлик вакиллари – Фарғона Ашина сулоласи учун ҳам бошқарув маркази вазифасини ўтай бошлаган, орадан кўп ўтмай эса ўрнини Косон шаҳри олган.

Косон. Фарғона водийсининг шимолида жойлашган Косон (хит. *Гуйшань, Гйесай*) шаҳрида ёзма манбаларга кўра, Фарғона ҳукмдорлари қароргоҳи жойлашган эди. Унинг ўрни бугунги Косонсой ва унинг атрофидаги Муғ қалъа ёдгорлиги, деб ҳисобланади. Айрим тадқиқотчилар фикрича, Косон VIII аср бошларида Фарғонанинг пойтахтига айланган [6, 85 б]. Шимолий Фарғонадаги туркий сулоланинг маркази Косон шаҳри (хит. Кесай) ҳисобланган бўлиб [7, 222 б], Фарғона тизмаси ва Тангритоғ (Тяншан) тизмалари орасидаги чорвадорлар учун бу ерлар қулай бўлган. Юқорида хитой манбалари асосида келтириб ўтилганидек, Ашина Шуни ўлгандан сўнг унинг ўғли *Эбочжи* (марҳум) Кибининг укасига ҳукмдор унвонини бериб, *Хумин* (Қува?) шаҳрида бошқарувга тайинлайди, Эбочжининг ўзи эса Косон шаҳрида бошқарувга ўтиради [8, 188-189 б].

Хитой йилномаларида эслатилишича, 658 йилда Кэсай (Косон) шаҳри хитойликлар томонидан “Сю-шюн (Хюсюн) вилояти” деб аталиб, унга бош ҳарбий амалдор *Аляоцан* ҳоким (*ци-ши*) қилиб тайинланади: “*Икки йил ўтгач (658 й.), Кэсай Хюсюн номли вилоятга ўзгартирилди. Аляоцан у (Хюсюн)нинг ҳукмдори этиб*

тайинланди, шу вақтдан эътиборан ҳар йили сарой (Хитой)га элчи жўнатиб турди[9, 83 б]”. Бундан бироз олдин, 657 йилда Ғарбий Турк хоқонлиги Хитой томонидан тор-мор этилиб, хоқонлик қўли остидаги воҳа ҳукмдорликларида Тан империясига хос маъмурий бўлиниш жорий этилган эди. Орадан кўп ўтмай Фарғона 658 йили Хитойга тобе ҳукмдорликлардан бирига айлантирилиши ҳам ушбу воқеликлар билан боғлиқ кечган кўринади.

Демак, Фарғона Тан империясининг волийликларидан бирига айлантирилгач, Гйесай номи Сюсюн (Хюсюн) шаклида ўзгартирилиб, бу ерда тобе вилоят таъсис этилади. Унинг бошқарувига Ашина хонадонига мансуб Эбочжи эмас, балки маҳаллий сулола вакили Аляоцаннинг тайинланишининг ҳам ўзига хос сабаблари бор эди. Улардан бири, айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, бир йил олдин Хитой қўшини томонидан тор-мор этилган Ғарбий Турк хоқонлиги ва Фарғона Ашина сулоласига бориб тақаларди. Яъни Косонда туриб бутун Фарғонани ўз қўл остида тутиб турган Ашина хонадонининг вакили – Эбочжи хитойликлар назарида ишончли вакил бўла олмаган. Аксинча, унинг қўл остидаги Аляоцан унга нисбатан анча ишончлироқ ноиб бўлиши мумкин эди. Буни юқорида хитой йилномаларида таъкидлаб ўтилган *“Кэсай Хюсюн номли вилоятга ўзгартирилди. Аляоцан у (Хюсюн)нинг ҳукмдори этиб тайинланди”* мазмунидаги маълумот ҳам тасдиқлайди. Шунингдек, бу ҳолат Аляоцаннинг Хитой императорига ҳар йили совға-саломлар билан элчилик ҳайъатини жўнатиб турганида ҳам ўз ифодасини топган [10, 39 б].

Демак, 658 йилда Косон яна бир карра Фарғона водийсининг асосий бошқарув марказига айланиб, энди бу ерда Ашина хонадони вакиллари эмас, аксинча, водийнинг қадимий маҳаллий сулолаларидан бири ўтиради. Бироқ бу вазият узоқ давом этмаган кўринади. Чунки, Фарғонадаги Ашина сулоласи яна ўз мавқеини тиклаб, бутун водийда ўз ҳокимиятини ўрнатган ва бошқа ҳукмдорликларга устунлик қила бошлаган эди. Жумладан, араб ва хитой манбаларидан англашилича,

VIII аср биринчи ярмида “чўр”, “тархон” каби унвонларга эга Фарғона ҳукмдорлари водийда кечган сиёсий воқеаларнинг бошида турар эди. О.И. Смирнова 720-йилларда Фарғонани бошқарган Алту-чўрни туркий деб қараб, у ва унинг ўғли исмида туркий чўр (چور) унвони унвони учраши, бу эса уларни туркий бўлган, дейишга имкон беришини ёзади [11, 256 б]. “Тан шу” йилномасида 738-751 йиллар давомида Фарғонани *Асилань дагань-чжу* (*Арслон тархон-чўр) бошқаргани тилга олинади [12, 149 б]. Ҳар ҳолда улар Косонда туриб, бутун водийни бошқаришга тиришганлар.

Бундан сал олдинроқ, яъни 710-йилларда водийда юз берган сиёсий воқеликлар Фарғона Ашина сулоласининг бошқарув маркази яна Косонда бўлган, деб тахмин қилишга имкон беради. Хусусан, 726 йилда Шимолий Ҳиндистонда бўлган хитой сайёҳи Хой Чао (726) Фарғонада иккита ҳокимият борлиги, бири Сирдарёнинг шимолида *Тукюе* (турк)лар бошқаруви, жанубида эса *Даши* (араб)ларга бўйсунувчи бошқарув борлигини эслатиб ўтади [13, 193 б]. Ундан бир неча йил олдин, 715 йилда Қутайба ибн Муслим бошчилигида араб қўшинлари Фарғонага юриш қилган, бу ернинг бошқарувчиси енгилгач, Куча (Шарқий Туркистон)га қочиб, ёрдам сўраган, араблар эса Фарғона бошқарувида *الطار* (Алутар, хитой йилномаларида *Аляода*) исми бир кишини ноиб тайинлаб қайтган эдилар. Демак, Хой Чао келган 726 йилда Сирдарёнинг шимолида турклар, жанубида арабларга қарам бошқарув ўрнатилган эди. Сирдарёнинг шимолида асосан Косон шаҳри жойлашган бўлиб, 750-йилларда араблар яна бир бор водийни бўйсундириш учун келганларида бу ерда туркий ҳукмдорлар бошқаруви мавжуд эди [14, 140 б].

Қува. Юқорида келтириб ўтилганидек, хитой манбаларида водий жанубида жойлашган Хуминшаҳрида ҳукмдор яшагани эслатилади. Йилномалардаги Хумин шаҳрининг ўрни борасида аниқ фикрлар йўқ бўлиб, бу шаҳар қадимги Қува (Қубо) билан тенгаштирилмоқда [15, 28 б]. Хитойча ва араб тилларидаги ёзма манбалар ҳар

иккала шаҳарни водийнинг бошқарув марказларидан бири сифатида кўрсатиши уларни битта шаҳар номининг фарқли тиллардаги манбаларда турлича берилишидир, дейиш мумкин. Хитойликлар Қува номини ўз тилларига мослаб берган бўлса керак.

Ғарбий Турк хоқонлиги вакили – 630- йиллар атрофида Фарғонадаги туркий сулолага асос солган Ашина Шуни ўлгандан сўнг унинг ўғли *Эбочжи* Фарғонанинг собиқ маҳаллий ҳукмдори Кибининг укасига ҳукмдор унвонини бериб, уни *Хумин* шаҳрида бошқарувга тайинлаб, ўзи эса *Кэсай* (Косон) шаҳрида ҳукм юрита бошлаган [16, 188-189 б] пайтда бу шаҳар водийнинг сиёсий-маъмурий марказларидан бирига айланади. Археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, Қува ўз майдони, маданий қатламларининг қалинлиги, муҳофаа деворларининг мукамаллиги ва яхши ривожланганлиги билан Хумин шаҳрига тўғри келади [17, 278-279 б]. Эҳтимол, Қува шаҳри Аляоцан Эбочжига тобе бўлиб турган 658 йилгача водийдаги бошқарув марказларидан бири бўлиб, Косондаги Ашина сулоласига бўйсунган.

Бир қатор тадқиқотчилар ёзма маълумотлар ва бу давр водий шаҳарлари харобалари хусусиятларидан келиб чиқиб, асосан Ахсикент, Косон ва Қува шаҳарлари Фарғона водийсининг сиёсий-маъмурий марказлари ёки пойтахт / қароргоҳ бўлганлини аниқладилар [18, 16-44 б]. М. Хатамованинг ёзишича, илк ўрта юз йилликларда Фарғонани маҳаллий ва туркий сулолалар қуйидагича маъмурий-сиёсий марказ (пойтахт – қароргоҳ)лардан иборат бўлиб, маҳаллий Ихшидийлар Ахсикат (*хит.* Сигян) ва хоқонлик вакиллари (Фарғона Ашина сулоласи) Косон (*хит.* Гэсай)да, Турк хоқонлиги ноиблари - тутуқлар эса Қува (*хит.* Хумин)да туриб водийни бошқарган бўлиши мумкин [19, 81-87 б]. Ғ. Бобоёров Фарғонадаги Ашина сулоласига тегишли қадимги турк-рун ва суғдий ёзувли 2 та мис танганинг ҳам айнан Қува шаҳар харобаларидан топилишига суяниб, бу ерни

хоқонликка алоқадор туркий сулоланинг асосий марказларидан бири бўлган, деб санайди [20, 135-146 б].

Ўзганд. Қўқон хонлиги адабий муҳитига тегишли шажара туридаги “Насабнома”ларнинг бири – П. Маманов қўлғизмасида (47-55 ва 132-155 сатрлар) Фарғонадаги сиёсий воқеликлар келтирилиб, водийда 2 та бошқарувчи бўлгани айтилади ва улардан бири Карвон-Баст, иккинчиси Ихшит деб келтирилади: *دو پادشاه داشتند یکی کاروان بست پادشاه دویم اخشیت* (89-сатр) [16, 127 б]. А. Муминов “Насабномаи туркий”да Фарғона ҳукмдорлардан бири Ихшит (Малик-Ихшит) Узганд ва Фарғонани, иккинчиси эса Карвон-баст (Карвон-шиш) Боб ва Косонни бошқарган, деб келтирилишини ёзади [16, 149 б]. Ихшит – исломдан одинги Фарғона ва Суғд ҳукмдорларининг бош унвони “ихшид” бўлганлиги кўплаб араб, форс ва туркий тилли асарларида учрайди. Бироқ, Карвон-баст (*کاروان بست*) ёки Карвон-шиш (*کروان شیش*) киши исми ё бўлмаса унвоними масаласи ўз ечимини топганича йўқ. Шунингдек, бундай атама ёки шунга ўхшашроғи бирор ёзма манбада деярли учрамайди. Шу ўринда ўрта аср араб-форс манбаларида Фарғона водийсидаги йирик шаҳарлардан бири ўлароқ эслатилиб, Косон яқинида кўрсатилган *کروان* (Карвон) шаҳри номи билан ушбу атама орасида қандайдир боғлиқлик бордек кўринади [21, 229 б].

Араб-форс географлари (IX-XII асрлар) асарларида Узганднинг Чўр-тегин (IX аср) исмли ҳукмдори тўғрисида сўз бориб, В.В. Бартольд уни туркий ҳукмдор, деб санайди. Унинг ёзишича, Ўзганд ва тоғ довони орасидаги мавзелардан бири “Дехқон Чўр-тегин” деб номланган бўлиб, Н.Ф. Петровскийнинг берган маълумотга кўра, ҳозирги кунда ҳам Узган ва Отбоши орасидаги йўл бўйида шу номдаги қишлоқ учрайди [22, 213 б]. Ушбу маълумотларга таянилса, “Чўр-тегин” унвони Фарғона бошқарувчилари орасида фақатгина Узганд ҳукмдорларига тегишли бўлмаганмикин? мазмунидаги савол туғилади. Бироқ, VII-IX аср оралиғида

Фарғона хукмдорларидан бир нечасининг исми сифатида ушбу кўшалок унвон учрайдики, бу эса “Фарғона водийсида Ашина хонадони бош сулола бўлган, қолган хукмдорликлар эса унга бўйсунган, шу туфайли водий бошқаруви билан боғлиқ манбаларда “Чўр” ёки “Чўр-тегин” унвонлари кўп учрайди” деб ҳисоблашга ундайди.

Исфара. Қутайба ибн Муслим Фарғона водийсини эгаллаган 714-715 йилларда Исфара шаҳрида ўз ноибини қолдириб, у орқали Фарғонада араб ҳокимиятининг назоратини ўрнатган эди [11, 242 б]. Юқорида келтириб ўтилганидек, хитой роҳиб Хой Чао 726 йилги воқеалар муносабати билан Фарғонада 2 та ҳокимият борлиги, улардан бири водийнинг Сирдарё шимолидагиси туркий ҳокимият, иккинчиси ушбу дарёнинг жанубидаги араб ҳокимияти эканлигини ёзган эди [13, 193 б]. Ҳар ҳолда Қутайба Исфарада ўз ноибини тайинлар экан бу шаҳарни турклардан тортиб олган кўринади. Чунончи, Абу Жаъфар ат-Табарий ўзининг “Тарих ар-русул ва-мулук” асарида ҳижрий 103 (милодий 721/722) йилги воқеаларга тўхталиб, қароргоҳи Исфарада жойлашган тахт вориси Балаза (Нилон) [11, 185 б] ҳақида ёзиб, у кейинчалик Фарғона хукмдори бўлган Жур (Алту-чўр)нинг отаси эканига урғу беради [23, 185 б]. Айрим тадқиқотчиларга кўра, Жур исми аслида туркий чўр унвонининг арабча ёзилиш бичимларидан бири эди [11, 256; 285 б]. О.И. Смирнова ушбу хукмдор исмларидан келиб чиқиб, уларни Фарғонанинг туркий сулоласига мансуб бўлган деб ёзади [11, 256 б]. Демак, Фарғона Ашина сулоласи ўз вакилларидан бирини Исфара бошқарувига тайинлаган, кейинчалик бу ер араблар қўлига ўтган эди.

Хитой йилномаси “Тан-шу”дан маълум бўлишича, Фарғонада илк ўрта асрларда 6 та катта ва 100 тача кичик шаҳарлар (аслида булар кичик шаҳар эмас, рустоқ ёки каттароқ қишлоқ бўлиши мумкин – муал.) бўлган [24, 319 б]. Шаҳарлар кўпроқ водийнинг анчайин зич бўлган шарқий қисмига тўпланган эди [25, 133 б].

Араблар босқини даврида манбаларда Фарғонада йирик шаҳар сиёсий-маъмурий марказ – Косон, Ахсикат, Ураст, Исфара ва Хужанд тилга олинса, Табарий эса (839-923) Қубо, Хужанд, Косон, Боб ва Фарғона номли 5 та шаҳарни эслатади [26, 212-222 б].

Хуллас, илк ўрта асрлардаги Фарғона водийси тарихига қисқача назар ташлаш шундан дарак берадики, бу даврда, айниқса, VI-VIII асрларда водийда бир неча ҳукмдорлик бўлиб, Ахсикат, Косон, Қува, Узганд, Исфара шаҳарлари уларнинг бошқарув маркази вазифасини бажарган. Уларнинг катта бир қисмида ўзининг алоҳида бошқарувига эга маҳаллий сулолалар мавжуд бўлиб, улар ўз худуди, ҳукмдори, унвони, бошқарув аппарати, қароргоҳи, қўшини, ҳокимият рамзлари ва ҳоказо каби давлатчилик анъаналарига эга бўлган. Шу билан бирга, улар бир-биридан қанчалик мустақил бўлмасин, сиёсий-маъмурий ўлка сифатида водийда “Фарғона” тушунчаси мавжуд бўлиб, бу ҳолат маҳаллий аҳолига нисбатан “фарғоналиклар” атамасининг ишлатилганида ҳам ўз тасдиғини топган.. Жумладан, суғдча “фарғаник”, арабча “Фарғоний”, хитойча “Фоханна, Боханна” каби географик атамаларнинг учраши бу қарашни кучайтирди. Шунингдек, водийдаги ҳукмдорликлар ичкарида нечоғлик ўз сулолавий номига эга бўлса ҳам, ташқарида “Фарғона ҳукмдори”, “Фарғона лашкарбошиси” сифатида билинганлар.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Асқаров А.А. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида қадимги Фарғона // Фарғона водийси тарихининг долзарб муаммолари. 1-жилд. Фарғона, 2000.
2. Бартольд В.В. Статьи из энциклопедии ислама // Соч. Т. 3. Москва., 1965. – С. 529.
3. Анарбаев А. Средневековые города Ферганы по письменным источникам // История, культура и экономика юга Кыргызстана. – Ош, 2000 – С.110-113.

4. Истахри. [Китаб] масалик ва-л-мамалик. Извлечение / Пер. с перс. З.Н.Ворожейкиной // МИКК. 2-е изд. Бишкек, 2002. – С. 29-40
5. Хўжаев А. Шин Тангшу (“Тан сулоласининг янги тарихи”)дан / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. Тошкент.: Фан, 2014. – Б. 27-28.
6. Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В. А. Лившица. Москва.:Изд-во восточной лит-ры, 1962. – С. 85.
7. Stark S. Die Alttürken zeit in Mittel- und Zentralasien. Wiesbaden, 2008. P. 222.
8. Малявкин А. Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. – Новосибирск: Наука, 1989. – С. 188-189.
9. Taşgıl A. Gök-Türkler. II. Ankara: TTK, 1999. – S. 83.
10. Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар (Илк ўрта асрлар). Тошкент: «Yangi nashr», 2010. Б. 39
11. Смирнова О. И. Очерки из истории Согда. Москва: Наука, 1970. – С. 256.
12. Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. – СПб., 1903. – 378 p.
13. Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // ВДИ. Москва., 1952. – № 1. – С. 193.
14. Муминов А.К. Кокандская версия исламизации Туркестана / Подвижники ислама. Культ святых и суфизм в Средней Азии и на Кавказе. Москва.: Изд. Восточная библиотека РАН, 2004. С. 140.
15. Широных Т.Ш., Матбобоев Б.Х., Иванов Г.П. Аҳмад ал-Фарғоний даврида Қува шахри. Тошкент., 1998. Б. 28.
16. Малявкин А. Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. – Новосибирск: Наука, 1989. – 431 с.

17. Матбобоев Б.Х. Қадимги Фарғонанинг илк ўрта асрлар даври маданияти (V–VIII асрлар археологик манбаларининг тарихий таҳлили асосида): Тарих фанлари док. диссертацияси. – Самарқанд, 2009. – 569 б.
18. Раҳмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўхна туркий-рун ёзувлари. Ташкент., 2006. Б. 16-44
19. Хатамова М. Фарғонадаги туркий сулола // «Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда» мавзuidaги III республика илмий-амалий анжумани. Фарғона, 30 май, 2014 йил. Фарғона, 2014. 81-87-бетлар
20. Babayar G. Fergane bölgesinde bulunan Türk-Runik yazılı Köktürk sikkeleri üzerine // Dünden Bugüne İpek Yolu: Beklentiler ve Gerçekler. İstanbul, 2008.S. 135-146.
21. Исламизация и сакральные родословные родословные в Центральной Азии: Наследие Исхак Баба в нарративной и генеалогической традициях / Ответ. ред. Девин Ди Уис, А.К. Муминов. Алматы, 2013. С. 229.
22. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Соч. Т. 1. Москва., 1963. С. 213.
23. Матбобоев Б.Х. Қадимги Фарғонанинг илк ўрта асрлар даври маданияти (V–VIII асрлар археологик манбаларининг тарихий таҳлили асосида): Тарих фанлари док. диссертацияси. – Самарқанд, 2009. – 569 б.
24. Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – Москва – Ленинград: Изд. АН СССР. – том I. – 1950. – 383 с.; том II. – 1950. – 335 с.; том III. – 327 с.
25. Горбунова Н.Г. Некоторые итоги исследования поселений Ферганы Кушанского времени // ТД сессии, посвященной итогам полевых археологических исследований. Ташкент., 1973. С. 133.

26. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Соч. Т. 1. Москва., 1963. С. 212-222.

Administrative centers of fergana in the VI-VIII centuries

In early medieval ages, Fergana valley was dominated by several rulers and such cities as Akhsikent, Koson, Kuva, Uzgend, Isfara functioned as the administrative center. Most of them had local dynasties with their own rule having such traditions as statehood, territory, ruler, title, governing apparatus, residence, army, administrative symbols, and etc. In that period, the ancient dynasty in the valley was substituted by the Ferghana Ashina dynasty which was a branch of the Western Turkic Empire, and chose Koson as its administrative center.

Key words. Headquarters, Capital, Sovereignty, Akhsikent, Kasan, Kuva, Uzgend, Isfara.

Административные центры ферганы в VI-VIII веках

Аннотация. В Ферганской долине в раннем средневековье существовали несколько владений и такие города как Ахсикент, Касан, Кува, Узген, Исфара были административными центрами этих владений. Большинство из них управлялись местными династиями с отдельным управлением, и они имели государственные традиции как территория, правители, ранги, административная система, резиденция, армия, государственные символы и т.д. В течение этого периода древние династии долины были заменены Ферганской династией Ашина, которая была одной из ветвей Западного Тюркского Каганата. Город Касан превратился в административный центр региона.

Ключевые слова. административный центр, столица, суверенитет, Ахсикент, Касан, Кува, Узген, Исфара.



<https://doi.org/10.5281/zenodo.13847796>

Акмал Самеджанов

“Гидроэнергетика” МЧЖ директори,
e-mail: mahalliy_deputat@mail.ru

НИЁЗБЕК ҚАЛЪАСИ – ТОШКЕНТ КАЛИТИ

Аннотация. Мақолада Қўқон хонлигининг Ниёзбек қалъаси тарихига доир маълумотлар келтирилиши билан бирга, Тошкент шаҳри ва Қўқон хонлиги учун унинг стратегик аҳамияти, забт этилиши ва натижада Тошкент шаҳрининг истеълочилар томонидан босиб олиниши тўғрисидаги маълумотлар тарихийлик, баён этиш, таржима, манбалардаги маълумотларни таҳлил этиш ва қиёсий таҳлил этиш усули асосида ёритиб берилади. Мақолада ушбу қалъа тўғрисида кўплаб тарихий маълумотлар бирлаштирилиб, ягона маълумотлар базаси шакллантирилмоқда.

Калит сўзлар: Ниёзбек қалъаси, Тошкент, Қўқон хонлиги, Чирчиқ дарёси, Чор Россияси, Бўзсув, Ниёзбек қишлоғи, Авлиёота, Чимкент, Зоҳ ариқ, Хоним ариқ, Толебий, М.Черняев, Амирлашкар, мудофаа.

Тошкентнинг ҳудуди, ҳарбий имкониятларини ўрганиш ишлари Россия империяси томонидан фаоллик билан олиб борилган. Хусусан, 1796 йилда келган рус элчилари “Юнусхўжа бошчилигидаги мустақил Тошкент ҳокимиятига Чимкент,

Сайрам, Ниёзбек, Олтинтепа, Қорабулоқ, Сарипун, Темир деган жойлар ва шунингдек, ўнтача қишлоқ қараган”лиги қайд этилади [1, 15-16 б].

Ф.Озодаев ўзининг “XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкент ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихидан очерклар” деб номланган асарида Тошкентдан шарқ томонда, Тошкентни сув билан таъминлайдиган Бўзсув, Зах, Хоним каналлари бошларида, Ниёзбек қалъаси жойлашганлиги ва у гидроиншоотларнинг бош ирмоқлари хавфсизлигини таъминлаганлиги, қалъа ва Тошкент ўртасидаги майдонда аҳоли яшаш манзиллари – қишлоқлар бўлмаганлиги, бу ерда фақатгина кам сонли мавсумий қурилмалар мавжудлиги, ушбу ерлардан дехқончилик пайтида фойдаланилганлигини қайд этиб ўтади [2, 22 б].

Чор Россияси томонидан Тошкент беклиги ва Қўқон хонлигини забт этиш учун олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар давомида унинг Чирчиқ водийсига ҳам қизиқиши ортиб борган. Тошкент шаҳридан 25 км. узоқликда дарё соҳилидаги Ниёзбек қалъаси бу қизиқишни янада ошириб борди. Бу қалъа яқинида шу номдаги қишлоқ ҳам жойлашган эди. Тошкентдан қалъагача олиб борувчи йўл ҳам Ниёзбек йўли номини олган. Маълумотларга қараганда, XVIII аср охирида унга Толебий [Қалдирғочбий]нинг ўғли Ниёзбек асос солган. Бу ерларда унинг отаси ҳарбий қароргоҳини жойлаштирган эди. Қароргоҳ дарёдан ўз сувини оладиган Бўзсув канали бошида ўрнатилган бўлиб, ушбу канални ёпиш ва очиш манипуляциялари орқали Толебийда Тошкентга босим ўтказиш имконияти пайдо бўлди. Хусусан, у Бўзсув канали сувидан фойдалангани учун тошкентликлардан ўлпон олганлиги маълум. Толебий тошкентликлар ва қозоқ жузлари ўртасида обрўси баланд бўлган, доно ва адолатли киши сифатида талқин этилади. Бир воқеа сабаб у халқ орасида Қалдирғочбий номи билан машхур. 1749 йилда вафот этганидан кейин, у Шайхованди Тоҳур мақбараси олдида дафн этилади. Бугун унинг қабри устида мақбара қад ростлаган.

Манбаларда Тула Алибеков Юқори жуз бийи бўлиб, Тошкентни бошқарганлиги, ўзи Тошкент атрофидаги Саратепада яшаганлиги, қўшни ҳудудда Қибрай ботир, Байтикъ исмли қариндошлари турганлиги қайд этилади [3, 25 б] [ушбу номлардан Қибрай, Батқўрғон аҳоли яшаш жойлари келиб чиққан].

Манбаларга кўра, Тoleбий қалмиқ хонига бўйсунадиган васал мақомидаги ҳукмдор бўлган. Тoleбий Йўлбарсхон билан биргаликда Тошкентни бошқариб, ундан ўлпон олган. 1 йиллик ўлпон 40 минг тангага тенг эди. 1739 йилда тошкентликлар Йўлбарсхонни ўлдирганидан кейин у бир ўзи Тошкентни бошқарадиган бўлди. Кейинчалик Кусекбек [4, 402-416 б] уни Тошкент ҳукмронлигидан четлатган ва у Тошкентдан чиқиб кетиб, Чирчиқ дарёсининг Бўзсув канали бошланадиган жойда ўрнашган. Шунга қарамай у айрим ваколатларини, шу қаторда Тошкентдан ўлпон олиш ваколатини ўзида сақлаб қолган [5, 82-83 б].

Ушбу воқеалар Ш.Арслановнинг “Сказка Вятского купца о путешествии в Ташкент в 1741-1742 гг.” маълумотида ҳам ёритиб ўтилган. 1741-1742 йиллари Тошкент шаҳрига Россиядан Ш.Арсланов иштирокида савдогарлар келишади ва кўрган-кечирганларини шу номдаги маълумотида баён қилишади. Унда бу йилларда Тошкентнинг аҳволи, Тoleбийнинг таъсирини ёритувчи бир қатор маълумотлар келтирилган. Хусусан, унда Тошкентга савдо молларини олиб бориш ваҳималилиги, ҳам қароқчилар, ҳам амалдорлар томонидан таланаётганлиги қайд этилади. Асарда Тoleбий Тошкентдан ярим кун узоқликда Тошкентга Цирцют [Чирчиқ] дарёсидан канал бошланадиган жойда ўзига шаҳарча бунёд этганлиги, бу ерда Кусекбекдан қочганлар ҳам жойлашганлиги ва нон етиштираётганлиги, Тoleбий хоҳласа Тошкентга борадиган канални ёпиб қўйиши ва бошқа томонга буриб юбориши мумкинлигини кўрсатиб ўтган эди [6, 402-416 б].

1784 йилда Тошкентдаги 4 даҳа [Кўкча, Себзор, Шайхонтоҳур ва Бешёғоч] ҳокими ҳукмронлиги барҳам топиб, Шайхонтоҳур даҳаси ҳокими, Шайхованди Тоҳур шайхининг авлодидан бўлган Юнусхўжа мустақил Тошкент давлатига асос солади ва атрофдаги ерларни забт этиш сиёсатини фаоллик билан амалга оширади. Хусусан, унинг ҳукмронлиги даврида қозоқларнинг юқори жуздан бўлган қабилалари таъсирида бўлган Чимкент, Сайрам, Туркистон, Қурама, Ниёзбек, Олтинтепа, Қорабулоқ, Саурон шаҳарлари ва қишлоқлари забт этилади.

Юнусхўжанинг ўғилларидан бири бўлган Хонхожи Ниёзбек қалъасига кўмондон этиб тайинланади. Кейинчалик, Кўқон хони Олимхон укаси Умар томонидан қўлга олиниб, у Кўқонда қатл этилади.

Тарихчи А.Зияевга кўра, Ниёзбек қалъаси Тошкентни сув билан таъминлайдиган Бўзсув каналини кўриқлаш учун қурилган. Тошкент шаҳрининг кўп асрлик тарихи давомида Тошкентни босиб олиш асносида душманлар тўғон қуриб, Бўзсув ариғини неча марталаб бўғиб қўйишган ва шу тариқа шаҳарликларни мажбуран таслим қилишган. XIX аср бошида Кўқон қўшинлари ҳам шундай йўл тутганди.

Шу боис, мазкур қисмнинг муҳофафасига алоҳида эътибор берилиб, бу ерда 1850 йилларда эскилари ўрнига томонлари тенг бўлмаган тўртбурчак шаклида янги қалъа қурилган эди. 0,7 га майдонли ҳудудга эга бўлган энг узун девор 96 м га чўзилган, девор пойдеворининг эни 10 м гача борган, баландлиги 6 м га етган қалъа теварагига уч томондан эни ва чуқурлиги 6 м дан зовур қазилган.

Чирчиқ дарёсига қараган тўртинчи девор тик қирғоқ билан туташган ва босқин чоғида деярли ошиб ўтолмайдиган бўлган.

Қалъанинг бурчаклари тўплар ва баланд шинаклар учун майдончалари бўлган кенг миноралар билан мустаҳкамланган. Ниёзбек қалъаси арки чорси шаклда бўлиб,

жануби-шарқий деворга туташган икки қаторли шинаклар ва бурчак миноралари бўлган бақувват деворлар билан мустаҳкамланган [7, 7 б].

Чирчиқ дарёсининг қирғоғида жойлашган ва Тошкентдан 25 чақирим масофадаги Ниёзбек қалъасининг ушбу салоҳиятидан фойдаланиш мақсадида Чор Россиясининг генерали М.Г.Черняев бошчилигидаги ҳарбий операция бошланади. У 1865 йил 27 апрель куни 9 та рота аскар ва 12 та замбарак билан Ниёзбек қалъасига яқинлашади. Бу истехком тўрт томондан 3 метр баландликдаги қалин девор ва сув тўлдирилган зовур билан ўралган эди. Деворнинг тўрт бурчагида минораси бўлган.

1909 йилда нашр этилган “Ўрта Осиёнинг босиб олинishi тўғрисида тарихий тадрижий маълумотнома” асарида бу қўшин таркиби қуйидагича санаб ўтилган: 1865 йил 29 апрель. Генерал Черняев отряди [8-Ғарбий Сибирь батальонининг 2 та ротаси, йиғма ўқчи батальонининг 4 та ротаси, Ғарбий Сибирь батальонининг 1 та ротаси, 4-Оренбург батальонининг 2 та ротаси, 2 та Оренбург сафарбар батальони, Сибирь пиёда ва отлик артиллериясининг дивизионлари, Сирдарё ҳаракатчан артиллерияси, Ўрол казакларининг бир ярим юзлиги ва ракетачилар командаси] Қўқон хонлигининг Ниёзбек қалъасини олди [8, 106 б]. М.Черняев хоин чувалачилик юзбоши Абдурахмонбек Шодмонбек ўғли бошчилигида элчи юбориб, қалъа бошлиғидан таслим бўлишни талаб этади.

Рад жавоби олингандан кейин, 29 апрель куни эрталаб генерал Качалов бошчилигидаги аскарлар қалъани тўплардан ўққа тутди. Ўша куни соат 3 да Тошкент томонидан 3 минг кишилиқ ватан ҳимоячилари 2 та замбарак билан келиб, генерал Черняев аскарлари билан тўқнашди, бироқ енгилди. Шундан кейин, Ниёзбек қалъасига ҳужум давом эттирилиб, у босиб олинди. 370 сарбоз асир олинди, 6 тўп ва 315 қурол ўлжа сифатида душман қўлига ўтди. Тошкент сувсиз қолдирилди. Ёзга бориб, Тошкент ҳам эгалланди [9, 19-22 б].

Маълумотларга кўра, генерал М.Г.Черняев Ниёзбек қалъасини забт этиб, Тошкентни сувсиз қолдирганидан сўнг шаҳарга яқин жойга жойлашиб, хужумга ва қарши хужумга тайёргарлик бошлаганида унинг аскарлари томонидан шаҳар ташқарисида боқилган қора молларни ўғирлаб кетиш ҳоллари ҳам қайд этилган [10, 114 б].

“Тарихи Жаҳоннамои” асарининг муаллифи Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий қалъанинг забт этилишини қуйидагича тавсифлайди: “Ниҳоят, ўн иккинчи зу-л-ҳижжа ойида кофирларнинг Ниёзбек қалъасини олганлиги тўғрисидаги хабари ҳамма жойга тарқалди. Бу воқеанинг баёни шундай. Шанба 2 куни тунда [ўруслар] ўғридек қалъа деворларидан чиқиб, тўпу туфангларидан созу наво чиқариб, ғафлатда ётганларни уйғотдилар. Тун зим-зиё бўлгани учун кулфатзада кишилар бу даҳшатли воқеадан хабар топиб, баъзилари ўзларини дарёга, баъзилари қалъа деворидан пастга ташладилар, кўплари кофирларга асир тушдилар. Эртасига ранго-ранг қуёш Оллоҳ амри ила бошини осмон даричасидан чиқариб, атрофни соф ва нуруний қилди. Ҳар тарафга паришон аҳволда тарқалган сарбозлар зу-л-ҳижжа, якшанба куни бу хабарни Хўқандга етказдилар. Замона умаролари ва фуқаронинг катта-кичиги бу даҳшатли воқеадан хотирлари паришон бўлди”.

Ниёзбек қалъасини 1935 йилда археолог В.Д.Жуков тадқиқ қилган ва унга кўра, қалъа тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, атрофи тупроқ кўтарма билан ўралган. Қалъанинг устки қисмидан Қўқон хонлиги даврига оид материаллар топилган.

Генерал М.Г.Черняев бошчилигидаги чор кўшинлари томонидан Ниёзбек қалъаси эгалланиши билан [1865] Тошкент аҳолиси сувсиз қолган ва Тошкент қамали бошланган [11, Ниёзбек қалъаси]. “Тошкент калити” номини олган Ниёзбек қалъасининг енгилиши Тошкентнинг тақдирини ҳал қилган эди.

Ниёзбек қалъасининг забт этилиши З.А.Илҳомовнинг “Амирлашқар тарихи” монографиясида батафсил ёритилган.

“Иқон жангидан ғалаба билан қайтган Алиқули Амирлашкар Ёқуббек Бадавлат орқали Тошкент ҳокими Мирзо Аҳмад кушбеги ва ҳарбий бошлиқларга шаҳар мудофаасини мустаҳкамлаш ва Ниёзбек қалъасининг ҳам бузилган деворларини қайтадан тузатиб мустаҳкамлашни, зинҳор Тошкент ҳамда унинг атрофларига чор қўшинларининг бостириб келишларига йўл қўймасликни буюриб ўзи Қўқонга қайтади...”.

Абдурахмонбек Шодмон ўғли эса Тошкент шаҳрининг Чувалачи маҳалласидаги уйда туриб, чор қўшинлари қўмондони генерал М.Г.Черняевга хонликда, хусусан, Тошкент ва унинг атрофларида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан, хонликнинг ҳарбий имкониятлари чор қўшинларига қарши мудофаа масаласида олиб борилаётган ишлар борасида муҳим ахборот етказиб турган. Абдурахмонбекнинг энг катта хоинликларидан бири Тошкент мудофааси вақтида Бўзсув каналининг тўғонини буздириб, Чирчиқ дарёсига буриб юбориш ҳақида Черняевга “қимматли” маслаҳат берганлиги эди. Бундан хабар топган Султон Саййидхон ва Алиқули Амирлашкар Абдурахмонбекни жазоламоқчи бўлганида, у Тешиққоққа дарвозасидан чиқиб, Черняев хузурига қочиб кетади. Алиқули эса унинг мол-мулкни мусодара қилишга фармон беради...

Хонликнинг ички ҳудудларида, хусусан, Тошкент шаҳрида юзага келган бундай вазият Черняевнинг Тошкентга бўлган юришини тезлаштиришига ва айниқса, Ниёзбек қалъасини босиб олишга бўлган иштиёқини кучайтириб юборди, чунки хоинлар томонидан чор Россияси ҳаракатдаги армияларининг қўмондонлигига Ниёзбек қалъаси Тошкент шаҳрини асосий сув билан таъминловчи тўғон бошига қурилган махсус қалъа эканлиги, агар подшо қўшинлари шу қалъани босиб олиб, Тошкентга борадиган сувни Чирчиқ дарёсига буриб юборса, шаҳар аҳолиси ва мудофаачилари сувсизликдан қийналишлари ва руслар осонлик билан Тошкентни қўлга киритишлари мумкинлиги айтилган эди.

Хоинларнинг бу ахборотларини етарлича ўрганиб чиққан Черняев Тошкентга юришдан аввал Ниёзбек қалъасини босиб олиш ҳаракатига тушган эди.

Ўз навбатида, Алиқули Амирлашкар ҳам Ниёзбек қалъасининг Тошкент шаҳри хавфсизлиги ва мудофааси учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини жуда яхши англади. Шунинг учун, у Қўқондан туриб Ниёзбек қалъасининг мудофаа қобилятини ошириш ва қалъа деворларини мустаҳкамлаш ҳамда бирон-бир кишининг хоинлик қилишига йўл қўймаслигини қалъа бошлиқларига қатъий тайинлайди”.

Алиқули Амирлашкар Ниёзбек қалъаси қўмондони Мулла Эрмуҳаммад ҳамда Мулла Йўлдош, Холикул, Тоғабий понсадларга қуйидаги мазмунда ўзининг буйруғи акс этган мактубини юборади: “Сизга шуни маълум қиламанки, ушбу мактубни олгач, унда ёзилган ҳар бир вазифани ниҳоятда мукамал қилиб бажаришингиз лозим: Қанғли ва бошқа уруғлардан йигитларни йиғинг ва барчаларини Ниёзбек қалъасига деворларни мустаҳкамлаш ва мудофаа иншоотларини таъмирлаш ишларига юборинг, агар, Ниёзбек қалъасида деворлар ва бошқалар ҳаддан ташқари хароб аҳволда бўлса ва уни таъмирлаш учун қўшимча кучлар зарур бўлса, қалъа қўшинларини ҳам жалб қилишингизга рухсат бераман.

Агар руслар Ниёзбек қалъасига бостириб келса ва қалъа атрофидаги қўрғонларда яшовчи аҳоли руслар томонига ўтиб кетадиган бўлса, уларни жазоланг ва қўрғонларини ёқиб юборинг. Бу қўрғонлардаги барча мол-мулкларни ва чорва молларини ўзингизга олишингиз мумкин, ўлжа олинган барча ёғочларни эса қалъа мудофааси учун зарур бўлган жойларга ишлатинг. Руслар томонига қанча аҳоли ўтиб кетганлигини аниқланг, шунингдек, улардан ўлжа олинган чорва моллари ва бошқа мол-мулкларнинг миқдори ҳақида менга маълумот юборинг.

Сизнинг менга ёзиб юборадиган мактубингизга асосланиб, мен кейинги қиладиган ишларингиз ҳақида кўрсатмаларни бераман, зарур бўлса ўзим ҳам дарҳол қўшин билан етиб бораман.

Ҳозирча эса, Сизнинг ихтиёрингизга Андижон ва Тўрақўрғон бекларини қўшинлари билан биргаликда юбормоқдаман. Умид қиламанки, тез кунларда улар ўз қўшинлари билан Сизга ёрдамга етиб борадилар.

Руслар ҳақида бирор-бир гап эшитсангизлар, дарҳол мени хабардор қилинглар” [12, 89-98 б, 13].

Мулло Юнус Тошкандий Ниёзбек қалъаси мудофааси билан боғлиқ воқеаларни анча батафсил тасвирлайди: “Ҳижрий 1280 йил зул-ҳижжа ойининг 13 кунда 3 рус қўшинлари Ниёзбек қалъасига бостириб келди. Ўша вақтда қалъа бошлиғи Ботчаботир деган одам эди. Қўш парвоначи Тошкент қўшинлари билан Дўрмонга келди. Кейинги кун тонгда Қўш парвоначи қўшин билан бугунги Қибрай қишлоғи яқинидаги тепаликларга ўрнашди ва чор қўшинларининг ҳаракатларини кузата бошлади. Ботчаботир эса, бир неча замбаракларни олиб, Уймовут ариғи яқинига жойлашди ва душман жойлашган томонга замбараклардан бир неча огоҳлантирувчи ўқ узди.

Шу вақтда чор қўшинлари тўпидан бир нечта отлик қирғизлар ажралиб чиқиб, бугунги Қибрай томонга юрди. Қўш парвоначига руслар орқага чекина бошладилар, деган хабар келди ва у қўшин билан Тошкентга қайтиб кетди.

Қўш парвоначи Тошкентга етиб келиши биланок, руслар орқага қайтиб, Ниёзбек қалъасини эгаллаб олдилар” [14, 80-81 б].

Подшо армияси қўшинлари Тошкентнинг асосий сув манбаи бўлган Ниёзбек қалъасини қўлга киритадилар ва Тошкентга қарши ҳужум қилишда қулай имкониятга эга бўладилар. Ниёзбек қалъасининг босиб олиниши ҳақида ҳарбий вазирга юборилган телеграммада шундай сўзларни ўқиш мумкин: “29 апрелда

Черняев Тошкентдан 25 чақирим нарида жойлашган, Чирчиқ дарёси бўйидаги Ниёзбек қалъасини босиб олди. Ниёзбек қалъаси Тошкентни сув билан таъминланишини назорат қилган” [15].

Ниёзбек қалъаси тўғрисида В.Фесенконинг изланишларини ҳам ёритиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлган бўлар эди. Унга кўра, эски Тошкентнинг Қашқар дарвозасидан ташқаридаги шимоли-шарқий томонга олиб борувчи 25 км га чўзилган йўл қалъага олиб борган. Ушбу қалъа олдида шу номдаги қишлоқ ва тепалик жойлашган. Уччасининг номи ҳам Ниёзбек бўлган. Ниёзбек қалъасидан Тошкентга олиб борувчи йўл ҳам Ниёзбек номи билан тилга олинган. 1917 йилдаги инқилобгача Тошкент уездида Ниёзбек волости бўлган.

В. Фесенко ўз мақоласида Ниёзбек қалъаси қаерда жойлашганлиги юзасидан изланишларини олиб бориб, қуйидаги хулосага келади:

Бугунги кунда Бозсув канали 1943 йил 15 мартда фойдаланишга топширилган Оқ-қовоқ-1 ГЭСнинг қуйи бьефидан бошланади. Бироқ ГЭС ортида ҳам дарё эмас, балки деривацион канал оқиб ўтади. Тарихдан маълумки, Бозсув канали бевосита Чирчиқ дарёсининг ўзидан оқиб чиққан. Бозсув каналининг бош қисми 1908-1912 йилларда янги жойдан қазилган. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, Чирчиқ дарёсининг ирмоғи доимо ўзгариб борган: айрим жойларда кенгайган ёки торайган, чап томонга ёки ўнг томонга қийшайган. XX асрнинг 40 йилларида Чирчиқ шаҳридаги деривация тизими қайта кўриб чиқилган ва янги каналлар қазилган. Тахминларга кўра, Бозсув каналининг бошланиши собиқ “Капролоктам” корхонасининг ишлаб чиқариш майдончаси ҳудудида бўлган. Демак, Толебийнинг ҳарбий қароргоҳи ҳам шу атрофда жойлашган бўлиши мумкин. Бугун унинг бир қисмида православ қабристонини жойлашган.

Бозсув каналини беркитиш билан Тошкентга таҳдид қилиш ҳолатлари ёзма тарихий маълумотларга кўра икки марта содир бўлган: 1808 йилда қўқонликлар

Тошкент шаҳрини забт эта олмаганларида Ниёзбек қалъасини босиб оладилар ва ушбу воқеадан 57 йилдан сўнг генерал М.Черняев 1865 йилда ушбу қалъани забт этганида содир бўлган [16].

Чирчиқ шаҳри, электрокимёсаноат корхонаси тарихи тўғрисидаги кўплаб мақолалар ва китоблар муаллифи Чирчиқ шаҳар фахрийси бўлган С.Якубов Бозсув дарёсининг тўғони “Чирчиқ” темир йўл станцияси рўпарасида бўлган деб кўрсатади. “Зах” ва “Хоним” каналлари тўғони ҳам ушбу тарафда бунёд этилганлигини таъкидлайди [17]. Археологлар таъкидлашича, қалъа “Бозсув” темир йўл станциясига яқин жойлашган. Хусусан, “Ниёзбек қалъа [Г.В.Парфенов, Н.Б.Немцова] Бозсув канали бўйида жойлашган, Бозсув темир йўл станцияси яқинида. Пишиқ ғиштдан терилган XVI ёки XVII асрга тааллуқли мақбара иншоот очилган. Топилган сопол идишлар XI-XII асрларга тааллуқли” [18, 33 б].

Маълумотларга кўра, Ниёзбек қалъасидан Тошкентгача олиб борган йўл давомида аҳоли манзиллари бўлмаган. “Тошкентдан 30 верст узоқликда, Бозсув ариғи бошида, Ниёзбек қалъаси бўлган, у шу номдаги замонавий “Ниёзбек” қишлоғига нисбатан ариққа бироз яқинроқ жойлашган. Ниёзбек қалъасидан Тошкентнинг ўзигача бўлган йўл мутлоқ чўл, аҳоли жойлашмаган ердан ўтган ва бугунги Троицк бутун йўли давомида на тепалик қисмда, на Чирчиқ дарёси қирғоқ бўйлари террасида қишлоқ бўлмаган. Ҳозир бу ерда қатор овуллар жойлашган ва кенг шоли далалари бор” [19, 114 б].

Бугун Чирчиқ шаҳрида Ниёзбек қалъасининг ёдгорликлари сақланиб қолинмаган ва шу боис у қаерда жойлашганлиги тўғрисида турли талқинлар келтирилмоқда. Шаҳар фахрийларининг хотирлашича, бу қалъа айнан собиқ “Капролактан” корхонаси ва унга туташ бўлган ерларда жойлашган. Нима бўлганда ҳам қалъа харобалари, қолдиқлари 1956 йилда ҳам мавжуд бўлган. И.Баишев, В.Массон ўзларининг “Археологические разведки в районе Ташкента” мақоласида

келтирган “Тошкент тумани археологик ёдгорликлари харитаси”да “Ниёзбек қалъаси харобалари” жойлашуви кўрсатилган [20, 135 б]. Шунингдек, ушбу мақолада Ниёзбек қалъаси Тошкентдан 28 км. узоқликда Бозсув станцияси [темир йўл станцияси] ўрнида бўлганлиги ишора қилинган.

Юқорида қайд этилганидек, Ниёзбек қалъаси ва Ниёзбек йўлидан ташқари Ниёзбек тепалиги ҳам шу атрофда жойлашган. 1959 йилда ушбу жойда археологик тадқиқотлар олиб борилади. Унга археолог Нина Борисовна Немцова раҳбарлик қилган эди. “Ташкентская правда” газетасида унинг ушбу тадқиқот бўйича маълумоти берилган эди: Ниёзбек тепалигида хўжалик иншооти учун ер текисланиб, тозаланаётганда бульдозер остидаги ер бирданига ўтиради. Археологлар таклиф этилади. Улар ўрта асрларга тааллуқли ғишт билан терилган кудуқ ва бошқа иншоотларни аниқлайдилар.

Ўрганиш давомида кўплаб сополдан тайёрланган идишлар топилиб, улар XI-XII асрга тегишли деб топилган.

Қалъанинг ўзи XI-XII асрда қурилган, балки ундан олдин ҳамдир, деган хулоса қилинади [21].

Қалъа қадимий эканлигини маҳаллий аҳоли яхши билган эди, шу боис у вайрон этилиб, ҳаробага айлантирилганида аҳоли унинг гувалалари, ғишларини “авлиёлар ўтган жой” деб териб кетишни бошлаган.

1976 йилда нашр этилган расмий манбаларда “Ниёзбек қалъаси харобалари” Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашганлиги кўрсатилган. Ушбу маълумотларга кўра, қалъа Тошкент вилояти ва унинг атрофини сув билан таъминловчи қадимий ирригацион иншоот – Бўзсувни душмандан ҳимоя қилиш учун қурилган [22, 645 б].

Ниёзбек қалъасининг забт этилиши ва унинг оқибатлари тўғрисида генерал М.Г.Черняевнинг ҳисоботлари ҳам аҳамиятли тарихий ҳужжатдир. Бу ҳисобот-

маълумотномаларда у ўз истилоларини легаллаштиришга, легитимлаштиришга ҳаракат қилиши билан бирга аскарларининг довюраклигини ҳам тез-тез қайтариб туради. Бугунги кун ўқувчиси уларни ўқиш жараёнида ўша даврдаги истилочилар томонидан қўлланилган ҳимоя механизмлари [ўзини оқлаш, истилоларни легаллаштириш, забт этилаётган ҳудуд аҳолисининг ёрдам бериш муурожаатларини қондириш ва ҳок.] бугун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигини, аксинча улар истилочини очиқ-ойдин фош қилиб беришини тушуниб етади.

Шу ўринда, генерал М.Г.Черняевнинг кўплаб ҳисобот-маълумотлари орасида айнан Ниёзбек қалъасининг қамал қилиниши ва забт этилиши, сўнг эса Чирчиқ дарёсининг икки йирик ирмоғини буриб юбориб, Тошкент шаҳрига босим ўтказганлиги юзасидан Чор подшосига йўллаган иккита ҳисобот-маълумотноманинг матнини келтиришни жоиз деб топдик.

Генерал Черняевнинг 1868 йил 2 майдаги ҳисобот-маълумотномасидан кўчирма

... Ушбу шаҳарни куч билан эгаллаш учун амалдаги шароитларнинг қулай эмаслигини ҳисоблаган ҳолда, шу билан бирга уни бевосита бизга қарам вазиятга қўйиш кераклигини тушиниб, мен Тошкентни доимо ўз қўлларимда ушлаб туришим учун шаҳар сувларига эгалик қилувчи Ниёзбек қалъасини эгаллашга қарор қилдим.

27 санада Тошкент тўғри йўлидан бурилиб, мен кейинги кун Ниёзбек қалъасига бораётгандим ва қўмондонга қалъани топширишни таклиф қилдим. Рад жавобини олиб, мен ўз ёрдамчим генерал-майёр Качаловга қалъани эгаллаш вазифасини бердим.

Зудлик билан қалъанинг аниқ рекогносцировкасини тайёрлаб, генерал Качалов батареяларни ўрнатиш учун жойни танлади ва кўрсатиб берди, улар шу кечанинг ўзида жойлаштирилди.

Ниёзбек қалъаси Чирчиқ дарёсининг чап қиргоғида, Тошкентдан 25 верст шимоли-шарқда очик ва мутлоқ текис жойда жойлашган. У нотўғри тўрт бурчак кўринишида қурилган, девор узунлиги 35, 38, 39 ва 47 сажень ва баландлиги уч сажень. Девор бурчакларида унчалик аҳамиятли бўлмаган вал устида миноралар бўлиб, уларда қуrolланган барбетлар ва баланд амбразурлар жойлашган. Қалъа уч томондан кенглиги уч сажень ва чуқурлиги ҳудди шундай бўлган хандақ билан ўралган; Чирчиқ томонга қаратилган девор дарё қиргоғи билан туташган. Хандақ шимоли-ғарбий деворлар олдида қазилган ариқдаги сув билан қулай тўлдирилиши мумкин. Асосидаги девор қалинлиги беш саженгача, юзаси деярли бўрттирилган; барча девор узунлигида бойницалар, айрим жойларда 2 ярус қилиб ўрнатилган. Жанубий бурчакдаги дарвозалар мустаҳкам траверс билан ҳимояланган ва дарё томонидан пиёда одамлар учун ёпиқ йўлакка эга.

Умуман олганда, ушбу қалъа ўзининг жойлашувига кўра ва профилига кўра ҳам хонликнинг энг кучли қалъаларидан бирига тегишли бўлиши керак.

Мудофаа батареялар ўрнатилди: биттаси шимолий бурчакка қарама-қарши ўрнатилиб, 215 ва бошқаси ғарбдагисига қарама-қарши 170 сажень узоқликда жойлаштирилди. Ишлар кун ёришига тугатилди ва батареялар зудлик билан қуrolлантирилди: биринчиси $\frac{1}{2}$ пуд мортир ва иккита батарея қуроли билан.

Тонг ёришиши билан бизнинг иккита батареядан зудлик билан ўқ отилиши бошланди. Рақиб барча қуrol, милтиқ ва фальконетлардан жуда фаоллик билан жавоб қайтарарди, лекин бизнинг батареяларимиз жуда яқин масофадан ҳаракат қилиб, бир неча соатдан кўп вақтни олмай иккита барбетни тушириб юбордилар ва рақибнинг бошида аҳамиятли даражада заифлашувига, кейин эса артиллерия ўқини тўлиқ тўхтатишига мажбур қилдилар. Милтиқ ва фальконетлардан ўқ узиш бир мунча узоқроқ давом этди, лекин у ҳам кеч тушишидан анча олдин жим бўлди.

Артиллериянинг бундай аёвсиз ҳаракати Ниёзбек гарнизонини бизга зиён етказиши имкониятидан маҳрум қилиб, катта йўқотишларига олиб келган бўлса ҳам, лекин унинг қатъийлигига таъсир қилмади ва унга қалъани топшириши тўғрисида иккинчи бор юборилган таклифни рад этди, балки Тошкентдан тезкор ёрдамга умид боғлагандир. Ҳақиқатдан ҳам, куннинг 3-соатида Тошкент томондан Ниёзбекка иккита қурол билан 3000 сондаги қўшин тортиб келинаётганлиги, рақиб пикетлари бизнинг пикетларимиз билан кўчиб ўтганлиги тўғрисида хабар олинди.

Ушбу хабарни олганимдан кейин, мен лагердан 5-ротанинг $\frac{1}{2}$ қисми ва 4 та қурол билан чиқиб, 3 верст юриб, яқиндаги боғларда ўрнашган рақиб билан учрашдим. Артиллерия ўқи билан рақиб позициясидан чиқариб олинди, 6 верст мософада тезкор тақиб билан эса – қочошига йўналтирилди.

Шу билан бирга қалъани бомбардимон қилиши кучайтирилди. Ушбу қамалга кўп вақт ва ҳарбий захирага эга бўлмай туриб, гарнизоннинг ажойиб қатъийлигини кўриб, кечка бориб деворни қулатиши ва қалъани шиддат билан забт этиши учун батареяларни яна иккита қурол ва фугас дастгоҳлар билан кучайтириши зарурлиги тан олинди. Бир неча соат ўтганидан кейин шимолий-ғарбий девор тўлиқ буздирилди, ҳужум қилаётган қисм вал устига бемалол чиқиши мумкин эди.

Қалъа гарнизони тақдир ҳужуми яқин эканлигини англаган ҳолда ва унга ёрдамга юборилган қўқонликларнинг чекинганлигидан хабар топиб, иккиланиб, биз билан музокараларга ўтди – ўша 29 сананинг кечки соат 10:00 да қалъани топширди.

Бизнинг трофейларимиз - 370 киши - ҳарбий асирлар, 6 та катта калибрдаги қуроллар, 7 та фальконетлар, 315 та милтиқ, 105 та шашка ва кўплаб граната, ядро, картеч ва порохлар.

Бизнинг йўқотишларимиз - қуйи мартабадагиларнинг 7 нафари енгил жароҳатланган ва контузияланган.

Ниёзбекни забт этганимиздан кейин Тошкентга муносабатларимиз аниқлаштирилди. Ушбу банд барча муносабатларда ўта муҳим ва мен унинг эгалланишидан бундан кам бўлмаган натижаларга эришиши мумкинлигини кутишга асосларим бор.

Отряддаги барча мартабадагилар ўз мажбуриятларини ҳақиқий бажарганлигига зарур адолат билан қараши керак, Сиз олий паноҳга қамални бошқарган генерал-майор Качалов, қамални амалга оширган муҳандис-капитан Яблонскийнинг хизматларини алоҳида қониқиши билан тасдиқлайман. Ушбу офицерлар қалъа қамалининг асосий бажарувчилари эдилар ва уларнинг ягона меҳнати, бошқариши қобилияти ва шахсий жасурлиги билан бизга муҳим ушбу манзилнинг тез ва муваффақиятли забт этилиши учун биз улар олдида қарздормиз. Ниёзбек қалъаси забт этилишининг бутун шарафи баҳс-мунозарасиз уларга тегишли.

Бундан ташқари, генерал Качалов томонидан тасдиқланган бутун қамал даврида жасурлик ва қатъийлик кўрсатганлар тўғрисида жим тура олмайман: қўшма ўқчи батальон командири майор Де-ла-Кроа, ўша батальон поручик йўриқчиси Мьяцев ва подпоручик Пузерева, артиллерия поручиги Маевский ва прапоршиклар Янушев ва Служенко [24, 156-157 б].

Ниёзбек қалъасининг забт этилиши стратегик аҳамиятга эга бўлиб, мақсадли режалаштирилганди. Бу қалъа, айрим муаллифлар қайд этганидек, Чор Россияси ҳарбийларининг Тошкент томон юришида йўл-йўлакай шунчаки босиб олинмади. Ушбу қалъани забт этишда тошкентлик сотқинлардан ёки ўша давр Чор Россияси ҳарбийлари ва тарихчиларининг тили билан айтганда “бизнинг тарафдорларимиз”дан самарали фойдаланилди.

1865 йилда Ниёзбек қалъасини забт этишда генерал М.Г.Черняев хужуми доирасида берган биринчи топшириқларидан бири ирригацион иншоотларни

буздириш билан боғлиқ эди. Ушбу иншоотларнинг бузилиши Тошкент шаҳрини қисқа муддатда забт этиш имкониятини берган эди. А.И.Добромисловга кўра, Ниёзбек қалъаси Бозсув ва Зоҳарик сув тўғонлари ҳимоясини ташкил этиб келган ва унинг забт этилиши ушбу тўғонларнинг буздирилишига олиб келди. Қирғизқулоқ қишлоғи яқинида Зоҳарик тўғони буздирилиб, унинг сувлари Бозсувга ва қисман Чирчиқ дарёга йўналди. Бозсув канали шунча катта миқдорда сувни қабул қилиш имкониятига эга бўлмай, қирғоқлари бузилиб, сувлари дарёга чиқиб кетади. Ниёзбек тўғони алоҳида топшириқ билан буздириб ташланди. Натижада Чирчиқ дарёсининг ўнг тарафидаги ирригацион тизим издан чиқди. Бу ҳолат эса аҳолининг қунадлик ҳаётига салбий таъсир кўрсатди ва бир неча бор тегишли раҳбариятга мурожаатлари натижасида 1868-1869 йиллардагина бузилган сув тизимини тартибга келтириш ишлари бошлаб юборилди, Ниёзбек тўғонлари эса тикланди [25, 136-138 б].

А.П.Хорошин ўзининг 1876 йилда нашр этилган “Сборникъ статей касающихся Туркестанского края” асарида Ниёзбек тўғони тўғрисида маълумот бериб ўтган. Унда қуйидаги сатрлар бор: “Тошкент Бўзсув сувида жойлашган, у Ниёзбек тарафда Чирчиқ дарёсидан чиқади, бу жой Тошкентдан 40-50 масофа юқорида. Тошкентликлар ушбу дарёда ҳар йили ўша жойида тўғон бунёд этадилар ва шундай тартибда шаҳар ва унинг ҳудудларини сув билан таъминлайдилар. Бўзсув бутун шаҳар орқали ўтади, диаметрда 10 верстгача тенг, ва ҳар бир ҳовли ва боғни суғорадиган кўплаб ариқларга тақсимланган. Оқсоқолларнинг яхши эмаслиги учун у аҳмоқона мустаҳкамланган ёки биз эгаллашимизгача Тошкент кўплаб маротаба ҳарбий тўқнашувлар остида қолганлиги боис айрим ҳолларда аҳоли сувга эҳтиёж сезган, чунки тўғонисиз Чирчиқ Бўзсувга сув бермайди ва шаҳар ариқлари қуруқ қолади. Лекин тинч даврда тўғонни таъмирлаш аҳолидан йиғилган пул эвазига тезда

амалга оширилади, ҳарбий даврда Тошкент шаҳрида кўп бўлмаган кудуклар очилади [26, 78-79 б].

Шундай қилиб, Ниёзбек қалъаси Қўқон хонлигининг муҳим ирригацион иншоотларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда, “Тошкент калити” сифатида муҳим ҳарбий стратегик аҳамиятга эга бўлган, унинг забт этилиши ўз вақтида қўқонликлар (1810 й.)га ва кейинчалик руслар (1865 й.)га Марказий Осиёнинг стратегик манзили – Тошкент шаҳрини забт этишга имконият яратди. Ўрта асрлар, Собиқ умумиттифок даврида ва бугун ҳам Чирчиқ шаҳрида ҳарбий қисмлар жойлашган ва бу бежиз эмас. Чирчиқ шаҳрининг стратегик аҳамиятини ўрганиш нафақат тарихчилар, балки стратегия, конфликтология мутахассислари учун ҳам қизиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Зияев Ҳ. Тошкентнинг Россияга қўши олиниши. – Тошкент: “Фан”, 1967. Б. 15-16.
2. Озодаев Ф. XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкент ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихидан очерклар. – Фанлар академияси нашриёти, Т.: 1959, Б. 22.
3. Гроденковъ Н.И. Киргизы и каракиргизы Сыръ-дарьинской области. Т.1. Юридическiй бытъ. – Ташкентъ. Типо-Литографiя С.И.Лахтина. 1889. С.25.
4. Арсланов Ш. Кусекбекни Тошкентда хон ўрнида ўтирган деб таништиради. Манба: Арасланов Ш. Сказка Вятского купца о путешествии в Ташкент в 1741-1742 гг. / Излож. Н. Оглоблина // Русский архив, 1888. – Кн. 2. – Вып. 8. – С. 402-416.
5. История Ташкента. С древнейших времен до победы февральской буржуазно-демократической революции. – Т., “Фан”. 1988. С. 82-83.
6. Арасланов Ш. Сказка Вятского купца о путешествии в Ташкент в 1741-1742 гг. / Излож. Н. Оглоблина // Русский архив, 1888. – Кн. 2. – Вып. 8. – С. 402-416;

7. Зияев А. XIX асрда Тошкент истехкомлари //Мозийдан садо. 2009. – 2 [42]-сон. – Б. 7.
8. Мажид Ҳасаний. Юрт бўйнидаги қилич ёки истило. – Т.: “Адолат”, 1997 й., Б. 106
9. Самеджанов А., Якубов М., Дастиров Р. Чирчиқ – келажакка интилаётган шаҳар. – Т.: “Инновация Зиё”, 2000. Б. 17-22
10. Арсеньева С.Д. Царь освободитель//Царствующий домъ Романовыхъ, выпуск X. – С.-Петербургъ, Сунодальная Типографія. 1912., С 114.
11. “Тошкент” энциклопедияси. – 2009. Ниёзбек қалъаси.
12. Илҳомов З.А. Амирлашкар тарихи. Монография. – Т.: 2008. Б. 89-98.
13. ЎЗР МДА. 715-ф., 1-р., 29-й.ж. 265-в.
14. Мулло Юнус Тошкандий хотиралари. – Б. 80-81. Алишер Навоий номидаги давлат кутубхонаси. Китоб шифри: В 961-3.
15. ЎЗР МДА. 715-ф., 1-р., 29-й.ж. 304-в.
16. Виктор Фесенко. Голова Бозсу и крепость Ниязбек. Топоним Ниязбек// <https://mytashkent.uz/2016/11/19/golova-bozsu-i-krepost-niyazbek/>
17. Якубов С. Как это было // газета “Кимёгар”, 04.08.1995. №25.
18. Шишкин В.А. Узбекистанская археологическая экспедиция АН УзССР [полевые работы 1956-1959]// История материальной культуры Узбекистана. – Т.: Вып. 2, 1961. С. 33.
19. Скворцов Е.А. Из прошлого ирригации Ташкентского района // Вестник ирригации. №1, Апрель, 1926. Изд. Водхоза Средней Азии. С. 114.
20. Баишев И., Массон В. Археологические разведки в районе Ташкента//Археология Средней Азии. Вып. LXXXI, книга 12. Изд. САГУ. – Т.: 1956. С. 135.

21. Раскопки средневековой крепости [на Ниязбекской возвышенности г.Чирчика] // “Ташкентская правда” газетаси, 16 октября 1959 г.

22. Ўзбекистон Совет Энциклопедияси. – Т.7, – Тошкент, 1976. Б. 645.

23. Завоевание Туркестана. Заметки по среднеазиатскому вопросу, Д. И. Романовского. – Санкт-Петербург, 1868. С. 156-157 / *Ўзбек тилига тарж. А.Самеджанов.*

24. Добромысловъ А.И. Ташкентъ въ прошломъ и настоящемъ. Исторический очерк. – Ташкентъ. Типо-лит. О.А.Порцева. 1912., С. 136-138.

25. Хорошхин А.П. Сборникъ статей касающихся Туркестанского края. – С.-Петербургъ. Типографія и хромолитографія А.Траншеля. 1876., С. 78-79.

Аннотация. В статье приведены сведения об истории кокандской крепости Ниязбек, а также о ее стратегическом значении для города Ташкента и Кокандского ханства, ее завоевании и, как следствие, оккупации города Ташкента завоевателями. Статья формируется методом исторического анализа, описанием, переводами текстов, сравнительным анализом. Статья объединяет множество исторических сведений об этой крепости и формирует единую базу данных о ней.

Ключевые слова: крепость Ниязбек, Ташкент, Кокандское ханство, река Чирчик, Царская Россия, Бозсув, село Ниязбек, Авлиё-ота, Шымкент, канал Зах, канал Ханым, Толеби, М. Черняев, Амирлашкар, оборона.

Annotation. The article provides information about the history of the Kokand fortress Niyozbek, as well as its strategic importance for the city of Tashkent and the Kokand Khanate, its conquest and, as a consequence, the occupation of the city of Tashkent by the conquerors. The article is formed by the method of historical analysis, description, translations of texts, and comparative analysis. The article combines a lot of historical information about this fortress and forms a single database about it.

Key words: Niyazbek fortress, Tashkent, Kokand Khanate, Chirchik river, Tsarist Russia, Bozsuv, Niyazbek village, Avliyota, Shymkent, Zakh canal, Khanym canal, Tolebi, M. Chernyaev, Amirlashkar, defense.



<https://doi.org/10.5281/zenodo.13848058>

Akmal Ismoilov

Toshkent Kimyo xalqaro universiteti

Tarix kafedrası o‘qituvchisi.

e-mail: akmalismoilov1994@gmail.com

QADIM VA ILK O‘RTA ASRLARDA O‘RTA OSIYOGA KO‘CHIB KELGAN QABILALAR VA ULARNING TURMUSH TARZI

Annotatsiya. ushbu maqolada Yer yuzining eng yirik uzluksiz quruqlik bo‘lagini shakllantirgan mintaqa haqida bir qancha ma’lumotlar berib o‘tiladi. Xususan, tarixning eng muhim davrlari hisoblangan qadim va ilk o‘rta asrlarda O‘rta Osiyo tomonlarga ko‘chishlar (migratsiya) va uning kelib chiqish sabablari-yu, oqibatlarini haqida atroflicha keltirib o‘tiladi. Aynan davlatchilikning shakllanishida ham ushbu migratsion jarayonlarning muhim ekanligi maqolada yoritiladi.

Tayanch tushunchalar: “Markaziy Osiyo”, “migratsiya”, “konsolidatsiya”, “O‘rta Osiyo”, “skif”, “sarmat”, “massaget”, “sak”, “xalqlarning buyuk ko‘chishi”, “Katta yuechji”, “xion”, “kidar”, “eftal”, “hunlar”, “etnomadaniy jarayonlar”, “turkiy qavmlar”.

Kirish. Hech kimga sir emaski, insoniyat bugunning taraqqiyotiga o‘z-o‘zidan erishib qolmagan. Agar atroflicha fikr yuritib qaralsa, Yer sayyorasidagi har bir davlatning, xalqning o‘z o‘tmishi, tarixi, ibtidoiy davri bor. Zamonaviy tarixchilarning oldida turgan funksional vazifalardan biri ham tarixning uzoq ming yillik qadimdan to bugungacha davrini to‘g‘ri talqin qilish hisoblanadi. Yer yuzining eng yirik uzluksiz quruqlik bo‘lagini shakllantirgan Yevrosiyo qit‘asi (O‘rta Osiyo) tarixda qadimgi davrdan

bugungacha ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy va madaniy jarayonlarni o‘z boshidan o‘tkazgan. Xususan, madaniy jarayonlar bilan bog‘liq migratsiya hodisalari ham tarixshunoslikda muhim harakat hisoblanadi.

Kishilik jamiyati paydo bo‘libdiki, insoniyat turli sabablarga ko‘ra o‘zi yashab turgan makonidan boshqa joyga ko‘chib o‘tishga majbur bo‘lgan. Bu jarayonlar fanda **migratsiya** (lotincha: migration – ko‘chaman, joyimni o‘zgartiraman) atamasi bilan tilga olinadi. Qabilalar, xalqlar oziq-ovqat izlab yoki iqlim o‘zgarishlari, tabiatning injiqliklari tufayli, o‘zaro urushlar va boshqa turli xil sabablarga ko‘ra o‘zi yashab turgan makonidan boshqasiga ko‘chishga majbur bo‘lgan. Tarixda shunday yirik migratsiyalar yuz berganki, natijada yirik davlatlar, imperiyalar vujudaga kelishiga sabab bo‘lgan. Qadimda va o‘rta asrlarda O‘rta Osiyo, jumladan O‘zbekiston xalqlari va davlatchiligi tarixida muhim o‘rin tutgan hamda ko‘chmanchilik siyosiy iqtisodiga asoslangan **sak-massagetlar, hunlar, yuechji-kushonlar, eftaliylar, qadimgi turklar, Qoraxoniylar** kabi yirik Yevrosiyo dala-qirlari imperiyalarining mohiyatini tadqiq etish dolzarb vazifalardan biri sanaladi. [1, 4-b.].

Ilk yozma manbalar qadimgi Yunon va Rim mualliflarining asarlarida Orolbo‘yi va Oks (Amudaryo) hamda Yaksart (Sirdaryo), Movarounnahr hamda Boxtarda (Baqtriya) yashagan qabila va elatlar tilga olinadi.

Masalan, antik davr mualliflaridan miletlik Gekatey, Strabon, Gerodot, Arrian, Ptolomey va Ktesiy, sitsiliyalik Diodor, Pompey Trog hamda Tatsitlar o‘z asarlarida sak-massaget qabilalari, xorazmliklar, boxtariylar, (baqtriyaliklar) parfiyaliklar va sug‘diylar to‘g‘risida ayrim ma’lumotlarni keltirgan.

Markaziy Osiyoning qadimgi ko‘chmanchilari haqida yozma manbalarda (**Avestoda, yunon manbalarida, Behistunda, Xitoy manbalarida**) ko‘pgina qiziqarli

ma'lumotlar keltirilgan. Markaziy Osiyo hududida ko'chmanchi qabilalardan "Sak" va "Massaget"lar istiqomat qilgani uchun kengroq ma'lumot berish mumkin.

Massagetlar: Kaspiy dengizining sharqiy sohili, Orol dengizi atroflari, Amudaryo va Sirdaryoning quyi oqimida yashagan ko'chmanchi qabilalar guruhi. Fanda bular to'g'risida turli qarashlar mavjud:

-ayrim olimlar fikricha "massaget" (mase)-baliq so'zidan kelib chiqqan bo'lib, "baliqxo'rlar" ma'nosini anglatadi.

-Xitoy solnomalarida ularni "katta yuechji" lar bilan bir xalq qatoriga qo'yilgan.

S.P.Tolstov ham bu fikrlarga qo'shilgan.

Massagetlar katta uyushma bo'lib, ular tarkibiga bir necha qabila, qabilachalar (**atiylar, asianlar, usunlar, augaslar, daxlar va boshqa**) kirgan. Bu qabilalarning o'ziga xos nomlari ular ulug'lagan totemlardan kelib chiqqan. Qabilalar ichidagi jangchilar ko'pincha o'zlariga kuchli hayvonlarni (qoplon, yo'lbars, ilon, burgut) totem qilib olishgan. Tarixchi Gerodotning yozishicha, ular piyoda va otda jang qilishgan. "Skif"larga o'xshab otlarni va o'zlarini sovut bilan himoyalaganlar.

Strabonning yozishicha, massagetlarni ikki xil ko'chmanchi va o'troq tipga bo'lib o'rganish tavsiya qilinadi.

Bronza davrining oxirlarida O'rta Osiyoning o'troq aholisi sug'orma dehqonchilik madaniyatini va hunarmandchilik sirlarini yaxshigina egallagan edilar. Bu davrda asosan, shimoliy hududlardan O'rta Osiyoga kirib kelgan ko'chmanchi chorvador qabilalar cho'l va dasht zonalariga joylasha boshlaganlar.

Tarixshunoslikda ko'chmanchi va o'troq xalq tushunchalariga ta'rif berib ketsak.

Ko'chmanchi: o'zini kuchli bilib, faqat boshqa mulklarni talash bilan shug'ullangan. O'troq xalq esa o'zini zaif bilib, asosiy kuchini chorva boqish va dehqonchilikka qaratgan tabaqalardir. Bu ikki tip xuddi skiflarga o'xshab asosan, "quyoshga" topinganlar, lekin qurbonliklar ikki xil yo'l orqali amalga oshirilgan. Birinchi

tip asosan “ot” qurbonlik qilgan bo‘lsa, ikkinchi tip esa yarim tayyor mahsulotlar (sabzavotlar, meva-cheva, may) qurbonlik qilishgan. Gomerning “Odessa” asarida ular “kimmeriylarning” avlodi hisoblanib, ularning jang qilishi taktikasi uzoqdan kamon otib, tez-tez kichik bo‘linmalari hujumlari bilan ko‘rsatilgan. Ular asosan dehqonchilik, baliqchilik, chorvachilik, hunarmandchilik mahsulotlarini ishlab chiqarib, savdoni odatda saklar bilan olib borganlar.

Sak: (shaklar) Osiyo dashtlari chorvadorlari, Geradot yozishicha, Yevrosiyo cho‘llarida, Qora dengiz sohillarida istiqomat qiluvchi ko‘chmanchi “ska lot” qabilalari. Yunonlar esa ularni skiflar, deb yuritganlar. Ular skif va saklarni aynan bir xalq, deb adashganlar. Bunga sabab ikki qabilaning madaniyatlari Xitoy va Yunon manbalarida judayam o‘xshaganligidadir. Sak nomi turli yodgorliklarda turlicha uchraydi. Ahamoniy hukmdorlarining Bexistunida “Sirdaryo ortidagi qabilalar” bo‘lib, ularning to‘rtga bo‘linganligi aytib o‘tilgan.

1. “Saka-tiay-daraya” podshoh Doroning “Naqshi Rustam” yozuvida” daryoning narigi tomonida yashovchi” saklar.

2. “Saka-tigraxauda” (cho‘qqi qalpoqli) saklar. Ular Qipchok dashti, Choch viloyati hududlarida yashaganlar.

3. “Saka-xauma-varka” ya’ni marosimiy muqaddas ichimlik “xauma” iste’mol qiluvchi, Pomir va Farg‘ona vodiysida yashovchi saklar.

4. “Saka-arimas” ya’ni (grif oltinini himoya qiluvchilari) bo‘lib, bu saklar o‘zlarini eng oliy nasab sak, deb atashgan. Aynan shu tur saklar, skiflarning eng boy, oliy tabaqasi bo‘lmish “skif shohlari” bo‘lgan guruhga o‘xshaydi. Strabon esa ushbu boy tabaqali ko‘chmanchilarni “daxlar”, deb yuritgan.

Qang‘ davlati tashkil topishi munosabati bilan turkiy etnik gruhlarning O‘rta Osiyo ikki daryo oralig‘iga kirib kelishi yanada jadallashadi. Shuningdek, sug‘diy etnik qatlamining esa Sirdaryo quyi xavzalaridan sharqiy mintaqalarga jadal kirib borishlariga

keng imkoniyatlar ochiladi. Endi Sirdaryoning oʻrta va quyi xavzalari sugʻdiy va turkiy qabilalarning chegarasi boʻlmay qoladi. Turkiy etnik guruhlar (hunlar) migratsiyasining jadalashuvi tufayli ilk oʻrta asrlarga kelib, bu ikki til sohiblari chegarasi Sirdaryodan Amudaryoning oʻrta xavzalariga koʻchadi. Bu esa VII-VIII asrlarda Oʻrta Osiyo ikkidaryo oraligʻi va uning tevarak-atrofida turk sugʻdiy etno-madaniy maydon shakllanishiga olib keldi. Antik va ilk oʻrta asrlarning boshlarida Oʻrta Osiyo jumladan, Oʻzbekiston Yevroosiyo materigida yuz bergan “xalqlarning buyuk koʻchishi” davrini chorrahasiga aylanadi. Bu erda tarixiy yilnomalarda tilga olingan yirik qabilalar uyushmasining va ular bilan bogʻliq boʻlgan xalqlarning sharqdan gʻarbga, janubiy-gʻarbga va janubga, shimoldan janubga va shimoliy gʻarbdan janubiy-sharq tomon koʻchishlari yuz bergan. Ulardan baʼzilari Oʻrta Osiyo hududlarida qolgan boʻlsa, boshqalari erli xalqlarning bir qismini oʻzi bilan birga janub va janubiy-gʻarb tomonlarga olib ketgan. Bunga misol sifatida Hindiston va Orol boʻyi hududlaridan topilgan Fargʻonaga xos tirnash uslubi bilan bezalgan sopol idishlarni (I-II asrlar) keltirish mumkin.

Koʻchmanchi chorvadorlar uyushmalari jahonning ulkan oʻtroq sivilizatsiya oʻchoqlari boʻlmish **Mesopotamiya, qadimgi Misr, Eron, Hindiston** va **Xitoyning** qadimgi va oʻrta asrlar tarixida chuqur iz qoldirgani sababli bu xoʻjalik turining kelib chiqishi, dasht, choʻl va togʻli tegralarda asosiy turmush tarziga aylanishi, madaniy xususiyatlari va siyosiy tizimlashuvi masalalari dolzarb sanaladi. Chorvador jamoalar oʻzlariga dastlab vaqtinchalik boʻlsa-da qarorgohlar va makonlar qurganlar. Oʻrta Osiyo oʻlkalariga kelgan koʻchmanchilar asosan, Amudaryo, Sirdaryo va Zarafshonning quyi havzalarida, togʻ yonbagʻirlaridagi soy boʻylarida istiqomat qilganlar. Arxeologik adabiyotlarda mil.avv II ming yillik oxirlaridan boshlangan davrda Markaziy Osiyoda “Ilk temir davri”, “Ilk koʻchmanchilar davri”, “Saklar davri” kabi maʼlumotlar topiladi. Sak koʻchmanchi qabilalari haqida koʻproq tarixchi Gerodot “Tarix” asarida maʼlumot berib

o‘tadi. Aynan u asarida “forslar barcha skiflarni Saklar, deb ataydilar”, deb yozadi. [5, internet sayti.].

Ahamoniy hukmdorlarining Behistun kitobalarida Sirdaryo ortidagi qabilalar Saklar, deb atalgan.

Bugungi kunda Yer sayyorasida yashayotgan xalq va davlatlar o‘z-o‘zidan paydo bo‘lib qolgan emas. Ya’ni migratsion jarayonlar juda muhim qadam bo‘lib xizmat qilgan. Xalqlarning bir joydan ikkinchi joyga ko‘chishi shunchaki jarayon emas. Qadimgi davrdan boshlangan bu harakatlar (migratsiya) O‘rta Osiyo tomonlarida mil.avv. III-II asrlarda o‘zining yuqori cho‘qqisiga chiqadi. Ilk o‘rta asrlar davriga kelganida (IV-V asrlarda) esa O‘rta Osiyo hududlariga yangi qabilalarning shiddat bilan siljishi kuzatiladi. Aslini olganda ko‘chmanchilik qadimgi va ilk o‘rta asrlar davri odamalarining o‘z vaqtidagi tez-tez kuzatilib turilgan harakatlari hisoblanadi. Ya’ni ma’lum hududda yashab turgan qabila, xalq turli sabablarga ko‘ra yashab turgan makonini o‘zgartirishiga to‘g‘ri kelgan. Bu davrlarda yashagan (qadimgi va ilk o‘rta asrlarda) xalqlarning xo‘jaligi haqida gap borganida esa ayniqsa, ko‘chmanchi chorvadorlik turi alohida xususiyatli. Bu xo‘jalik turi kishilik o‘tmishida keskin burilish yasagan neolit davrida paydo bo‘lib, bugungi kunda ham ayrim mintaqalarda o‘z ahamiyatini yo‘qotmagan. Tabiiy resurslarni ekin-tikinlik bilan shug‘ullanish yo‘li orqali o‘zlashtirish noqulay va unumsiz bo‘lgan cho‘l, tog‘ va suvsiz dala-qir tekisliklari landshaftlarida ko‘chmanchi chorvachilik keng imkoniyatlarni taqdim etgani uchun noagrar mintaqalarda iqtisodiyotning asosini tashkil etgan. [1, 3-b.].

Yevroosiyo materigida tutgan jug‘rofiy o‘rni tufayli O‘rta Osiyo tarixning eng qadimgi davrlaridan boshlab murakkab va ko‘p bosqichli mintaqaviy va transmintaqaviy migratsiya jarayonlari jadal borgan hudud sifatida ajralib turadi. Bizga ma’lumki, aholining bir hududdan ikkinchi bir hududga ko‘chishi butun tarixiy davrlar mobaynida shaklan ikki xil – doimiy yoki vaqtinchalik ko‘chish tarzida amalga oshirib kelingan.

Markaziy Osiyo xalqlarining eng qadimiy ajdodlari va ularning turar joylari, urf-odatlari va marosimlari to‘g‘risida noyob ma’lumotlarni bizgacha etib kelgan zardo‘shiylik dinining muqaddas kitobi “Avesto”da ham ko‘rish mumkin.[4, 13-b.].

Aslini olganda qadimdan Markaziy Osiyo xalqlari kishilarning dehqonchilik va chorvachilik xo‘jaliklari uchun qulay mintaqa hisoblangan. Bu qulayliklar qo‘shni chegaralardan qabilalar, xalqlarning ko‘chib kelishlariga ham sabab bo‘lgan. Xususan, mil.avv II asrdan boshlab taxminan milodning VI asrlarigacha davom etgan jahon (Yevropa) tarixshunosligida “Xalqlarning buyuk ko‘chishi”, deb nomlangan muhim bir bosqich bor. Ushbu bosqich davomida O‘rta Osiyo hududida jumladan, O‘zbekiston hududlariga shimoliy-sharq hududlaridan, Yevrosiyoning markaziy va sharqiy hududlaridan ko‘plab chorvador qavmlar, xalqlar surilib, siljib, migratsiyaga uchrab kelishadi. Aynan ushbu ko‘chib kelgan qabilalarning ayrimlari O‘rta Osiyoda qo‘nim topib qolib ketadi, ayrimlari esa janubga, janubi-g‘arbga (Eron va Hindiston) va g‘arb tomonlarga surilib boraveradi. Bu buyuk ko‘chishlar ichki Osiyoda boshlanadi. Ichki Osiyo - shimoli-sharqiy Yevrosiyo hisoblanadi.

Bu hudud geografik tomondan hisoblansa, taxminan, bugungi Mo‘g‘uliston, Oltoy hududi, shimoliy Xitoy hamda sharqiy Turkiston hududlarini o‘z ichiga olib turibdi. Mana shu hududlarda mil. avv II asrlarda xalqlar, qavmlar qaynab chiqa boshlaydi. Aynan ushbu jarayonlarni boshlagan qavmlar atrofga janubga, janubiy-g‘arbga va g‘arbga qarab migratsion jarayonlarni boshlab berishadi. Bu siljishlarni boshlab bergan xalq Xitoy yilnomalarida “hun” (Syunnu) deb beriladi. Ruslarda esa “gunn” degan nom bilan keladi. Bu xalqlarning g‘arb tomonga ketganlari (mil. avv II asrdan) milodning III-IV asrlariga borganida g‘arbiy Yevropa hududlarigacha (bugungi Vengriya, Ukrainaning janubi, Bolgariya) etib borib, aslida boshqa xalqlarni surib yuborib, so‘nggi Rim imperiyasining qulatilishida xatto muhim o‘rin egallashadi.

Janubiy-gʻarbga tomon ketgan hunlarni kuzatadigan boʻlsak, mil. avv. II-I asrlarda yuechji qabilalari hunlar tomonidan quvgʻinga uchrab aynan yurtimiz hududlariga kirib kelishadi. Siljib kelgan hunlar hududdagi qadimgi Yunon-Baqtriya davlatini qulatib, oʻrnida yangi bir imperiyaga Kushonlar imperiyasiga asos solishadi.

Mil.avv. IV asr va milodiy IV asrlar antik davr Markaziy Osiyo mintaqasida kechgan murakkab siyosiy jarayonlar natijasida shallanish bosqichiga kira boshlagan diplomatik munosabatlar davlatchilik evoyutsiyasida oʻziga xos debocha hisoblanadi. [6, 13-b.].

Mil. avv II asr oʻrtalarida Markaziy Osiyo hududlarida siyosiy vaziyat murakkablashadi. Moʻgʻuliston va Shimoliy Xitoy erlarida kuchayibborayotgan koʻchmanchi hunlar imperiyasining taʼsiri natijasida boshqa chorvador xalqlar oʻz erlaridan gʻarbga siljishga majbur boʻladi. Yoki boʻlmasa ushbu ulkan imperiya tarkibiga kirib ketishi xavfi paydo boʻldi. Xususan, koʻchmanchi yue-chjilar va hunlar oʻrtasidagi qarama-qarshilik bunga misol boʻla oladi. Taniqli olimlar Bernshtam A.N., Xazanov A.M., Kichanov E.I., Kradin N.N., Asqarov A., Buryakov Y.F., Shoniyozov K., Rtveladze E. va boshqalarning ilmiy izlanishlarida ijtimoiy-iqtisodiy hamda siyosiy munosabatlar oʻz aksini topgan.

Bu imperiya mintaqamiz chegaralarida milodiy asr boshlarida asos solingan boʻlib, taxminan 3 asr yashadi. Yuechjilarning ichki Osiyo tomonlaridan janubga yaʼni diyorimiz hududlariga kelishlariga sabab bor edi. Bu sabab koʻchmanchi hun qabilalarining tazyiqi edi. Siyosiy toʻqnashuvlar, 5 ta xonadon vakillarining koʻchib kelishalri va ularning ichida Guyshuan xonadoni vakili Kudzula Kadfizning faolligi barcha-barchasiga tarix guvoh. Qisqa qilib, koʻchmanchi dasht imperiyalari orasida Oʻrta Osiyo chegaralaridagi ilk imperiyalardan deyish mumkin.

Xulosa qilib shuni aytish kerakki, mahalliy oʻtroq va nomadlarning madaniyati, assimilyatsiya bilan oʻzaro bogʻliq boʻlgan. Umumiy uygʻunlashgan madaniyat

chegaralarini ko‘pincha siyosiy hokimiyatga ega bo‘lgan sivilizatsiya “sanitarlari” hisoblangan ko‘chmanchilar belgilashgan. Vaqt o‘tishi bilan sudentarizatsiya jarayonlari kuchayib, chorvadorlar uchun umumiy xususiy mulk hisoblangan yaylovlar taqsimoti yuzaga kelgan bo‘lsa ham o‘troqlashuv doimiy tusga ega bo‘lgan.

Foydalanilgan va tavsiya etiladigan adabiyotlar ro‘yxati.

1. Maqsudov F.A. O‘rta asrlarda tog‘li Ustrushona ko‘chmanchi madaniyati. Dissertatsiya. Toshkent: 2020.
2. Urakov D.J., Holliiev A.G., Gabrielyan S.I. va boshq. Jahon tarixi. (I tom, I jild) Oliy o‘quv yurti talabalari uchun darslik. Toshkent: 2018.
3. Azimov X. Qadimgi Xitoy va Markaziy Osiyo munosabatlari (Xitoy manbalari asosida). Monografiya. Toshkent: “Fan ziyosi”, nashriyoti, 2024.
4. Doniyorov A.X., Bo‘riyev O.B., Ashirov A.A. Markaziy Osiyo xalqlari etnologiyasi. 5120300 – Tarix (Markaziy Osiyo mamlakatlari bo‘yicha) ta’lim yo‘nalishi talabalari uchun darslik. Toshkent: “NIF MSH”, 2020.
5. [https://uz.wikipedia.org/wiki/Saklar#:~:text=Saklar%20%E2%80%94%20Saka%20\(qadimiy%20forscha,turkiy%20xalqlarga%20mansub%20chorvador%20xalq](https://uz.wikipedia.org/wiki/Saklar#:~:text=Saklar%20%E2%80%94%20Saka%20(qadimiy%20forscha,turkiy%20xalqlarga%20mansub%20chorvador%20xalq)
6. Otaxo‘jayev A. Antik va ilk o‘rta asrlardagi diplomatik munosabtlarning manbalarda yoritilishi. // O‘zbekistonda elchilik xizmati tarixidan: talqin va taxlil. – Toshkent: “Adabiyot uchqunlari”, 2016.

Аннотация. В данной статье представле~~н~~ ряд данных о регионе, который образует самый большой сплошной массив суши на Земле. В частности, подробно раскрывается один из важнейших периодов истории, миграция в Среднюю Азию в эпоху древности и раннего средневековья, а также причины и последствия ее возникновения. В месте с тем в статье раскрывается значение этих миграционных процессов в становлении государственности.

Annotation. This article presents a number of data on the region that forms the largest cohesive land mass on Earth. In particular, one of the most important periods in history, migration to Central Asia in antiquity and the early Middle Ages, as well as the causes and consequences of its occurrence, are thoroughly revealed. At the same time, the article reveals the significance of these migration processes in the formation of statehood.



<https://doi.org/10.5281/zenodo.13847733>

Носиржон Дониёров

Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Тарих институти
таянч докторанти

САВОДСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИНИНГ ТУРКИСТОН АССР, БХСР ВА ХХСРДА КЎТАРИЛИШИ ҲАМДА УНИНГ САБАБЛАРИ.

Аннотация. Мазкур мақола совет ҳукумати томонидан Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси, Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет Республикаси ҳудудида 1918 – 1924 йиллар давомида олиб борилган маданият сиёсатининг бир қисми бўлмиш саводсизликка қарши кураш масалаларига бағишланади. Халқларни саводли қилиш сиёсатининг ўзи қандай сиёсат эканлиги, уни келтириб чиқарган мотив-сабаб ҳамда ҳудудларда қай ҳолда амалга оширилганлиги ёритилади. Шунингдек, большевикларнинг саводсизлик сиёсатини амалга оширишдан кўзланган пировард мақсадларини очишга ҳаракат қилинади.

Калит сўзлар. совет ҳукумати, саводсизлик, декрет, саводсизлик курс ва мактаблари, ТАССР, БХСР, ХХСР.

Совет ҳукумати ва коммунистик партия аҳоли орасидаги саводсизликни битиришни мамлакатда маданий қурилишни амалга оширишнинг зарур шарт-шароити деб эълон қилишди. Чунки советлар шаҳар ва қишлоқнинг кенг маҳнаткаш оммаси мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, социалистик қурилишнинг юкламаларини адо этишда фаол, онгли равишда иштирок этишларини хоҳлашарди. Шунинг учун ҳам саводсизлик таълимига сиёсат ҳам қўшилиб кетганлигини кўришимиз мумкин.

Шу ўринда, 1918 йил 26 июл куни Туркистон АССР Халқ маориф комиссарлиги катталар ўртасидаги саводсизликни битириш курсларини ташкил этиш тўғрисидаги низомида ўқиш, ёзиш ва ҳисоблашни ўргатишдан ташқари табиий ҳамда ижтимоий фанлар (сиёсий партиялар ва инқилобий ҳаракатлар тарихи, жамиятшунослик) ҳам ўқитиш белгиланган[13, 376.]. 1919 йил 18-23 мартдаги РКП(б)нинг VIII съездида таълим даргоҳини нафақат коммунизм дрижёри (бошқарувчиси), балки пролитериатнинг мафкуравий, ташкилий ва тарбиявий “бастакори” бўлиши кераклиги уқтирилди. Ўқитувчилар ўзларини коммунизм оқартуви учун ишлайдиган “жосус” деб ҳисоблашлари, бу ишда тўғридан-тўғри партия органларига бўйсунилари шартлиги уқтирилади [6, 7 – 10].

Мустабид совет давлати ўзининг сиёсатини амалга ошириш учун ҳуқуқнинг асоси бўлган қонун чиқариш йўлини танламади, балки декрет (луғавий маъноси қарор) чиқариш йўлини танлади. Бунда декретлар анча ёпиқ шаклда, жамоа (Совнарком, партия МК ва ҳоказо) шаклида ишлаб чиқариларди. Шундай декретлар саводсизликни тугатиш соҳасида ҳам чиқарилди. 1919 йилнинг июлида В.И.Ленин РСФСР аҳолиси ўртасидаги саводсизликни тугатиш тўғрисида декретни имзолади. Аввало, саводсиз фуқаро деб, хоҳлаган тилда ўқиш ва ёзишни билмайдиган фуқаро тушинилиши декретда белгиланиб қўйилди. Бироз ўтиб Туркистонда 1920 йил 17 сентябрида “Аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш тўғрисида” декрет қабул

килинди [15, 3в.]. Бунақа ҳолат деярли ҳар доим кузатилар, Москвада чиққан декрет ёки қарорлар иттифоқ республикаларда ҳам яна қайта чиқариларди. Аслида бу большевиклар ўйлаб топган мустамлакачиликнинг шаклан бошқа кўриниши эди. Мазкур декрет мазмуни Москва декрети билан бир хил бўлиб, фақатгина Туркистон АССРда 8 – 40 ёш оралиғида саводсиз булган аҳолининг ўзбек тили ёки исталган тилда савод чиқариши шарт қилиб қўйилганлиги билан фарқланар эди. Москва декретида савод чиқаришга мажбур аҳоли ёши 8 – 50 ёш қилиб белгиланган бўлиб, Туркистон АССР декретидан бошқа жиҳатдан умуман фарқ қилмасдан мазмуни сақланган. Туркистон АССРда ҳам аҳолининг саводли қатлами бу ишга тортилиб, уларга ҳам ҳақ тўланадиган бўлди, иш куни 2 соатга қисқартирилади, бироқ ойлик сақланиб қоладиган тартиб жорий қилинди [4, 1920 год 25 сентябрь.].

Мазкур декретлар ижросини таъминлаш учун 1920 йил декабрида Тошкентда Саводсизликка қарши курашиш ўлка фавқулодда комиссияси ташкил этилди [15, 3 – 59в.]. Комиссияга саводсизликка қарши курашда мактаблар системаси ва алифбо китоблар яратиш, савод чиқаришни ўргатишнинг янги методларини ҳамда совет органларининг ўзаро ғоявий алоқалари учун материаллар ҳам ишлаб чиқариш вазифалари юклатилди. Бундан ташқари Саводсизликка қарши курашиш ўлка фавқулодда комиссияси тарғибот компаниялари билан ҳам шуғулланар эди. Атрофда “Қишлоқ учун маърифат”, “Дехқонлар ва болалар саводхонлиги”, “Йўқолсин саводсизлик!” каби шиорлар пайдо бўлди [11, 1924 год 22 феврал.]. Партия раҳбари В.И.Ленин таъкидлашича, халқнинг “саводсизлик қайғуси” шунақа қайғуга тенглаштирилиши керакки, худди яқинда бир киши яқинидан ажралиб қолиб, кейин ғам-аламга ботгандаги ҳолати билан тенглаштирилиши керак [11, 1924 год 22 феврал.].

Уларнинг қаршисида кадрларни етказиб бериш муаммоси ҳам турарди. 1919 йил январида Туркистон Маориф халқ комиссарлиги томонидан Тошкентда

ўқитувчиларни тайёрлайдиган олти ойлик ўқув курслари ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинади [1, 8с.]. Мазкур муддат қисқа бўлгани учун ҳамда саводсизликни тугатиш мактаблари ва янги қурилаётган совет мактаблари учун дарсликларнинг катта қисми ўзбекча бўлмаганлиги катта ғов эди.

Мактабдан ташқари таълим Туркистонда 1919 йилнинг январидан йўлга қўйилди [14, 166в.]. 1919 йил 6 майда очилган II Бутунроссия съезди мактабдан ташқари таълим тўғрисидаги қароридан уч турдаги саводсизлик мактабларини кенгайтиришга қарор берди [3, 30с.]. Булар саводсизлар учун саводхонлик мактаблари, саводлари чала бўлганлар учун бошланғич мактаблари, саводдилар учун илғор типдаги мактаблар эди. 1921-1922 йиллар давомида Туркистон бўйлаб 85 та турли саводсизликни битириш мактаблари очилди [1, 12с.].

Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси (РСФСР) Халқ маориф комиссарлиги 1 миллиард рубль (яъни умумий мамлакат харажатларининг 1/5 қисмини)ни саводсизликни тугатиш таълимига тиккан ҳолда 2-3 йил ичида қарийб 100 миллион аҳолини хат-саводли қилиш режасини ишлаб чиқди [3, 31б.]. Кейинги йилларда эса советлар учун хос бўлган рақамлар кетидан қувиш сиёсати бошланиб кетди ва 1924 йилги статистикага кўра юқоридаги номлари қайд этилган мактаблар миқдори Туркистон АССР (Фарғона вилоятидан ташқари) ҳудуди бўйлаб қуйида берилган 1-жадвалга мос равишда ўси.

1-жадвал. ТАССР ҳудудидаги саводсизликка қарши кураш мактаблари турлари ва сони [7, 1924 год 9 января]²¹:

Т/р.	Вилоятлар:	Илғор типдаги мактаблар:	Бошланғич мактаблар:	Савод чиқариш мактаблари:
1.	Сирдарё	2	20	150
2.	Самарқанд	2	10	100

²¹ Морзов К. Задачи ликвидации неграмотности // Туркестанская правда. 1924 год 9 января.

3.	Еттисув	3	10	150
4.	Амударё	-	1	15

Саводсизликни тугатишга бунчалик кўп урғу берилишидан мақсад шуки, биринчидан, юқорида таъкидланганидек ўзларининг ғоявий тарғибот ишларининг кўлами ва кучини кенгайтириш бўлган. Буни В.И.Лениннинг ўзи ҳам тасдиқлаб дейди: “Саводсизликни йўқ қилиш – бу сиёсий вазифа эмас, бу – шарт. Усиз сиёсат ҳақида ҳам, иқтисод ҳақида ҳам, маданият ҳақида ҳам гапиришнинг иложи йўқ” [12, 1924 год 1 мая. №96.]. Иккинчидан, большевикларнинг ҳар гапига бўйсунадиган, куллуқ қиладиган мўмин-қобилгина кадрларни етиштириш бўлган.

Дастлаб Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ҳукуматининг таркиби жадидлардан иборат бўлиб, улар халқнинг саводхонлигини ошириш орқали қоқоқлик ботқоғидан чиқариш вақти келди деб ҳисоблашди ва бу борада Қори Йўлдош Пўлатов бошчилигида маориф соҳасида кўп ишлар қилинди. Энг муҳими “Мактаблар ҳақида умумий қоидалар” хужжати қабул қилинди [19, 71б.]. Унда таълим-тарбия, мактаб бошқаруви, ўқитувчилар маоши масалалари назарий жиҳатдан ҳал қилинди. Шунингдек, “Алифбо китоби”ни ёзиш бўйича танлов эълон қилинади [9, 94б.]. Унда ҳозирги даврда ҳам ўзининг ечимини кутиб ётган айрим масалалар, яъни ҳарфларнинг ислоҳ қилинган тилда ёзилиши, таълим-тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши, бегона тиллардаги сўзлардан ҳоли бўлиши каби масалалар шарт сифатида қўйилган эди.

1921 йил 17 апрелида Халқ нозирлар шўроси қарори билан 25 ёшгача бўлган БХСР ҳудудидаги кишиларнинг ўқишга мажбурлиги белгилаб қўйилади. Бу Бухоро ҳудудида савод чиқариш барча учун мажбурий эканлигини англатарди [9, 93б.]. Маълумотларга кўра, айнан БХСРда савод чиқариш мактабларини битираётганда ўқувчи имтиҳон топшириши белгилаб қўйилган. Агар Хоразм Халқ Совет

Республикаси (ХХСР) билан таққосласак, савод чиқариш курс ва мактабларида бундай тизим йўлга қўйилгани ҳақида маълумот учрамайди.

Савод чиқариш курс ва мактабларини дарслик ҳамда адабиётлар билан таъминлаш муаммосини ҳал этишда Туркистон АССР, РСФСР, Татаристон АССР, Туркия ва Озарбайжондан келтирилган рус, татар, турк ва ўзбек тилидаги китобларнинг роли катта бўлди. 1921 йилда 2 минг китоб, 1924 йилда 15 мингдан ортиқ китоб келтирилади [9, 97б.].

1924 йил март ойида IV Бутунбухоро советлар съездида маориф, хусусан, саводсизликни битириш ишлари қаттиқ муҳокамага сабаб бўлади ва О.Акчурин бошчилигида саводсизликка қарши курашиш фавқулодда комиссияси тузилади [5, 198 – 199с.]. Шундан сўнг бу вазифа ниҳоятда жадаллашиб кетади. Агар 1923 йилда 21 та ўқув курсидан 865 киши 43 та ўқитувчидан таълим олган бўлса [17, 339в.], 1924 йил маълумотларига қараганда, 40 та савод чиқариш курс ва мактабларида 2756 киши саводли бўлиб чиқди (2-жадвалга қаранг). Аста-секинлик билан шаҳарлардаги каби қишлоқларда ҳам бундай мактаблар очила бошланди.

2-жадвал. БХСР ҳудудидаги савод чиқариш курс ва мактаблари миқдори [18, 60в.]:

Т/р.	Вилоятлар:	Савод чиқариш курс ва мактаблар сони:	Ўқувчилар сони:
1.	Бухоро	25	1609
2.	Ленинск(Чоржўй)	4	380
3.	Карки	1	75
4.	Шеробод	-	-
5.	Бойсун	-	-
6.	Шаҳрисабз	2	180
7.	Ғузор	1	90
8.	Бехбудий	1	92

9.	Кармана	6	300
10.	Нурота	-	-
11.	Эски Бухоро	-	-
Жами:		40	2756

Хуллас, дастлаб Бухоро жадиidlари бошлаб берган савод чиқариш масалаларини болшевиклар ўзларининг декретлари билан фуқароларнинг савод чиқаришга мажбурлигини мустаҳкамлаб қўйди. Болшевиклар партия ва бошқа совет ҳукумати тарғиботи учун ишлайдиган давлат ташкилотларини кадрлар билан тўлдириш ва саводли халқни коммунизм ғоялари билан заҳарлаш эди.

1920 йил тузилган ХХСР ҳукумати ҳам худди ТАССР ва БХСР каби маданият соҳасидаги ишларни саводсизликка қарши курашга катта эътибор қаратган ҳолда бошлади. Ҳукумат раҳбарлари томонидан: “Қолоқлик ва саводсизлик туфайли аҳоли ўртасида турли касалликлар ҳақида етарли билимнинг йўқлиги уларнинг омма орасида кенг тарқалишига олиб келган ва ҳозирда касалликларга қарши курашиш бўйича кенг кўламли маърифий тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда ва бунинг учун аҳолининг саводхонлигини ошириш зарур [16, 69в.]”, - деб топилди. Республиканинг бир қанча шаҳарларида саводсизликка барҳам бериш курслари очилди. Уларга комсомол (коммунистик ёшлар иттифоқи ташкилоти) ва партия ходимлари, таълим ўқитувчилари ва қизил армиянинг маданий бўлинмалари таълим беришган. Саводсизликка қарши курашда партиянинг катта ёрдамчиси қизил армия эди. 1920 йилда Тошкент ҳарбий билим юртларида 100 нафар хоразмлик аскар тайёрланар экан, улар тайёр бўлгунга қадар Тошкентнинг ўзидан Хоразмга 20 нафар савод ўргатувчи инструкторлар юборилган [2, 89с.].

Саводхонлик мактаблари сони кўпайтирилди. 1921 йилда қизил аскарларнинг саводсизлигини йўқ қилиш учун 11 мактаб очилди. 1922 йилда Хива ва Янги Урганч

шаҳарларида РСФСР кўмагида “Йўқолсин саводсизлик!” (“Долой неграмотност!”) жамиятлари Хоразмда ҳам ўз фаолиятини бошлади. Шунингдек, 1920 йил 13 сентябрдаги Иттифоқ шартномаси асосида ҳар йили ТАССР ва РСФСРдан ўзбек тилини биладиган ўқитувчилар юборилар эди. Фақат 1923 йилда РСФСР Маориф комиссарлиги Оренбургдаги 3 йиллик ўқув курсларини тамомлаган 23 нафар ўқитувчини сафарга жўнатди ва яна 16 нафар ўқитувчи меҳнат шартномаси билан Хоразмга юборилди [8, 176с.]. Бошқа бир манбада эса фақат 1923 йилнинг кузида Москвадан Хоразмга 25 нафар ўқитувчи, 7 нафар шифокор ва ўнлаб бошқа мутахассислар юборилгани ҳақида хабар берилган [10, 26с.]. 1924 йилга келиб, ХХСРда саводхонлик мактаблари сони 3- 19 тани ташкил этди (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал. ХХСР саводсизликка қарши кураш мактаблари сони [16, 69 – 70в.]:

Т/р.	Вилоятлар:	Саводсизлик мактаблари сони:
1.	Хива	10 та
2.	Урганч	7 та
3.	Гурлан	2 та

Хулоса қилиб айтганда, 1919 – 1924 йиллар, яъни саводсизликни тугатиш ҳақидаги В.И.Лениннинг декрети чиққан даврдан бошлаб то миллий-ҳудудий чегараланишга қадар умумдавлат аҳамиятига эга бўлган, партия, совет ва жамоатчилик диққатини ўзига тобора жалб қилган маданиятнинг бош мавзуларидан бири бўлди. Бир қарашдан халқларни саводли қилиш, унинг маданиятини юксалтириш учун ишлайдиган декрет ва қарорлар чиқарилгандек кўринсада, аслида болшевиклар ўзлари учун ишлайдиган кадрларни тайёрлаб чиқариш ва шу йўл билан ўзларининг таъсир доираларини мустаҳкамлашни ният қилган эдилар. Шунингдек, юқоридаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, Ўрта Осиёда савод чиқариш сиёсати даври ва кўлами: ТАССР – БХСР – ХХСР йўналишида кенг кўлам

билан бошланиб, сўнгра кичиклашиб борганлигини ҳамда бунда Туркистон АССР болшевиклар учун Бухоро ва Хива давлатларида савод чиқариш сиёсатини амалга оширишда кадрлар тайёрлаб жўнатиш орқали ўзига хос “таянч нуқта” вазифасини бажарганлигини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев Ш.Ш. Из истории социалистического строительства в Узбекистане. – Ташкент: “Фан”, 1969. -С.8.
2. Билялов Г.М. Из истории культурый просвещения в Хорезмской Народной Советской Республике (1920-1924). –Ташкент: “Фан”, 1966. -С.89.
3. Гусев Л.Н. Вопросы планирования и участие советской общественности подьеме образовательного уровня населения (1917-1932) // Исторический опыт планирования культурного строительства в СССР (сборник статей). – Москва: Институт истории СССР АН, 1988. -С.30.
4. Известия. 1920 год 25 сентября. №217.
5. История Бухарский и Хорезмской Народных Советских Республик. Главный редактор Волобуев П.Б. –Москва: “Наука”, 1971. -С.198 – 199.
6. КПСС о культуре, просвеўении и науке. –Москва: Издательство политической литературы, 1963. –С. 7 – 10.
7. Морзов К. Задачи ликвидации неграмотности // Туркестанская правда. 1924 год 9 января.
8. Погорельский И.В. История хивинской революции и Хорезмской Народной Советской Республики(1917-1924 г.). – Ленинград: Издательство ленинградского университета, 1984. -С.176.
9. Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида (1920-1924 йиллар). - Тошкент: “Абу матбуот-консалт”, 2012. –Б.97.

10. Раҳмонов Қ. Хива – Хоразм халқ революциясининг бешиги. –Тошкент: “Фан”,1970. –С.26.
11. Рачинская. В фонд просвещения // Туркестанская правда. 1924 год 22 феврал. №43.
12. Рачинская. Из третьего фронта в первостепенный // Туркестанская правда. 1924 год 1 мая. №96.
13. ЎзМА. Р-34-фонд, 1- рўйхат, 25-йиғмажилд, 37-варақ.
14. ЎзМА. Р-34-фонд, 1- рўйхат, 42-йиғмажилд, 166-варақ.
15. ЎзМА. Р-34-фонд, 1-рўйхат, 1502-йиғмажилд, 3- ва 59-варақлар.
16. ЎзМА. Р-34-фонд, 1-рўйхат, 2734-йиғмажилд, 69 – 70-варақлар.
17. ЎзМА. Р-48-фонд,1-рўйхат, 182-йиғмажилд, 339-варақ.
18. ЎзМА. Р-94-фонд,1-рўйхат, 52-йиғмажилд, 60-варақ.
19. Ҳайитов Ш.А., Бадриддинов С., Раҳмонов К.Ж. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий-сиёсат, маданий ҳаёт (1920-1924 йиллар). –Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2005. –Б.71.



<https://doi.org/10.5281/zenodo.13847882>

Xasan Babadjanov

Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori
(PhD), dotsent.

IKKINCHI JAHON URUSHI DAVRIDA AQSHDAGI OZIQ- OVQAT TAQSIMOTIDA KARTOCHKA TIZIMI VA UNING PLAKATLARDA AKS ETISHI

Annotatsiya. Ikkinchi jahon urushi davrida deyarli barcha jang olib borayotgan mamlakatlarda kartochka tizimi joriy qilindi. Boshqa mamlakatlardan farqli ravishda, AQSHda oziq-ovqat mahsulotlarini ratsionlashtirish nisbatan yumshoqroq shaklda joriy etilgan. Sababi, AQSh ko'proq iqtisodiy resurslarga ega edi. Maqolada targ'ibot shakllari va karta tizimi normalari tahlil qilinadi.

Kalit so'zlar. AQSH, karta tizimi, tashviqot, plakatlar.

Kartochka tizimi aholini taqchillik sharoitida eng zarur va birlamchi ahamiyatdagi mahsulotlar bilan ta'minlash taqsimot tizimidir. Ushbu tizimda ma'lum mahsulotni sotib olish uchun xaridor pul to'lovini amalga oshirish bilan bir qatorda, uni sotib olish huquqini beruvchi kuponni taqdim etish talab etiladi. Kartochka tizimini joriy etishdan asosiy maqsad aholi is'temoli uchun chegaralangan mahsulot va tovarlarni davlat tomonidan markaziy taqsimotini amalga oshirishdir. Bu holatda, davlat tomonidan bir kishi uchun

kunlik yoki oylik muddatda kartochka tizimiga kiritilgan tovarlarni iste'mol qilish uchun ma'lum standartlarni belgilanadi.

Oziq-ovqat kartochkalarining joriy etilishi bu mahsulotlarning ta'minotida jiddiy tanqislik yuzaga kelganini anglatadi. Kartochka tizimi urush hamda tichlik vaqtida joriy etilishi mumkin. Masalan, tarixda tinchlik vaqtida ba'zi oziq-ovqat va keng iste'mol tovarlariga kartochka tizimining joriy etilishi tarixan sotsialistik lager mamlakatlarida keng tarqalgan edi. Tizimdan tovar taqchilligiga qarshi kurashda foydalanilgan. Shu bilan birga, hozir kunda erkin bozor iqtisodiyotiga asoslangan mamlakatlar kartochka tizimidan qisman foydalanish fuqarolarning ijtimoiy zaif guruhlarini qo'llab-quvvatlash shakli bo'lib xizmat qildi.

Urush davrida, ayniqsa, o'zining ko'lami bilan alohida ajralib turuvchi Ikkinchi jahon urushi davrida jang olib borayotgan davlatlarning barchasida kartochka tizimi joriy etildi. Ikkinchi jahon urushi yillarida iqtisodiyoti keskin rivojlangan AQSHda ham ba'zi oziq-ovqat va sanoat tovarlarining iste'moli cheklandi. Lekin urush yillaridagi SSSR va G'arb davlatlaridagi (okkupasiyaga uchramagan) ta'minot tizimidagi normalarni bir-biri taqqoslanganda, bu ikki tizimda yashagan aholi turmush darajasidagi farqlar yaqqol namoyon bo'ladi.

Ko'p hollarda cheklovlar normasi har bir davlatdagi ishlab chiqarish salohiyati, harbiy harajatlar ko'lami, oziq-ovqat mahsulotlarining importi va hokazolarga bog'liq edi. Bunday xarid miqdori cheklovlari hatto AQShda ham mavjud edi. Shunday bo'lsada, murakkab urush sharoitida amerikaliklar ba'zi muhim mahsulotlar bilan kartochka tizimi orqali ta'minlanadigan bo'ldi. Lekin bu mahsulotlarga xarid normalari juda yuqori edi. Bunday normalardagi taqsimot muammolari deyarli oddiy amerikaliklar hayotiga ta'sir etmadi.

Shuning uchun AQSH hukumati urush sharoitida aholining oziq-ovqat masalasida faoliyatini cheklashda yoki yo'naltirishga ma'muriy usullardan ko'ra, targ'ibot va


tushuntirish vositalaridan keng foydalanildi. Boshqacha aytganda, urush olib borayotgan, aholini oziq-ovqat bilan ta'minlashda jiddiy qiyinchiliklarga duch kelgan davlatlar bilan qiyoslaganda AQSHda qat'iy tartib va normalar qonunan kiritilmadi.

Bu yo'nalishda targ'ibot-tashviqot olib borishda eng samarali vositasida sifatida plakatlar alohida o'rin tutdi. Bu bejizga emas. Sababi plakatning asosiy g'oyasi u yo'naltirilgan ob'yekt uchun tushunarli bo'lgan aniq kontekst orqali shakllantiriladi. Plakat ma'lumotni yetkazishda obrazlar orqali insonning hissiy sohasiga, qiziqishlariga va xotirasiga murojaat qilishi bilan ajralib turadi. Boshqa targ'ibot-tashviqot vositalaridan farqli ravishda, plakatning maqsadi ma'lumotning harakat uchun turtki vazifasida xizmat qildirishdir.

Shu ma'noda, urush yillarida amerika aholi uchun "to'g'ri hisoblangan" hatti-harakatlarni targ'ib qilish quyidagi asosiy yo'nalishlarda amalga oshirildi:

1. Oziq-ovqat taqsimoti va kartochka tizimi bilan bo'g'liq masalalarini aholiga tushuntirish.
2. Sog'lom turmush tarzi va to'g'ri ovqatlanish.
3. Oziq-ovqat mahsulotlarini iqtisod qilish yoki qayta ishlash.
4. Aholini tomorqachilikka jalb etish.

Quyida keltirilgan jadval mavzuga tegishli AQSH plakatlari va ular haqida ba'zi ma'lumotlar bilan tanishish mumkin:

Plakatning original nomi	Mazmuni	Plakat
A Fair Share For All of Us	Kartochka tizimi	

Plant A Victory Garden	Kartochka tizimi	
Do With Less-So They'll Have Enough	Kartochka tizimi	
Join the Ranks	Tashlab yubormaslik	
Sugar-Flour-Cereal-Spice	Turli masalalar	
Milk and Eggs-Nature's Food	Turli masalalar	
Fruit You Waste Here...	Tashlab yubormaslik	
We'll Have Lots to Eat This Winter, Won't We Mother?	Konservalash	

Of Course I Can!	Konservalash	
Can All You Can	Konservalash	
You Were Right Sir!	Tashlab yubormaslik	
Thank You So Much American Soldier	Tashlab yubormaslik	
Valley Forge	Tashlab yubormaslik	
You Bite The Hand That Feeds You...	Tashlab yubormaslik	
Small Fry	Tashlab yubormaslik	

<p>To Speed Our Boys Home *</p>	<p>Turli masalalar</p>	
<p>Food Is a Weapon</p>	<p>Tashlab yubormaslik</p>	
<p>Our Food is Fighting *</p>	<p>Turli masalalar</p>	
<p>Vital War Materials</p>	<p>Tashlab yubormaslik</p>	
<p>Save Waste Fats for Explosives</p>	<p>Yog'larni qayta ishlash</p>	
<p>The Grease You Save...</p>	<p>Yog'larni qayta ishlash</p>	
<p>Save Fats</p>	<p>Yog'l'arni qayta ishlash</p>	

Ikkinchi jahon urushi davrida AQSH hukumati benzin va oziq-ovqat kabi muhim resurslarni taqsimotida normalar joriy qildi. Kartochka tizimiga kirgan tovarlar narxini belgilashga maxsus organ – Narxlar ma'muriyati (ingliz tilida – “The Office of Price Administration”) mas'ul edi. AQSHda joriy etilgan kartochka tizimi ko'p jihatdan Buyuk Britaniya modeliga asoslangan edi. Unga ko'ra har bir iste'molchi alohida kupon kitobi bilan ta'minlangan. Kuponlar asosida belgilangan mahsulotlarini sotib olish mumkin edi. Iste'molchilar istalgan savdo nuqtasidan xaridlarlarni amalga oshirishlari mumkin edi.

1942-yilning 5-mayida AQSHda kartochka tizimining joriy etilishi 28 kupondan iborat bo'lgan “Shakar kitobi” bilan boshlandi. Fuqarolar oziq-ovqat sotib olish uchun zarur bo'lgan kuponlar bilan oylik muddatda ta'minlanib borildi. Ratsionlanadigan oziq-ovqat mahsulotlari ikki guruhga ajratilindi, ularga alohida rang belgilangan. Qizil rangli guruh (oyiga 64 kupon) go'sht, baliq, sut va yog'larni o'z ichiga olgan. Moviy rangli oziq-ovqatlarga (oyiga 48 ta kupon) konserva va shisha idishlarga qadoqlangan oziq-ovqat mahsulotlari kirgan.

Qizil guruhga kirgan mahsulotlar hamda ularning kupon narxi (bir oyda/bir kishiga)		
	Mahsulot nomi	Kupon miqdori
1	Mo'l go'shti (1 funt ²²)	9
2	Quritilgan mol go'shti (1 funt)	16
3	Dudlangan va qiymalangan go'sht (1 funt)	5
4	Til (1 funt)	7
5	Steyk (1 funt/ 16 ounces)	11
6	Qovurilgan go'sht (1 funt)	9
7	Boshqa turdagi go'shtlar (1 funt)	3

²² 1 funt = 0,453 kilogram.

8	Konservalangan baliq (1 funt)	8
9	Bug‘langan yoki quyultirilgan sut (1 funt)	1
10	Cheddar navli pishloq (1 funt/16 bo‘lak)	8
11	Krem pishloq (1 funt/1 konteyner)	3
12	Tvorog (1 funt)	3
13	Boshqa turdagi pishloqlar (1 funt/16 bo‘lak)	6
14	Sariyog‘ (1 funt)	16
15	Margarin (1 funt)	6
16	Shortering ²³	5

**Havorang guruhga kirgan mahsulotlar hamda ularning kupon narxi
(bir oyda/bir kishiga)**

	Mahsulot nomi	Kupon miqdori
1	Tomat sharbati (2,5 chashka ²⁴)	6
2	Mayiz (6 qadoq)	4
3	Olxo‘ri (1 banka)	15
4	Ismaloq (2,5 chashka)	14
5	Kesilgan ananas (2,5 chashka)	30
6	Nok (2,5 chashka)	20
7	Tomat pastasi (2,5 chashka)	4
8	Graypfrut (2,5 chashka)	10
9	Makkajo‘xori (2,5 chashka)	13
10	Shaftoli (2,5 chashka)	18
11	Banan (2,5 chashka)	5

²³ shortering – bu qandolatchilik moyi hisoblanib, odatda, xamirga yumshoqlik berish uchun ishlatiladi.

²⁴ chashka (ingliz tilida “cup”) – AQSH hajm o‘lchov birligi bo‘lib, 236,6 ml.ga teng.

12	Olma (2,5 chashka)	15
13	Muzlatilgan mevalar (16 unsiya ²⁵)	12
14	Meva sharbatlari (16 unsiya)	2
15	Jele (8 unsiya)	2

Kartochka tizimining urush davrida zaruriyati va tizim bo'yicha mahsulot xarid qoidalarni tushuntirish maqsadida plakatlar yaratildi. AQSH hukumati plakatlar vositasida aholiga kartochka tizimi iste'molni cheklash uchun emas, balki hamma uchun yetarli miqdorda oziq-ovqat taqsimotini ta'minlash ekanligini tushuntirishga harakat qildi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Бычкова О. Советский плакат как хранитель памятных событий военных лет // Наследие веков. – 2015. – № 1. – С. 90-94. 90
2. Миниханов Ф. Плакат в годы Великой Отечественной войны: характерные черты российских и германских традиций // Вестник Казанского государственного университета культуры и искусств. – 2018. – № 3. – С. 33-35. 33
3. Thomas Victoria. Food Will Win the War: WWI and WWII Poster Propaganda and American Food Behaviors, Master's Thesis (The Department of International Environment and Development Studies, 2018).
3. The United States during World War II: Kartochka on the Home Front. Grade 7. –Texas Historical Commission

Аннотация. В годы Второй Мировой войны карточная система была введена почти во всех воюющих странах. В отличие от других стран в США нормирование

²⁵ unsiya – AQSH hajm o'lchov birligi bo'lib, 29,573 ml.ga teng.

продовольственных товаров выводился более мягкой форме. Так, как США имела более большие ресурсы. В статье анализированы формы агитирования населения и нормы карточной системы.

Ключевые слова. США, карточная система, агитация, плакаты.

Abstract. During the Second World War, the card system was introduced in almost all warring countries. Unlike other countries, food rationing in the United States was introduced in a milder form. Since the USA had greater resources. The article analyzes the forms of agitation of the population and the norms of the card system.

Keywords. USA, card system, propaganda, posters.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13848012>



Muhiddinjon Primov

Toshkent Kimyo xalqaro universiteti
Tarix kafedrası dotsenti v.b. t.f.f.d (PhD)

e-mail: muxiddinjon@mail.ru

O‘ZBEKISTON HUDUDI VA MUHIM GEOGRAFIK

XUSUSIYATLARI XARITA VA ATLASLARDA AKS ETISHIGA DOIR

Annotatsiya. Maqolada O‘zbekiston hududi va muhim geografik xususiyatlari xarita va atlaslarda aks etishi haqida ma’lumotlar berib o‘tiladi. Xususan, O‘zbekistonda kartografik faoliyatni tashkil etishda zamonaviy texnologiyalarning qo‘llanilishi tarixi va bu borada o‘zbek kartograflari tomonidan qilingan amaliy ishlar, O‘zbekiston hududining atlaslarda yoritilishi va milliy ziyolilarning bu yo‘ldagi xizmatlari yoritilgan.

Kalit so‘zlar: sanoat atlası, geografik atlas, Gosaerossomka, Geodeziya boshqarmasi, aerofotosyomka tashkiloti, O‘rta Osiyo Aerogeodezik trestı, aeroshifrovka, Aerofotogeotrest, Toshkent geliotexnika laboratoriyasi, “Dunyoning Katta Sovet atlası”, Fuqarolar urushi

Kirish. Keyingi yillarda, kartografiya fan va texnika hamda ishlab chiqarishning boshqa sohalari bilan bog‘liq holda rivojlanishi tufayli kartalarnı tuzish va foydalanishda katta ijobiy o‘zgarishlar ro‘y berdi. Bu o‘zgarishlarning asl ma‘nosi hozirgi zamonaviy kompyuterlar

imkoniyatlaridan foydalanib, kartografik ma'lumotlarga ko'ra joyning raqamli modelini tuzish, ortofotoplanlarni tayyorlash va amalda joriy etishdan iboratdir. Lekin kartografiyaning bugungi rivojlanish darajasi karta to'g'risidagi tasavvurga yana ikkita birinchi darajali ahamiyatga molik bo'lgan tamoyilni kiritishni taqozo etadi.

XX asrning 20–30-yillari nihoyatda murakkab davr bo'lib, bolshevistik mafkura ustun bo'lishiga qaramay, milliy ziyolilar madaniyatning barcha sohalarida o'zlarining qobiliyatlarini namoyon qilishga intildi. Ayniqsa, bu kishilar ongini o'zgartirishda muhim omil bo'lgan ta'lim va fanda jiddiy tus oldi[11, – B. 243]. Xususan, 20-yillardayoq O'rta Osiyo davlat universiteti (hozirgi O'zMU)da professor N.I.Lebedinskiy rahbarligida dastlabki geodeziya kafedrasini tashkil etildi. Keyinchalik O'rta Osiyo politexnika instituti, Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash injenerlari instituti (TIQXMII), Toshkent temir yo'llar transporti institutida ham geodezistlar tayyorlana boshladi[2, – B. 92].

XX asrning 20–30-yillarda O'rta Osiyo Ichki suv yo'llari boshqarmasi va Suv xo'jaligi boshqarmasi tomonidan ham Amudaryo deltasining janubiy qismi va Orol dengizining mukammal tabiiy xaritalari ishlandi. Mamlakatdagi plan olish ishlari va xarita tuzish ishlari O'rta Osiyo aerofotogeodeziya trestini tomonidan ham olib borilib, Farg'ona vodiysi, Mirzacho'l, Toshkent va Xorazm vohalarining xilma-xil topografik xaritalari yaratildi. Bu xaritalar Davlat xarita fabrikasida nashr etildi[2, – B. 94].

Sovet davrida har xil iqlimiy va agroiqlimiy xaritalar ham yaratilgan. Masalan: 1924-yilda R.R.Simmerman, I.Baydikov va L.A.Molchanovlarning O'rta Osiyoni iqlimiy rayonlashtirish xarita-sxemasi nashr etildi. O'rta Osiyo va O'zbekistonning iqlimiy va ob-havo sharoitini rayonlashtirish va xaritasini tuzishda YE.P.Korovin, V.M.Chetirkin, R.I.Abolin, L.N.Babushkin, V.A.Djordjio va V.A.Bugayev kabi mutaxassislarning xizmatlari katta.

1924-yil 24-aprelda Butunittifoq Markaziy Ijroiya qo'mitasi raisi M.Kalinin SSSR hududidagi barcha ijroiya qo'mita rahbarlariga hududlardagi astronomo-topografik,

geodezik va kartografik ishlarni tashkil etishda ma'sul bo'lgan xodimlarga turar joy va kerakli asbob uskunalari bilan ta'minlashda amaliy yordam berishlari haqida buyruq bergan[13, 78-varaq]. Shundan so'ng O'zbekistonda ham kartografik tadqiqotlar uchun yangi davr boshlanishiga imkon yaraldi.

Eng xarakterli kartografik voqea 1927-yilda SSSR Yevropa qismining sanoat xaritasi 1:1 500 000 masshtabda, 1929-yilda 1:5 000 000 masshtabda Osiyo qismining xaritasi nashr etilishi bo'ldi. Ushbu xaritalar turli muassasalar uchun mos yozuvli xaritalar bo'lib xizmat qildi va boshqa kichik o'lchamdagi xaritalar uchun asos bo'ldi[3, – C. 330.]. Buning ortidan 1929–1931 yillarda besh qismdan iborat “SSSR sanoat atlası” (birinchi kapital “Sovet geografik atlası”), keyinchalik “2-besh yillik rejaning boshida SSSR sanoati atlası” (1934) nashr etildi[7, – C. 367]. Atlasda ma'muriy-hududiy birliklar bo'yicha guruhlangan ko'rsatkichlar ko'rsatilgan tarmoq xaritalari to'plami berilgan bo'lsa, birinchi ikkita xaritada sanoat ishlab chiqarishining turli tarmoqlarining alohida aholi punktlariga nisbatan joylashuvi batafsil ko'rsatilgan[1, – C. 39].

O'zbekistondagi kartografik va topografik asarlar bo'yicha birinchi tadqiqotni B.P.Shcheglov “O'zbekiston ishlab chiqaruvchi kuchlarini o'rganish bo'yicha 1932 yilgi 1-konferensiya materiallari”da nashr etgan. O'rta Osiyo hududida olib borilgan barcha topografik va kartografik ishlar 1928-yilda tashkil etilgan “Gosaerossomka” O'rta Osiyo davlat korxonasi hamda 1929-yilda tuzilgan SSSR Oliy Iqtisodiy Kengashi Bosh Geodeziya qo'mitasining O'rta Osiyo geodeziya boshqarmasi muassasalarida jamlangan edi[6, – C. 14].

1932-yilda SSSR Davlat rejalashtirish qo'mitasi buyrug'i bilan o'sha yilning 15-noyabrigacha O'rta Osiyo respublikalariga astronomo-geodezik, aero-foto, topografik, kartografik va gravimetrik ishlar olib borish orqali bu erdagi qishloq xo'jaligi, sanoat ishlab chiqarishi, elektrlashtirish, transport tizimi, o'rmon va suv xo'jaligi tizimidagi foydasiz xarajatlarni aniqlash vazifasi yuklatildi[12, 36-varaq]. Shu yili 1928-yildan

buyon har bir Ittifoqdosh respublikalar uchun topografik, geodezik, aero-fotografik, gravimetrik va kartografik ishlar uchun zaruriy texnika, transport va zaruriy materiallar xarajatlari, ishchilarga maxsus bilim olishlari uchun universitetlarda maxsus kurslarda ta'lim berish va oyliklar hisoboti jamlangan[12, 40-varaq]. Bundan ko'rinib turibdiki, XX asrning 30-yillaridan kartografiya sohasiga ajratiladigan mablag'larni tizimga solish orqali ortiqcha sarf-xarajatlarni qisqartirish ishlariga katta e'tibor qaratilgan.

1932-yilda SSSR Davlat Geodeziya boshqarmasi va Hukumat aerofotosyomka tashkiloti tasarrufida O'rta Osiyo hududini aerofotosyomka qilish va xo'jalik xaritalarini deshifrovka materiallari bilan boyitish vazifasi yuklangan yangi tashkilot – O'rta Osiyo Aerogeodezik tresti tuzildi[15, 29-varaq].

1932-yilda tashkil etilgan O'zbekiston SSR Fanlar qo'mitasi respublikaning ko'plab xarita hamda sanoat va qishloq xo'jaligi atlaslarini yaratdi. Xususan, 1936-yil "O'zbekiston qishloq xo'jaligi atlas" tuzildi. 1940-yilda Fanlar qo'mitasi SSSR Fanlar akademiyasi O'zbekiston filialiga aylanguncha, bu erda 10 dan ortiq yirik va o'rta masshtabli maxsus xaritalar bosilib chiqdi. Xususan, Fanlar qo'mitasi ishtirokida "O'rta Osiyoning Markaziy va Janubiy qismlari geologik xaritasi" (1941) va 3 tomli "O'zbekiston SSR geologiyasi" shular jumlasidandir[2, – B. 97].

O'zbekiston SSR Markaziy Ijroiya Qo'mitasi 1933 yil 7 apreldagi 26-sonli qaroriga ko'ra butun O'zbekiston SSR hududidagi geodezik, topografik, aeroshifrovka va suratga olish ishlarida O'rta Osiyo Aerofotogeotrest rahbarlik qiladi. Ishning favqulodda muhimligini inobatga olib qishloq xo'jalik xaritalari tuzishda barcha tashkilot rahbarlari oziq-ovqat ta'minoti, turar joy, transport, tibbiy xizmatlar va aloqa vositalari bilan ta'minlashda yordam berishi zarurligi belgilangan. Qaror ijrosini nazorat qilish Xalq Komissarlari Kengashi raisi Fayzulla Xo'jayevga yuklatilgan[14, 23-varaq].

O'rta Osiyo aerofotogeotrest (Sredzaerofotogeotrest) 1933-yil 5-19 aprel kunlari tekshirilganda qiyin moliyaviy ahvol va kadrlar etishmasligi muammolari tufayli O'rta

Osiyo viloyatlari plan xaritalari, jumladan Farg‘ona viloyati qishloq xo‘jalik xaritalari kechiktirilayotgani aniqlangan. Geotrest rahbari Milenkiyga bu muammolarni hal qilish va 1 oktabrgacha Qashqadaryo va Surxondaryo viloyatlari uchun qishloq xo‘jalik xaritalari tuzish topshirig‘i berilgan[16, 59-60-varaqlar].

1934-yilda nashr etilgan “SSSRning ikkinchi besh yillik boshidagi sanoati” jug‘rofiy atlasini 64 betdan iborat bo‘lib, unda inqilobgacha va sovet hokimiyati yillarida qurilgan korxonalar, fabrika va zavodlarning joylashuvi ko‘rsatilgan. Atlas SSSRning sanoatlashtirish sohasidagi yutuqlarini aniq namoyish etgan[1, 59-60-varaqlar].

1935-yil O‘zbekiston SSR Fanlar Qo‘mitasi tizimiga kartografiya, geologiya va mineralogik resurslarni tadqiq qilish, gidrogeologiya va muhandislik geologiyasi, energetika, o‘simlik dunyosi, agromelioratsiya, Toshkent geliotexnika laboratoriyasi, Toshkent hayvonot bog‘i, Tabiatni muhofaza qilish qo‘mitasi, Toshkent astronomiya observatoriyasi, Qashqadaryodagi Kitob kenglik stansiyasi, Samarqand seysmik stansiyalari birlashtirilgan[4, – C. 40]. Bu keyinchalik kompleks xaritalarni tuzishda va atlaslarni axborotlar bilan boyitishda katta yordam bergan.

XX asrning 30-yillarida O‘zbekiston iqtisodiyotiga bag‘ishlangan xaritalar, xususan bog‘dorchilik, uzumchilik va boshqa qishloq xo‘jalik sohalariga bag‘ishlangan xaritalar ham ishlab chiqarila boshlandi. Xususan, 1936-yil “Qishloq xo‘jaligi ensiklopediyasi”da O‘rta Osiyo iqtisodiy geografiyasiga bag‘ishlangan birinchi xarita nashr etilgan. Unda paxtachilik, g‘allachilik, chorvachilik va qorako‘lchilik maydonlari belgilangan[5, – 26 s.].

Maxsus qishloq xo‘jaligi atlasini yaratish g‘oyasi shu yillarda paydo bo‘lgan. 1936-yil “Sotsialistik fan va texnika” jurnalida (№1. 36 bet) I.F.Makarov va I.V.Chekan “O‘zbekistonda qishloq xo‘jaligi ekinlarining joylashuvi xaritalari” maqolasida quyidagi fikrni keltirganlar: “Bizning sotsialistik iqtisodiyotimiz yangi o‘simliklarni moslashtiradi, qayta quradi va joriy etadi. Rejalashtirishning hududiy taqsimotini qanday amalga

oshirilishini, uning xalq xo‘jaligi ehtiyojlarini qanchalik qondirishini va tabiat kuchlaridan qanchalik maqsadga muvofiq foydalanilishini bilish va ko‘rish juda foydalidir. Ushbu vazifalarga mamlakat milliy iqtisodiy va tabiiy bilimlarining barcha zarur elementlarini o‘z ichiga olgan qishloq xo‘jaligi atlası katta yordam berishi mumkin” [6, – C. 43].

Ittifoqdosh respublikalar orasida hududlarning aniq tasvirlanishi muhim sanalgan. Shu jihatdan, 1938-yil 30-dekabrda SSSR Oliy Soveti Prezidiumining “O‘zbekiston SSRning Qorako‘l rayoni bilan Turkmaniston SSRning Denov, Forob va Sayyod rayonlari o‘rtasida chegarani belgilash to‘g‘risida” farmoniga ko‘ra O‘zbekiston SSRning Qorako‘l tumani Turkmaniston SSR bilan tutashgan “Ko‘kcha” qudug‘idan 5 km narida tugashi belgilangan[10, – B. 25].

1939–1940 yillarda nashr etilgan ittifoqdosh respublikalar qishloq xo‘jalik xaritalari orasida eng sarmazmuni Turkmaniston va O‘zbekiston SSR xaritalari bo‘lib, ularda qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishining mavjud ixtisoslashuvi samarali namoyish etilgan. O‘zbekiston SSR xaritasida paxta etishtirish zonasida g‘o‘zaning Misr va mahalliy navlarini ekish ko‘rsatilgan. Sovxozlar va ularning ixtisoslashuvi piktogramma bilan ko‘rsatilgan[6, – B. 94].

O‘zbekistonda obzor xaritalardan tashqari qishloq xo‘jaligiga ixtisoslashgan Farg‘ona, Zarafshon, Toshkent, Qashqadaryo va Surxondaryo kabi vohalarining maxsus xaritalari ham yaratilgan. Bu xaritalardan er tuzish va qishloq xo‘jaligini rejalashtirishda keng foydalanilgan. 1936-yil Tojik-Pomir ekspeditsiyasining Kartografiya byurosi O‘zbekistonning orografiyasi, relyefi, gidroografiyasi va ma‘muriy birliklari tasvirlangan o‘rta masshtabli birinchi umumiy xaritasini nashr etgan[2, – B. 94].

Tabiiy shart-sharoitlar va resurslarni, iqtisodiyotni va aholini o‘rganish bo‘yicha ko‘p qirrali kartografik va geografik tadbirlarni umumlashtiruvchi kompleks xaritalashning rivojlanishiga, ayniqsa geografiyaga ilmiy va amaliy ahamiyat berildi. “Dunyoning Katta Sovet atlası” (BSAM) (1937) xuddi Sovet hokimiyatining dastlabki

yigirma yilidagi ichki kartografiyasining rivojlanishini sarhisob qilgandek juda chuqur iz qoldirdi[8, – C. 256].

Atlas uch jildda, jumladan dunyo va mamlakatning tabiati, iqtisodiyoti, aholisi va siyosiy tuzilishi haqida to‘liq ma’lumotni o‘z ichiga olgan keng qamrovli ish sifatida yaratilgan. Atlasni yaratish uchun mamlakatning geografik va kartografik kuchlarini birlashtirgan tadqiqot instituti tashkil etildi. 1937-yilda nashr etilgan birinchi jildda dunyoning tabiiy, iqtisodiy va siyosiy geografiyasiga oid xaritalar, shuningdek SSSR hududidagi xaritalar turkumi (jami – 146 bet, 216 xarita) bo‘lgan. 1940-yilda nashr etilgan ikkinchi jild respublikalar va hududlarning xaritalari, Fuqarolar urushi xaritalari bilan (jami – 143 bet, 216 xarita). Uchinchi jild (qit’alar va xorijiy mamlakatlarning bir qator tematik xaritalari)ning nashr etilishiga Ikkinchi jahon urushi xalal berdi.

“Dunyoning Katta Sovet Atlasi” SSSRda XX asr boshidagi topografik bilimlar darajasini aks ettiradi, aksariyati birinchi marta qilingan tabiiy xaritalarning to‘liq seriyasini o‘z ichiga oladi va uzoq muddatli statistikani umumlashtiruvchi iqtisodiy xaritalar, shuningdek, siyosiy yo‘nalishning mutlaqo yangi xaritalari (mustamlaka qaramligi, bozorlar, mamlakatlarning iqtisodiy qaramligi va boshqalar)ni o‘zida aks etadi. BSAM da ishlatiladigan hodisalarning o‘zaro bog‘liqligi va dinamikasini aks ettirgan kartografik metodlar klassikaga aylandi. 1937-yilda Parijda bo‘lib o‘tgan Butunjahon ko‘rgazmasida atlasni yaratuvchilar jamoasi eng oliy mukofot (“Grand Pris”) ga sazovor bo‘lishgan[9, – C. 44-45].

Atlasda O‘zbekiston va uning alohida vohalarining iqtisodiy xaritalarida yaylovlar, sug‘oriladigan va bahorikor erlar, shuningdek, kanop, paxta va tamaki etishtiriladigan hududlar tasvirlangan. Qishloq xo‘jalik ekinlarining hududiy joylanishi hamda chorvachilikning tarqalishi maxsus belgilar bilan ko‘rsatilgan, ixtisoslashuviga muvofiq sovxozlar ham maxsus shartli belgilarda ko‘rsatilgan [18, – B. 13].

XX asr davomida o‘quv kartografiyasining rivojlanishi juda tizimli ravishda o‘tdi. Shu o‘rinda “Pravda” gazetasining 1937-yil 10-sentabr sonidagi “Geografiyani a’lo darajada o‘rganaylik” sarlavhali bosh maqolasini eslab o‘tish o‘rinli. Bu maqolada geografiya fanini o‘qitishning bir qancha masalalari bilan bir qatorda, bu fanni va sayohatlar tarixini o‘rganishga doir muhim yo‘l-yo‘riqlar berilgan edi. Unda quyidagi satrlar keltirilgan: “Geografiya shu qadar zerikarli qilib o‘qitiladiki, uning Vatanimiz hayoti va tarixidai ajratib qo‘yilgani quyidagi misoldan yaqqol ko‘rinib turibdi. O‘quvchilarning turli sayohatlar bilan hamda mashhur tabiatshunoslarning hayoti bilan nihoyatda qiziqishlari hammaga ma’lum. Ammo ular rus sayyohlari to‘g‘risida hech narsa o‘qimayotirlar. Geografiya o‘qituvchilari ularga o‘z vatandosh sayyohlari to‘g‘risida bir og‘iz ham gapirmaydi. Natijada o‘quvchilarni sovet vatanparvarligi ruhida tarbiyalashning juda qimmatli vositasi foydalanilmayotir. Axir, o‘quvchilar Mikluxo-Maklay, Prjevalskiy, Kozlov va boshqa mashhur rus geograflari hamda sayyohlarining familiyalarini eshitganda hayratda qolishadi[17, – B. 6]. Talablarga binoan 1937-yildan boshlab SSSRda maktab o‘quv atlaslari ishlab chiqarila boshlandi. Ushbu barqaror qo‘llanmalar XIX–XX asr boshlariga tegishli nashrlarning o‘rnini bosdi[9, – C. 57].

1938-yilda professor N.L. Korjenevskiy tahririda O‘zbekiston SSR hududining tabiiy xaritasi bosilib chiqdi. Bu xaritaning Tojik-Pomir ekspeditsiyasi tuzgan xaritadan farqi unda geografik obyektlar ancha saralab, umumlashtirib berilgan[2, – B. 95]. Bu xarita o‘quv xaritasi bo‘lib, yangilangan tahrirda hozirgi paytgacha foydalanib kelinadi.

Xulosa va tavsiyalar. Xulosa sifatida shuni aytishimiz mumkinki, XX asr boshlaridan O‘zbekiston hududi, uning muhim geografik xususiyatlari ko‘p xarita va atlaslarda aks etdi, xaritaga olish ishlari sezilarli rivoj topdi. Lekin bu rivojlanish bir yoqlama bo‘lib, sovetcha manfaatlarga bo‘ysungan. Xalq xo‘jaligining tiklanishi hamda rivoj topishi, keng miqyosdagi yangi hududlarni o‘zlashtirish va sug‘orish maxsus xaritalarini yaratilishini toqazo etardi.

Foydalanilgan manba va adabiyotlar ro‘yxati.

1. Баранский Н., Преображенский А. Экономическая картография. – М.: Гос. изд-во географ. лит., 1962. – 282 с.
2. Гальков Ч.В., Раҳимбеков Р.У., Югай Р.Л. Ўзбекистон карталари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 103 б.
3. Гараевская Л.С. Картография. – М.: Недра, 1971. – 360 с.
4. Мамедова Л.С. К истории создания академии наук УзССР // ОНУ. – Ташкент, 1968. – №11.
5. Мирзалиев Т. Основы формирования и развития социально-экономического картографирования в Узбекистане: Дис... докт. геог. наук. – Ташкент: ТашГУ, 1996. – 26 с.
6. Мирзалиев Т.М., Мухитдинов Ш.М., Базарбаев А. Атласное картографирование в Узбекской ССР. – Ташкент: «Фан», 1990.
7. Салищев К.А. Картоведение. – М.: Изд-во Московского университета, 1976. – 437 с.
8. Салищев К.А. Картография. – М., 2-е изд., 1971. – 248 с.
9. Сваткова Т.Г. Атласная картография. – М.: Аспект Пресс, 2002. – 203 с.
10. Ўзбекистон ССР қонунлари ва ЎзССР Олий Совети Президиуми фармонлари тўплами (1938–1973). – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1973.
11. Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). К.2. Ўзбекистон 1939–1991 йилларда / Маъсул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2019.
12. ЎзМА Р-10-фонд, 1-рўйхат, 95-иш, 36-варақ.
13. ЎзМА Р-17-фонд, 1-рўйхат, 535-иш, 78-варақ.
14. ЎзМА Р-837-фонд, 11-рўйхат, 33-иш, 23-варақ.
15. ЎзМА Р-9-фонд, 1-рўйхат, 1205-иш, 29-варақ.

16. ЎзМА Р-9-фонд, 1-рўйхат, 2344-иш, 59-60-варақлар.
17. Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – 264 б.
18. Эгамбердиев А., Увраимов С. Атласлар – картографик энциклопедиялар. – Тошкент: «Картография» ИИЧДК, 2017. – 75 б.

Аннотация. В статье представлены сведения о территории Узбекистана и ее важных географических особенностях, отраженных на картах и атласах. В частности, освещена история использования современных технологий в организации картографической деятельности в Узбекистане и практическая работа узбекских картографов, покрытие территории Узбекистана атласами, услуги национальной интеллигенции в этом направлении.

Abstract. The article provides information about the territory of Uzbekistan and its important geographical features reflected in maps and atlases. In particular, the history of the use of modern technologies in the organization of cartographic activity in Uzbekistan and the practical work done by Uzbek cartographers, the coverage of the territory of Uzbekistan in atlases, and the services of national intellectuals in this direction are covered.

